

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Н.М. Қўшаев, Ш.Ф. Файзиев

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА
ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан магистратуранинг 5А380109
мухассислиги тингловчилари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*

Тошкент - 2007

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2007 йил 16 январдаги мажлиси қарори (3-сонли баёни) билан нашрга тавсия қилинган.

Қўшаев Н.М., Файзиев Ш.Ф. Жиноят процес-сида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари. Ўқув қўлланма / ю.ф.н. доц. З.Ф. Иноғомжонованинг таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. 150 бет.
Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

Тақризчилар:

Б.Х. Пўлатов – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси “Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази” кафедра мудири, ю.ф.д.

Ш.Х. Иноғомжонов – Тошкент Давлат юридик институти «Жиноят процесси» кафедраси доцент в.б., ю.ф.н.

Мазкур қўлланмада тергов ҳаракатларининг тушунчаси, жиноят иши бўйича далиларни тўплашдаги аҳамияти, тергов ҳаракатларининг турлари, ўтказилиш тартиби, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Мавзуларни тадқиқ қилишдаги тизимли ёндашув муаллифларга тергов ҳаракатларининг ўхшаш ва фарқли томонларини, улар ўртасидаги алоқаларни, тергов жараёнида у ёки бу вазиятда муайян тергов ҳаракатини танлаш мақсадга мувофиқлигини очиб бериш имконини берди ва булар қўлланмада ифода қилинди.

© Н.М. Қўшаев, Ш.Ф. Файзиев.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2007 йил.

КИРИШ

Ўзбекистон учун мустақиллик ундаги ҳалқларнинг ўз тақди-рини, ривожланиш йўлини белгилаш, ҳуқуқий демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш имкониятларини берди.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг мақсади инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари имкон қадар тўла таъминлашдан иборат экан, давлатимиз сиёсатида жиноятчиликка қарши курашиш фаолияти инсон фаровонлигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Президентимиз И.А.Каримов «Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг орзу–умидларини рўёбга [\[1\]](#)

чиқариш учун шарт-шароит яратиш - бош вазифамиз» деб таъкидлаганлар.

Дарҳақиқат, жиноятчиликка қарши курашиш қандай даражада ва қайси усуллар билан амалга оширилиши жамият ҳаётида ижти-мой барқарорликни таъминлашга бевосита таъсир этади.

Жиноятчиликка қарши курашишда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий омилларлар билан бир қаторда ҳуқуқий омиллар ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Жиноятларни тез ва тўла очиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш қафолати ҳисобланади. Айбдорларни фош этишда шахсларнинг манфаатларига путур етказмаслик ва ҳуқуқлари-ни ҳавф остида қолдирмаслик мазкур фаолиятни амалга оширишнинг асосий шартларидан биридир.

Исбот қилиш процесси ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқат-ни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатдир. Жиноят ишларини юритишда ҳар қандай ҳолат қатъий белгиланган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган исбот қилиш воситалари билан асослантирилади. Исбот қилиш воситалари бўлган далилларни олиш, жиноят-процессуал қонунчилигига биноан, далилларни тўплаш усуллари орқали амалга оширилади.

Далилларни тўплаш усуллари жиноят процесси фанида тергов ҳаракатлари деб ҳам номланиб, бунда фаннинг долзарб масалалари кўриб чиқилади. Тергов ҳаракатлари жиноят ишини очиш йўлларини-гина ўз ичига олмай балки, жиноятни очишда рия қилиниши керак бўлган қазий қоидаларни ҳам кўрсатиб беради.

1-мавзу. Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ўқув курсининг тушунчаси, предмети ва тизими

Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ўқув кур-си магистратура босқичининг 5A380109 (Жиноят процесси; кримина-листика ва тезкор қидирув; суд экспертизаси) ва 5A380111 (Суд ти-зими; прокурор назорати; адвокатура) йўналишларида жиноят про-цессининг далилларни тўплаш усуллари мавзусида кўтарилган маса-лалар: тергов ва суд ҳаракатларининг тушунчаси, турлари ва тизими; тергов ҳаракатларининг процессуал ҳаракатлардан фарқи; сўроқ қилишнинг умумий қоидалари; гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш; гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш; юзлаштириш; юзлаштириш асослари ва тартиби; таниб олиш учун кўрсатиш, унинг асослари ва тартиби; кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, асослари ва тартиби; кўздан кечириш; кўздан кечириш-нинг асослари ва тартиби; кўздан кечиришнинг турлари; гувоҳ-лантириш, унинг тартиби ва асослари; кўздан кечириш тергов ҳара-катидан гувоҳлантиришнинг фарқи; мурдани эксгумация қилиш; мурдани эксгумация қилиш асослари ва тартиби; эксперимент, уни ўтказиш асослари ва тартиби; олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш; тинтув ўтказишнинг тушунчаси, турлари ва асослари; олиб қўйишнинг тин-тув ўтказиш тергов ҳаракатидан фарқи; почта - телеграф жўнатма-ларини хатлаб қўйиш, кўздан кечириш ва олиб қўйиш; телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашув-ларни эшитиб туриш; унинг асослари ва тартиби; экспертиза; экспер-тиза ўтказишнинг турлари; эксперт хулосасига қўйиладиган талаблар; эксперт хулосасини баҳолаш; экспертиза текшируви учун намуналар олиш; ашёвий далиллар ва уларнинг таснифи; нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш; нарса ва ҳужжатларни ашёвий ва ёзма далил сифатида ишга қўшиб қўйиш, шунингдек, тергов ҳаракатларининг ҳуқуқий асослари ва шартлари; тергов ҳаракати иштирокчилари каби масала-ларни батафсил ўргатиш, магистрантларда ушбу масалалар юзасидан амалий кўникмаларни ва жиноятларни очиш, тергов қилиш ва олдини олиш бўйича амалий кўникма ва салоҳиятни шакллантириш мақсади-да ташкил этилган.

Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ўқув кур-си жиноий ҳодиса юзасидан ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далил-ларни топиш, текшириш, расмийлаштириш ва баҳолаш каби процес-суал ҳаракатлар бевосита боғлиқ бўлганлиги боис аҳамиятлидир.

Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ўқув кур-сини ташкил этишдан мақсад магистрантларга тергов ҳаракатларини ўтказиш тартиби, шартлари, ўзига хос хусусиятлари ва уларга қўйил-ган талабларга қатъий риоя қилишга ўргатишдан иборат. Чунки тер-гов ҳаракатларини ўтказишда қонун талабларини етарли даражада ба-жармаслик процес иштирокчилари ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қону-ний манфаатларининг бузилишига, тергов ҳаракатлари натижасида топилган маълумотларнинг далил сифатида тан олинмаслигига ва бунинг оқибатида жиноят-процессуал қонунида белгилан вазифалар бажарилмасдан қолишига олиб келади.

Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ўқув кур-си аниқ шароитда, вазиятда жамият ва давлат хавфсизлиги ва ман-фаатларига, ҳуқуққа хилоф ҳаракат натижасида етказилган зарарни аниқлаш олдини олиш ва бартараф этишда жиноят- процессуал қонунини қатъий ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашни кўзлайди.

Мазкур ўқув курси нисбатан ёш ҳисобланиб, Тошкент Давлат юридик институтида магистратура марказининг ташкил этилиши билан намунавий ўқув режасига киритилди.

Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ўқув кур-сининг предмети жиноят- процессуал қонунида белгиланган исбот қилиш усуллари, яъни далилларни тўплаш ва текширишга қаратилган тергов ҳаракатлари, уларнинг турлари, ўтказиш ва процессуал расмийлаштириш тартиби, асослари ва шартлари ҳисобланади.

Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ўқув кур-сининг вазифалари жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатларини ўтказиш тартиби, асослари ва шартлари, ҳар бир тергов ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги билимларни тизимлаштириш, магистрантлар уларни, шунингдек, тергов ҳаракатларига доир қонун-чилик нормалари ва улардаги муаммоли жиҳатларни ўргатиш, аниқ шароитда муайян тергов ҳаракатини танлаш ва жиноят ишини очишда тергов ҳаракатларини самарали ўтказиш, тергов ҳаракатлари хусусидаги ўз билимларини қўллай билиш салоҳиятини шаклланти-риш, бу борада олимларнинг илмий қарашлари билан таништириш ҳисобланади.

Тергов ҳаракатлари мураккаб ҳуқуқий ҳодиса бўлганлиги, унда ҳуқуқий билимлар қатори аниқ фанларнинг ютуқларидан ҳам фойда-ланиш зарурлиги боис мазкур ўқув курси предметини тадқиқ қи-лишда билишнинг барча усулларидан фойдаланилади.

Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ўқув кур-си тизими қуйидаги мавзулардан ташкил топган:

- Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари фа-нининг тушунчаси, предмети ва тизими;
- Тергов ҳаракатлари исботлаш воситаси сифатида;
- Сўроқ қилиш;
- Юзлаштириш;
- Таниб олиш учун кўрсатиш;
- Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;
- Кўздан кечириш;
- Гувоҳлантириш;
- Мурдани эксгумация қилиш;
- Тергов эксперименти;
- Олиб қўйиш ва тинтув;
- Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш;
- Экспертиза;
- Экспертиза текшируви учун намуналар олиш;
- Нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш.

Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ўқув кур-сининг манбалари халқаро ҳуқуқ нормалари,

конституциявий ва жи-ноят – процессуал қонун нормалари, тергов ҳаракатлари масалалари хусусидаги ўқув ва илмий адабиётлар ҳисобланади.

Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ўқув курсининг ҳуқуқий манбалари сифатида халқаро ҳуқуқ нормалари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал кодекси ва бошқа қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқларини кўрсатиш мумкин.

Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ўқув курси жиноят процесси, жиноят ҳуқуқи, жиноят процессида далиллар назарияси, жиноят ишлари бўйича процессуал актлар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, прокурор назорати, криминалистика каби фанлар билан бевосита боғлиқ ва алоқадордир.

2 - мавзу. Тергов ҳаракатлари исботлаш усули сифатида

Тергов ҳаракатлари тушунчаси

Тергов ҳаракатлари жиноят процессининг ғоят мунозарали, дол-зарб масалаларидан биридир. Муайян жиноят иши юзасидан процес-суал фаолиятнинг таркибий қисми бўлган процессуал ҳаракатлар ичида тергов ҳаракатлари кўпчилик қисми ташкил этади. Қолаверса, жиноят - процессуал фаолият субъектларининг асосий мақсади жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавоб-гарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш-дан ва пировардида ҳақиқатни аниқлашдан иборат экан, ҳар бир ҳолатни тасдиқловчи маълумот ва ашёга тергов ҳаракатлари восита-сида далил мақоми берилади.

«Тергов ҳаракатлари» атамаси айнан қандай ҳаракат эканлиги тўғрисида олимлар ўртасида яқдил фикр мавжуд бўлмасдан, юридик адабиётларда турли маъноларда қўлланилади. Бу эса тергов ҳаракат-лари атамасини тушунишда муайян қийинчиликларга олиб келиши шубҳасиз. «Тергов ҳаракатлари» атамаси ҳақида тушунча ва таъриф-ларни таҳлил қилиб, мазкур атамани шартли равишда кенг ва тор маъноларда қўлланилади дейиш мумкин.

«Тергов ҳаракатлари» атамаси кенг маънода қўлланилганда дастлабки терговда ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томо-нидан амалга ошириладиган жиноятни тергов қилиш билан боғлиқ барча процессуал

[2]

ҳаракатлар тушунилади .

Адабиётларда «тергов ҳаракатлари» атамаси тор маънода қўлла-нилганда бевосита далиллар йиғишга ва текширишга қаратилган ҳаракатлар назарда тутилган. Далилларни тўплаш ва текшириш усул-ларига нисбатан «тергов ҳаракатлари» атамасининг қўлланилиши жиноят процесси назариясида кўп мартаба эътироф этилиб, тергов ҳаракатларини исбот қилиш усулларини англаштириш учун қўллаш керак деган фикрлар етакчилик қилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят - процессуал кодексининг 7, 36, 37, 39, 73, 135, 329, 339, 340, 343, 352, 353, 355, 357, 364, 371, 377, 382 ва бошқа кўплаб моддаларида «тергов ҳаракатлари» атамаси айнан далилларни тўплаш ва текшириш восита-лари (усуллари)ни англаштириш учун қўлланилган.

«Тергов ҳаракатлари» атамаси тор маънода қўлланилганда жи-ноят ишини қўзғатиш, мажбурлов чорасини қўллаш, айб эълон қилиш каби процессуал ҳаракатлар тергов ҳаракатлари тизимига киритил-майди.

Шу жумладан, терговчининг барча процессуал ҳаракатларини ҳам тергов ҳаракати деб бўлмайди. Чунки, терговчининг фаолияти тергов ҳаракати деб ҳисобласак, биз тергов ҳаракатлари деб атайди-ган процессуал ҳаракатлар суд томонидан ҳам амалга оширилишини назардан четда қолдирмаслик керак, гарчанд у қонуннинг айрим жойларида “суд ҳаракати” деб номланган бўлса-да. (Масалан ЎзР ЖПКнинг 570 - моддаси).

Тергов ҳаракатлари тушунчаси баъзида дастлабки тергов билан аралаштирилади.

Дастлабки тергов бу жиноят процессининг босқичларидан бири бўлиб, ўзида жиноят содир қилган шахсни айбла

Жиноят ишини тергов қилиш ва ҳал этиш учун аввало қонун талаблари асосида далилларни йиғиш, жиноят соди

Тергов ҳаракатлари нафақат дастлабки тергов босқичида, балки, суриштирув ва судда, қолаверса ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш ҳаракатлари жиноят иши қўзғатил-гунга қадар ҳам ўтказилиши мумкин.

Тергов ҳаракатларига жиноят-процессуал баҳо берадиган бўл-сак, улар бир томондан дастлабки терговнинг асосий қисмини ташкил этса, бошқа бир томондан далилларни тўплаш ва текшириш тизимида асосий бўғинни эгаллайди.

Тергов ҳаракатларининг аҳамияти далилларни тўплашнинг асо-сий усуллари эканлигидан иборатлиги боис, улар жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашда ҳам асосий усул ҳисобланади. Тергов ҳаракат-лари қатъий, батафсил ишлаб чиқилган шаклга эга ва давлат мажбур-ловини қўллаш кучи билан таъминланади.

Биз қуйида, кейинги мавзуларда “тергов ҳаракатлари” атамаси орқали Ўзбекистон Республика Жиноят-процесул кодексининг 87 - моддасида кўрсатилган ва X - XXV боблари бағишланган далилларни тўплаш ва текширишга қаратилган исбот қилиш усуллари хусусида сўз юритамиз.

Шундай қилиб, тергов ҳаракатлари бу - далилларни йиғиш ва текширишнинг қонун билан тартибга солинган ва давлат мажбур-лов кучини қўллаш имкониятлари билан таъминланадиган усулла-ридир.

Тергов ҳаракатларининг турлари ва тизими

Тергов ҳаракатлари турли мезонларга кўра тавсифланади.

Тергов ҳаракатларини таснифлаш С.А. Шейфер томонидан тад-қиқ қилиниб, тергов ҳаракатларини билиш

[3]

усули, маълумотни олиш усули ва объектларни намоён бўлиш мураккаблигига кўра турларга бўлинади .

Тергов ҳаракатлари билиш усулига кўра:

- 1) сўров шаклидаги тергов ҳаракатлари;
- 2) кузатув шаклидаги тергов ҳаракатлари;
- 3) кузатув ва сўров шаклидаги тергов ҳаракатларига бўлина-ди.

Сўров шаклидаги тергов ҳаракатларида шахсда далил бўла ола-диган маълумотлар мулоқот ёки сўзлашув (сўраш) йўли билан олина-ди. Бунга мисол қилиб сўроқ қилиш, юзлаштириш тергов ҳаракатла-рини кўрсатиш мумкин.

Кузатув шаклидаги тергов ҳаракатлари муайян объект ёки жара-ённинг ташқи белгиларини ёки улардаги ўзгаришларни кўзатиш орқали ўтказилади. Мисол тариқасида гувоҳлантириш, олиб қўйиш эксперимент тергов ҳаракатларини кўрсатиш мумкин.

Кузатув ва сўров шаклидаги тергов ҳаракатлари бир вақтда би-лишнинг иккала усули: ҳам кузатув, ҳам сўров билан ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ҳисобланади. Бунга кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш мисол бўлади.

Билиш усуллари жиноят изларига боғлиқ ва улар тергов хара-катларининг процессуал шаклига сезиларли таъсир этади. Масалан, кузатув усули қўлланиладиган вақтда холисларнинг иштироки объек-тивлик гарови сифатида талаб қилинади.

Маълумотни олиш усулига кўра тергов ҳаркатлари:

1) маълумотларни бевосита олишга асосланган тергов ҳаракат-лари;

2) яширин маълумотларни махсус мутахассислар ёрдамида, яъни билвосита олишга асосланган тергов ҳаракатлари.

Маълумотларни бевосита олишга асосланган тергов ҳаракатла-рида терговчи (ёки тергов ҳаракатини ўтказаяётган бошқа шахс) маълумотларни шахсан ўзи бевосита қабул қилади ва қайд қилади.

Яширин ахборотни мутахассислар ёрдамида билвосита олишга асосланган тергов ҳаракатларида далил сифатида олинadиган маълумотни олиш учун махсус билим талаб қилинади. Экспертиза тайинла-ниши лозим бўлган ҳолларда, фақатгина экспертиза орқали далиллар олинади. Амалдаги жиноят - процессуал қонунчиликнинг мазмунига кўра экспертиза тайинланиши лозим бўладиган ҳолатларда терговчи-нинг тадқиқотни ўтказиш ва маълумотни олиш қобилияти борлиги-дан қатъи назар экспертиза тайинланиши шарт.

Тергов ҳаракатларининг фанда мазкур мезон асосида таснифла-ниши тартиби, маълумотни олиш усулига кўра бир-бирига ўхшаш тергов ҳаракатларининг қандай ҳолатда ўтказилишини аниқлашга ёрдам беради. Мисол учун бир ҳолат юзасидан тергов эксперименти ё гувоҳлантириш ўтказиш ёки экспертиза тайинлаш керакми? - деган саволларга маълумотни олиш усулига кўра тергов ҳаракатлари тур-ларга ажратиш орқали жавоб олиш мумкин. Чунки мазкур таснифлаш юқорида санаб ўтилган тергов ҳаракатлари ўтказиладиган ҳолатлар-нинг чегарасини белгилаб беради.

Объектларининг мураккаблигига кўра тергов ҳаракатлари икки гуруҳга бўлинади. Булар:

1) бир объектга қаратилган тергов ҳаракатлари;

2) бир неча объектга қаратилган тергов ҳаракатлари.

Бир объектга қаратилган тергов ҳаракатларида маълумот ман-баси бўлиб битта объект хизмат қилади ва бир мазмундаги хара-катлар амалга оширилади. Мисол учун сўроқ қилишда бир шахс сўроқ қилинади. Кўздан кечиришда фақат кузатилиб, маълумотлар олинади. Тинтув ва олиб қўйишда эса далилий ашёлар топилади.

Бир неча объектга қаратилган тергов ҳаракатларида маълумот манбалари ёки олиш усуллари бир нечта бўлади. Юзлаштириш тергов ҳаракатида маълумот манбаси сифатида икки шахснинг кўрсатувлари таққосланади. Кўрсатувларни ҳодиса жойида текширишда ҳам шахс сўроқ қилинган бўлади, ҳам унинг кўрсатувлари объектив ҳолат билан текширилади.

Тергов ҳаракатлари ўзининг мақсадига кўра:

1) далилларни тўплашга қаратилган тергов ҳаракатлари;

2) далилларни текширишга қаратилган тергов ҳаракатларига бўлинади.

Далилларни тўплашга қаратилган тергов ҳаракатларида ҳали ўр-ганилмаган объект хусусида маълумот олинади. Сўроқ қилиш (такро-ран, қўшимча ва қайта сўроқ қилишлар бундан мустасно), олиб қўйиш, тинтув ва б.

Далилларни текширишга қаратилган тергов ҳаракатларида олдин тергов ҳаракатлари орқали бошқа бир тергов ҳаракатида йиғилган да-лилнинг ҳақиқий ҳолатга мос келиши текширилади. Булар юзлашти-риш, эксперимент ўтказиш, таниб олиш учун кўрсатиш тергов хара-катларидир. Шунинг учун бундай тергов ҳаракатларини амалга оши-ришдан олдин дастлабки керакли далилларни тўплаш зарур бўлади.

Булардан ташқари, фанда тергов ҳаракатларини таснифлашда уларни ўтказиш пайтига кўра (бошқа процессуал ҳаракатларга нисба-тан) кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари тури ажратилиб кўрсатилади.

Жиноят процесси назариясида “кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати” тушунчаси кўплаб илмий тортишувларга сабаб бўлади. Чунки олимлар бундай тергов ҳаракатларини турли хил талқин қи-либ, уларга мансуб тергов ҳаракатларини ўз нуқтаи назарларидан ке-либ чиқиб белгилайдилар.

Айрим олимлар “кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатла-ри”ни криминалистик тушунча деб билиб, жиноят тергов қилиш тактикасига кўра жиноят ҳали совумаган изларидан далилларни олиш ва мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатларнинг зарурий бирламчила-рини, яъни кечиктирилмаган ҳолда (агар тезкорлик билан олиб борилмаса, далилларнинг йўқолиши, сохталаштирилишига олиб ке-лиши мумкин) ўтказиладиган тергов ҳаракатларини

[4]

тушунадилар .

Бошқа олимлар эса кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатла-рини жиноят - процессуал тушунча деб таъкидлаб, жиноят ишини қўзғатиш вақтига нисбатан, қолаверса жиноят – процессуал қонунчи-лигида айнан

[5]

“кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари” сифати-да кўрсатилган тергов ҳаракатларини кўрсатадилар .

Яна бир гуруҳ процессуалист олимлар “кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари”нинг икки жиҳатини

[6]

кўрсатиб, уни ҳам кри-миналистик, ҳам жиноят-процессуал тушунча деб ҳисоблайдилар .

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят–процессуал ко-дексида кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларининг рўйхати ва ҳажми ҳақида сўз юритилмаган.

Жиноят-процессуал фаолиятни амалга оширадиган суриштирув-чи ёки терговчи ўз иш юритувидаги жиноят ишининг мураккаблиги-дан ва жиноятнинг криминалистик гуруҳга мансублиги ва унинг бош-қа таркибий хусусиятларидан келиб чиқиб, барча тергов ҳаракатлари орасидан “кечиктириб бўлмайдиган”ларини ўзи танлаб олади. Шу-нинг учун ҳам, бизнингча, қонун чиқарувчи кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларининг рўйхатини қатъий белгиламасдан тўғри қил-ган. Чунки муайян ҳодиса юзасидан айнан қайси тергов ҳаракатлари кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари бўлишини олдиндан белгилашнинг имкони йўқ.

Тергов ҳаракатлари тизими хусусида жиноят - процессуал наза-риясида ҳали ҳануз мунозаралар ва янглиш фикрлар мавжуд. Айрим ҳолда тергов ҳаракатлари сирасига гумон қилинувчини ушлаб туриш, мулкни хатлаш қабиларни киритса, бошқа бир ҳолларда масалан: телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилadиган

[7]

сўзлашувларни эшитиб туриш тергов ҳаракатларига киритилмайди .

Амалдаги жиноят - процессуал қонунчилигимизда куйидаги тер-гов ҳаракатлари мавжуд:

- 1) сўроқ қилиш;
- 2) юзлаштириш;
- 3) таниб олиш учун кўрсатиш;
- 4) кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;
- 5) олиб қўйиш;
- 6) тинтув;
- 7) кўздан кечириш;
- 8) гувоҳлантириш;
- 9) мурдани эксгумация қилиш;
- 10) эксперимент ўтказиш;
- 11) экспертиза тадқиқотлари ўтказиш учун намуналар олиш;
- 12) экспертиза ва тафтиш тайинлаш;
- 13) тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш;
- 14) телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиб туриш йўли билан

тўпланади.

Тергов ҳаракатларининг ҳуқуқий асослари ва шартлари

Тергов ҳаракати ўтказишнинг қоидалари уларни тартибга солувчи жиноят - процессуал нормаларда акс этади. Жиноят процессида судга қадар иш юритишда тергов ҳаракатларини ўтказишда Жиноят – процессуал кодексининг 9 - 25-бобларидаги нормалар қўлланилади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, жиноят процессининг суд босқичларида тергов ҳаракатларини ўтказишда эса ушбу нормалар бирга тергов ҳаракатини суд томонидан ўқазилишига доир нормалар ҳам амал қилади.

Тергов ҳаракатларига бағишланган нормаларни уч гуруҳга ажра-тиб кўрсатиш мумкин:

- 1) тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳолларини тартибга солувчи нормалар;
- 2) тергов ҳаракатлари процессуал тартибини белгилаб берувчи нормалар;
- 3) тергов ҳаракатлари ўтказишни тасвирловчи нормалар.

Мана шу уч гуруҳдаги нормалар тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг процессуал шаклини белгилаб беради.

Тергов ҳаракатлари процессуал шаклининг биринчи элементи уларни ўтказишнинг шартлари ҳисобланади. Улар умумий ва махсус шартлардан иборат.

Тергов ҳаракатлари ўтказишнинг умумий шартлари. Тергов ҳаракатлари ўтказишнинг умумий шартлари асосан куйидагилар:

а) Жиноят иши қўзғатилган бўлиши керак (ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза бундан мустасно (ЖПК, 329 – модда, 2 - қисм)).

б) тергов ҳаракатини ўтказишга ваколатли субъектнинг мавжуд бўлиши (монесиз иштирок этадиган ва қонунда белгиланган тартибда ишни ўз юритувига қабул қилган шахс);

в) тергов ҳаракатининг ўтказилиш вақти ва жойи.

Тергов ҳаракатини ўтказиш жойи, яъни, тергов қилиш жойи ҳудудий жиҳатдан терговга тегишлилик (ЖПК, 346 - модда) билан аниқланади. Зарур ҳолларда тергов ҳаракатлари бошқа жойларда, тер-говчининг шахсан ўзи бориши ёки алоҳида топширик бериши билан амалга оширилади.

Тергов ҳаракатлари тунги вақтда, яъни кеч соат 22 - 00 дан эрталаб соат 6:00 гача тергов ҳаракатлари олиб бориш. Тайёрла-наётган ёки содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш, жиноят изи йўқолишига ёки гумон қилинувчининг қочиб кетишига йўл қўймастик, эксперимент жараёнида текширилаётган ҳодисанинг ҳолатини қайтадан тиклаш зарурати бўлган ҳоллар бундан мустасно (ЖПКнинг 88 - моддаси 2 - қисми 3 - банди).

Тергов ҳаракатларини ўтказишнинг махсус шартлари. Тергов ҳаракатларини ўтказишнинг махсус шартлари деганда муайян ҳолат-да зарурий тергов ҳаракатини тўғри танлашга йўл қўядиган махсус шарт - шароитлар назарда тутилади.

Улар сирасига энг аввало, тергов ҳаракати ўтказиш учун асос-лар: айнан шу ҳаракатлар ёрдамида муайян далил турини олиш зарурати тўғрисида маълумот (фикр) нинг мавжудлиги ҳисобланади. Асос сифатида аниқ маълумотлар, баъзи ҳолларда раҳбар шахснинг кўрсатувлари бўлиши мумкин (Мисол учун муайян тергов ҳаракатини ўтказиш тўғрисида терговчи ёки суриштирувчига прокурорнинг берган кўрсатуви).

Тергов ҳаракатининг асосларини нотўғри аниқлаш тергов ҳаракатларини ноқонуний равишда бирининг ўрнини иккинчиси билан алмаштиришга сабаб бўлади. Амалиётда гувоҳлантириш ўрнида юз-лаштириш, экспертиза ўрнида тергов эксперименти, эксперимент ўр-нида эса, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тер-гов ҳаракатлари ўтказилганлиги ва шунга ўхшаш нохуш ҳолатларни учратиш мумкин. Бу ҳолатларда тергов ҳаракатлари асоссиз ўтказил-ган ҳисобланади ва уларнинг натижалари ўзининг далилий кучини йўқотади.

Тергов ҳаракатларининг махсус шартларига, шунингдек, улар иштирокчиларининг доирасига ва уларнинг ҳуқуқий мақомига эълон қилинадиган талабларни ҳам киритиш мумкин. Улар *мажбурий ва факультатив бўлишлари мумкин*. Баъзи ҳолларда тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг мажбурий доираси қонун томонидан ҳам белги-ланган, айрим тергов ҳаракатида ҳолисларнинг ва таржимон ва ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар Жиноят – процес-суал кодексда кўрсатилган.

Айбланувчини сўроқ қилиш учун айблов эълон қилинганлиги, таниб олиш учун кўрсатишда таниб олувчи шахсни таниб олиш учун кўрсатиладиган шахс ёки предмет хусусида, уни қайси белгиларига кўра таниб олиши тўғрисида сўроқ қилиш махсус шартлардан ҳисоб-ланади. Экспертиза ўтказиш учун гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг ҳимоячиси экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор билан дастлабки танишуви махсус шарт бўлиб хизмат қилади. (ЖПК, 179 – модда, 1-қисм).

Махсус шартларнинг мавжудлигини қонун тергов ҳаракатини ўтказиш тўғрисидаги ёзма шаклда

расмийлаштирилган қарорда акс эттириш талаб қилинади (бу тергов ҳаракатининг юридик асоси деб аталади).

Терговчи қарорига кўра мурдани эксгумация қилиш гувоҳлан-тириш, тинтув, олиб кўйиш, экспертиза (шу жумладан, экспертиза олдига қўйилган саволлар) ўтказиш ва бошқалар амалга оширилади.

ЖПКда белгиланган айрим ҳолларда давлат сирлари бўлган ҳужжатлар ёки нарсаларни кўздан кечириш, олиб кўйиш ва унга доир бошқа ҳаракатлар фақат суриштирувчи ёки терговчининг прокурор санкция берган қарорига ёхуд суднинг ажримига кўра амалга оширилиши қўшимча равишда назарда тутилади (ЖПК, 89 – модда, 1 - қисм).

Тергов ҳаракатларининг иккинчи элементи бу уларнинг проце-дураси, яъни терговга тегишлилик ва тергов ҳаракатини ўтказишнинг усуллари ҳисобланади. Тергов ҳаракатини ўтказиш бир неча босқич-лардан иборат:

Биринчи босқич – тайёрлов босқичи. Бунда тергов ҳаракатини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва расмийлаштирилади, тергов ҳаракати ўтказишни таъминлаш бўйича чоралар кўрилади.

Иккинчи босқич процесс иштирокчиларини тасдиқлаш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тергов ҳаракати вазифалари ва ўтказиш тар-тибини тушунтириш билан боғлиқ. Шахсни тасдиқлаш фақат ҳужжат бўйича эмас, таниб олиш йўли билан амалга оширилиши мумкин (агар терговчи билан процесснинг ушбу иштирокчиси олдиндан та-ниш бўлса, бошқача усулда таниб олиш учун кўрсатиш қўлланилиши мумкин). Муайян тергов ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Гувоҳ, жабрланувчи ва мутахассис (агар кўрсатув бераётган бўлса) кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик тўғрисида огоҳлантирилади. Эксперт ва таржимон била туриб ёлғон хулоса ва била туриб нотўғри таржима қилганлиги учун огоҳлантирилади.

*Учинчи босқич*ни билиш усуллари ва тадбирлари ташкил этади.

*Тўртинчи босқич*да эса тергов ҳаракати ва натижалари қайд қилинади.

Барча тергов ҳаракатлари учун Жиноят - процессуал қонунчи-лик уларни ўтказишнинг қуйидаги қоидаларини белгилаган:

- уларни ўтказиш чоғида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ва қўриқлаш чораларини кўриш (ЖПК, 18 - модда ва 88 – модда, 1 - қисм);
- шахсларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлган ёки уларнинг шаъни ва кадр - қимматини камситувчи хатти - ҳаракатлар содир этмаслик (ЖПК, 88 – модда, 2 – қисм, 1 - банд);
- зўрлик, пўписа қилиш, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўл-лар билан кўрсатув, тушунтириш, хулосалар олишга, экспериментал ҳаракатларни бажаришга, ҳужжатлар ёки буюмлар тайёрланишига ва берилишига эришишга йўл қўйилмаслиги (ЖПКнинг 88 – модда, 2 – қисм, 2 – банд);
- тунги вақтда, яъни кеч соат 22 - 00 дан эрталаб соат 6 - 00 гача тергов ҳаракатлари олиб бориш мумкин эмаслиги (ЖПК, 88 – модда, 2 – қисм, 3 – банд). Тайёрланаётган ёки содир этилаётган жи-ноятнинг олдини олиш, жиноят изи йўқолишига ёки гумон қилинув-чининг қочиб кетишига йўл қўймаслик, эксперимент жараёнида текширилаётган ҳодисанинг ҳолатини қайтадан тиклаш зарурати бўлган ҳоллар бундан мустасно;
- Тергов ҳаракатлари ўтказилаётганда, шахсни яланғоч ки-либ ечинтириш билан боғлиқ бўлса, суриштирувчи, терговчи, проку-рор, судья ва ишда мутахассис ёки эксперт сифатида иштирок этаёт-ган шифокорлардан бошқа шахсларнинг ўзга жинсдаги шахсни иш-тирок этмаслиги (ЖПК, 88 – модда, 2 -қисм);
- шахсларнинг шаъни ва кадр - қимматини ҳурмат қилиш, шунингдек ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйикқа дучор этилмаслиги (ЖПК, 17 – модда, 1 - қисм);
- тергов ҳаракатлари ўтказиш чоғида ҳам айблов, ҳам оқлов характеридаги далилларни йиғиш (ЖПК, 22 - модда);
- ЖПКнинг 90-92-моддаларига асосан баённома юритилиши ва бошқалар.

Тергов ҳаракатлари процессуал шаклининг учинчи элементи – уларни таъминлаш чораларидир. Тергов ҳаракатлари ўтказишнинг қоидалари, шартлари ва асослари тўғрисида процессуал нормаларни бузиш салбий оқибатларга сабаб бўлади. Таъминлаш чоралари про-цесс иштирокчилари учун мажбурлов чоралари, жарима, ҳаттоки жи-ноий жавобгарлик чоралари бўлиши мумкин.

Тергов ҳаракати иштирокчилари

Тергов ҳаракатлари ўтказишда фуқаролар ва мансабдор шахс-лар: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, гумон қилинувчи, айб-ланувчи, химоячи, жабрланувчи, вакиллар, қонуний вакиллар, гувоҳ-лар, эксперт, мутахассис, ҳолислар ва бошқалар иштирок этадилар. Ушбу иштирокчиларнинг барчаси кўпқиррали, мураккаб фаолиятни амалга оширадилар.

Тергов ҳаракатлари ўтказиш чоғида процессуал фаолиятда ҳар бир иштирокчининг «улуши» унинг процессуал мақоми билан ўлча-нади. Тергов ҳаракатларини ўтказиш чоғида иштирокчиларнинг ҳуқу-қий мақоми: а) иштирокчининг исботлашдаги ўрни; б) терговчи томо-нидан далилий маълумотларни олиш процессида амалга оширадиган функцияси; в) тергов ҳаракатига жалб қилинишининг мажбурий ёки мажбурий эмаслиги билан белгиланади.

Иш учун аҳамиятли барча ҳолатларни аниқлаш мажбуриятига эга бўлган исбот қилиш субъектлари терговчи, тергов қилишда қонуний асосларга кўра иштирок этадиган бошқа шахслар, яъни суриштирувчи, суриштирув органининг бошлиғи, тергов бўлимининг бошлиғи, прокурорлар ҳисобланади. Ҳокимият фаолиятини амалга ошира туриб ушбу шахслар тергов ҳаракатининг боришига раҳбарлик қиладилар ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга оширадилар. Тер-говчи ёки унинг вазифасини амалга оширувчи шахс тергов ҳарака-тини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади, бошқа иштирокчилар билан ҳуқуқий муносабатга киришади, уларнинг ҳуқуқларини ва мажбуриятларга амал қилишларини таъминлайди, иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатларини тегишли мақсадга йўналтиради, тергов ҳаракат-лари ўз вақтида, қонуний ва самарали ўтказишнинг бутун масъулиятини ўз бўйнига олади.

Тергов ҳаракатларининг қолган барча иштирокчилари ҳуқуқий мақомига кўра :

1) жиноят процессида шахсий ва вакиллик манфаатларига эга бўлган ва исботлаш субъекти сифатида иштирок этадиган шахслар;

2) исботлаш субъекти бўла олмайдиган шахслар гуруҳларига бўлиш мумкин.

Бундай таснифлаш тергов ҳаракатларида гумон қилинувчининг, айбланувчининг, жабрланувчи ва уларнинг қонуний вакилларининг, ҳимоячининг, жабрланувчи вакилининг (агар иштирок этаётган бўлса, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг) муҳим ҳо-латни эгаллаганлигини қайд этади. Мазкур шахслар тергов ҳаракат-ларига жалб қилинганлигидан ёки тергов ҳаракатида иштироки бош-қача мазмун касб этишидан қатъи назар терговчи ўзининг қаршида кенг ҳуқуқларга эга бўлган исбот қилишнинг субъекти турганлигини ёддан чиқармаслиги керак. Ҳар қандай тергов ҳаракати ўтказилганда ушбу шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, сўроқ қилиш, кўздан кечириш ва бошқа тергов ҳаракатлари тўғрисидаги нормалар доирасидаги тартиб билан белгиланади. Агарда айбланувчи, гумон қилинувчи ва жабрланувчилар сўроқ қилинганда терговчи кўрсатув бериш мазкур шахсларнинг ҳуқуқлари, жабрланувчи учун эса мажбурийат эканлигини назарда тутиши керак. Бундан шу нарса келиб чиқадики, терговчи ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлаш шарт. Санаб ўтилган шахслар эса ўзлари зарур ҳисоблаганларини маълум қилишлари – кўрсатув бериб, терговчи уларни сўроқ қилишни талаб қилишлари мумкин.

Ҳар қандай тергов ҳаракатида айбланувчи, гумон қилинувчи ва жабрланувчи, унинг вакили (агар иштирок этаётган бўлса) исбот қилиш субъекти сифатида мақомидан келиб чиқадиган ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятига эга бўлишлари керак. Бу фикр ашёвий далилларни, турар жой ва биноларни кўздан кечириш тўғрисидаги нормаларда аниқ шаклда баён қилинган: айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг эътиборини, уларнинг фикрича иш ҳолатини аниқлашга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолатларга қаратиш ҳуқуқига эгадирлар. Табиийки, бунда улар нарса ва ҳужжатларни олиш ва ишга қўшиш, аҳамиятли ҳолатларни баённомада қайд қилиш тўғрисида илтимослар қилишлари мумкин. Исбот қилиш субъектларининг ҳу-қуқлари улар томонидан амалга оширилиши мумкинлиги боис юқорида санаб ўтилган шахслар дастлабки терговда жуда фаол фаолият-ни амалга оширадilar. Уларнинг барчаси, жумладан, дастлабки терговда иштирок этаётган ҳимоячи ва жабрланувчининг вакили тергов-нинг исталган вақтида нарса ва ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

Айбланувчи (гумон қилинувчи) ва жабрланувчидан фарқли ра-вишда ҳимоячи исбот қилишда ўз манфаатларини эмас, балки гумон қилинувчининг ва айбланувчининг манфаатларини ҳимоя қилади. Унинг фаолият мақсади - айбланувчини оқлайдиган ва унинг айбини енгиллаштирадиган, гумон қилинувчи томонидан жиноят содир қилинганлик тўғрисидаги тахминларни инкор қиладиган ҳолатларни аниқлаш бўлиб, тергов ҳаракатида иштирок этиш шаклини ҳам белгилайди. Қонунда айбланувчи ва гумон қилинувчи иштирок эта-диган тергов ҳаракатларида ҳимоячининг иштирок этишига ҳақли эканлиги белгиланган. Ушбу шахсларни сўроқ қилишдан олдин ҳи-моячи ўзининг улар билан яқна ҳолда учрашиш ҳуқуқидан фойдалана-ниб, ҳимоя қилиш тактикасини муҳокама қилиб олади. Айбланувчи ва гумон қилинувчи шахсларни сўроқ қилинишига қатнашиб, ҳимоя-чи терговчи рўхсати билан саволлар билан мурожаат қилади, баён-номага керакли қўшимча ва ўзгартиришларни киритишини сўрайди, баённомада акс эттирилган маълумотларнинг тўлаллиги ва тўғрили-гини тасдиқлайди. Бизнинг фикримизча, терговчи ҳимоячининг илти-мосномасига кўра ҳимоя остидаги шахс қатнашмаган бошқа тергов ҳаракатларни амалга оширишда ҳам ҳимоячи иштирок этишига йўл қўйиши керак: жабрланувчининг гувоҳни, экспертнинг сўроқ қилишда. Бундай фикрнинг келиб чиқиши ҳимоячининг тергов тугаганидан сўнг қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш ва уларда иштирок этиш ҳамда улар тасдиқланган ҳолларда тергов ҳаракатларини ўтқа-зишда фаол иштирок этиб, гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ва мутахас-сисга савол бериш ҳуқуқига асосланган.

Кўздан кечириш, гувоҳлантириш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш каби тергов ҳаракатларида иштирок этган ҳимоячи унинг нуктаи назарига аҳамиятли бўлган ҳолатларга терговчининг эътиборини қа-ратади, уларни тўлиқ баённомада акс эттирилишини назорат қилади, мутахассисга саволлар беради, ҳужжатлар ва ашёвий далилларни ишга бириктириб қўйилишини илтимос қилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳимоячи айримлар айтганидек, терговчи, ҳолис ва мута-хасисларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиши билан чекланмасдан, ўрганиш ва танишиб чиқишни фаол амалга ошириши мумкин.

Экспертиза тайинланганда ҳимоячи ўз ҳимояси остидаги шахс-нинг барча ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин. Хусусан, у айбла-нувчи номидан, экспертга рад билдириш, экспертга қўшимча савол-лар бериш, терговчининг рўхсати билан экспертиза ўтказилишида иштирок этиш, хулоса билан танишиб чиқиш, хулоса юзасидан ўзи-нинг эътирозларини билдириш каби ҳуқуқларига эга. Агар ҳимоячи ўз ҳимояси остидаги шахс билан биргаликда ишда иштирок этадиган бўлса, у ҳимояси остидаги шахснинг процессуал ҳуқуқлари амалга оширилиши устидан ҳам кузатиб туриши керак; керакли илтимос-номалар орқали ҳимоячи, юзага чиққан хатоларни бартараф этилиши-га қаратилган барча чораларни амалга ошириши лозим.

Гувоҳ, жабрланувчи ва экспертларнинг сўроқ қилинишида ҳи-моячи иштирок этиб, айбланувчи ёки гумон қилинувчи шахсларнинг айбини рад этувчи ёки жавобгарлигини енгиллаштирувчи маълумот-ларни саволлар бериш орқали аниқлашга ҳаракат қилади.

Далилларни тўплаш – бу нафақат бирор бир аниқ маълумот-ларни аниқлаш, балки уларни тўғри процессуал тартибда расмийлаш-тириш, хусусан, ҳужжат ва нарсаларни иш материалларига бирикти-рилишини унутмаслигимиз лозим. Бундай қарор қабул қилиш фақат исбот қилиш субъектлари – яъни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга тегишли.

Тергов ҳаракатларида жабрланувчи ва унинг вакилининг ишти-роки тўғрисидаги масала диққатга сазавордир. Ўзбекистон Респуб-ликаси Конституциясида белгиланган фуқароларнинг қонун ва суд олдида, шунингдек тарафларнинг тенглиги жиноят процессида хусу-сан, далиллар тўплашда жабрланувчи ролини қайтадан белгилашни тақозо этади. Шу билан боғлиқ равишда кўплаб тадқиқотчиларнинг эътиборлари бир – бирига қарши функцияларни амалга оширувчи иштирокчилар ташкил топадиган тарафлар (бир тарафда айбланувчи ва унинг ҳимоячиси, иккинчи тарафда жабрланувчи ва унинг вакили) ўртасидаги нотенглик ва уни бартараф қилишга қаратилмоқда.

Жабрланувчи ва унинг вакили судда мустақил тараф сифатида иштирок этсалар-да, дастлабки терговда уларнинг нотенглиги сақла-ниб қолган.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жи-ноят-процессуал кодекси жабрланувчининг тергов ҳаракатида ишти-рок этиш ҳуқуқини бермайди. Қонун терговчининг жабрланувчини кўздан кечириш ва тергов экспериментида иштирок этишга жалб қилиш ҳуқуқини назарда тутди. Лекин мантқан унинг иштирокисиз ўтказилиши мумкин бўлмаган бошқа тергов ҳаракатларида ҳам иштирок этади. Масалан, сўроқда сўроқ қилинувчи сифатида, таниб олиш учун кўрсатишда таниб олувчи, баъзида таниб олинувчи сифатида, юзлаштиришда эса юзлаштирилаётган шахсларнинг бири сифатида, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатларида иштирок этиши мумкин. Унинг тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракатларида жалб қилиниши ҳам истисно ҳолат эмас. Худди шу ҳолатларда жабрланувчи вакилининг иштирок этиши вакиллини берган шахснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг кафолати бўлар эди. Жабрланувчи ва унинг вакилига улар учун муҳим ҳисобланган тергов ҳаракатларига иштирок этишга рўхсат бериш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқи берилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бизнингча, жабрланувчини ва вакилини ўз ташаббуси ёки уларнинг илтимосига кўра нафақат кўздан кечириш ва тергов экспериментида, балки бошқа тергов ҳаракатларига ҳам жалб қилган терговчиларнинг ишлари тўғридир. Экспертиза тайинлаш ва ўтказишда айбланувчининг ва жабрланувчининг ҳуқуқларидаги тенгсизлик юридик адабиётларда қаттиқ танқидга олинади. Агар айбланувчи эксперт танлашга, эксперт олдида қўйилган саволлар мазмунига; таъсир кўрсатиш, экспертиза ўтказилаётганда иштирок этиш, эксперт хулосаси билан танишган ҳуқуқларига эга экан, жабрланувчи, экспертнинг хулосасига бепарқ бўлмаси-да ёки эксперт

хулосаси унинг манфаатларга ҳам таъсир этса-да юқоридаги ҳуқуқларга эга эмас. Айбланувчи ва жабрланувчи ҳуқуқларидаги мувозанатсизликни йўқотиш тўғрисида юқорида баён қилинганлар жабрланувчига экспертиза тайинлашни талаб қилиш ҳуқуқининг берилиши кераклигига урғу беради.

Тергов ҳаракатининг қолган иштирокчилари – гувоҳлар, экс-пертлар, таржимонлар, холислар ва бошқа бир қанча иштирокчилар зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун жалб қили-надилар. Шу мажбуриятларга яраша ҳуқуқларга эга бўлсалар-да, улар шахсий манфаатларга эга бўлмайдилар.

3 - мавзу. Сўроқ қилиш

Сўроқ қилиш тушунчаси, аҳамияти ва унинг умумий қоидалари

Сўроқ қилиш жиноят судлов ишларини юритишда энг кенг тарқалган тергов ҳаракати бўлиб, бир шахсдан (гувоҳ, жабрланувчи, гу-мон қилинувчи ва айбланувчидан) оғзаки кўрсатувлар олиш ва мус-таҳкамлаш мақсадида процессуал сўров тарзида амалга оширилади. Сўроқ қилинувчи томонидан билдирилган маълумот ҳамда баъзи ҳолларда топшириладиган график, ашё ва хабарларнинг бошқача тасвирлари кўрсатув беришнинг шакли ҳисобланади.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракати жиноятни очишда ҳам асосий усул бўлиб хизмат қилади. Тергов амалиётида бирор бир очилган жиноят иши йўқки, унда сўроқ қилиш тергов ҳаракати ўтказилмаган бўлса. Сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг аҳамияти шундаки, жиноят излари сифатида қолган ва моддий дунёнинг инсон онгидаги инъикосидан исбот қилишда фойдаланилади.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракати орқали тергов ҳаракатини ўтказувчи шахс сўроқ қилинувчидан муайян ҳолат юзасидан маълумотни олиши ва фикрини билиши мумкин бўлади. Қолаверса, ушбу тергов ҳаракати сўроқ қилинувчига жиноят иши ёки унинг муайян ҳолати юзасидан билганларини бошқаларга маълум қилиш ва муносабатини баён қилиш имконини беради.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракати ўзининг ташқи кўринишидан ўх-шаш бўлган ҳаракатлар: тушунтириш талаб қилиш ёки олиш, оғзаки аризани қабул қилиш (яъни тергов ҳаракати ҳисобланмаган процес-суал ҳаракатлар) ва фуқароларни суриштириш (процессуал ҳаракат-лар бўлмаган тезкор - кидирув чоралари) мазмуни ва аҳамиятига кўра улардан фарқ қилади. Кўрсатувлар эса баъзида кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш, таниб олиш учун кўрсатиш каби тер-гов ҳаракатларида ҳам уларнинг таркибий қисми сифатида мавжуд бўлиши мумкин.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракатида фақат сўроқ қилишнинг ишти-рокчиси, яъни гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчи мақомига эга бўлган бир шахсдан далил тўплаш мақсадида кўрсатув олинади. Далилларнинг мақбуллик талабига кўра тушунтириш хатида ва оғзаки ариза қабул қилиш баённомасида кўрсатилган маълумотлар далил ҳисобланмайди. Демак, ушбу ҳаракатлар гарчанд процессуал ҳисобланса-да, уни сўроқ қилиш тергов ҳаракатига тенглаштира олмаймиз.

Фуқароларни суриштириш процессуал ҳаракатлар бўлмаган тез-кор-кидирув чоралари жиноятчиликка қарши курашувчи органлар-нинг фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Шу борада ишни ташкил қилиш, жиноятни очишда тергов тусмолларини юритиш, жиноятни содир қилган шахсларни топишда зарурий чора бўлгани билан процессуал доирада амалга оширилмаганлиги боис ҳам сўроқ қилиш тергов ҳаракатидан фарқланади.

Сўроқ қилишда кўрсатувлар қандай шаклда (оғзаки ёки ёзма) бўлиши ва қандай ҳаракатлар билан (мисол учун соқов одамнинг имо - ишоралари) ифодаланишидан қатъи назар, терговда иш учун аҳа-миятли фактлар ва уларнинг тавсифи борлиги ёки йўқлиги ҳақидаги ахборотлар олиниши керак. Акс ҳолда, сўроқ қилиш давомида олин-ган кўрсатувлар исботловчи аҳамиятдан маҳрум бўлади.

Сўроқ қилишнинг умумий қоидалари Жиноят-процессуал кодек-сининг 96-108-моддаларида белгиланган. Бизнинг жиноят – процес-суал қонунчилиқда сўроқ қилишнинг умумий қоидаларига юридик адабиётларда сўроқ

[8]

қилишнинг (умумий ва махсус) шартлари ибораси қўлланилади .

Қонунда, шунингдек жиноят процесси назариясида сўроқ қи-лишнинг умумий қоидаларида биринчи навбатда сўроқ қилишнинг жойи туради. Жиноят – процессуал қонун суриштирувчига ёки тер-говчига гувоҳни, жабрланувчини, гумон қилинувчини ва айбланув-чини дастлабки тергов ўтказиладиган жойда ёки сўроқ қилинувчи қаерда бўлса, ўша жойда, судга эса суд муҳокамаси юритилаётган жойда сўроқ қилишга рухсат беради (ЖПК, 96 - модда).

Сўроқ қилишдан олдин гувоҳ, жабрланувчи, озодлиқда бўлган гумон қилинувчи, айбланувчилар чақирув қоғози билан чақирила-дилар. Чақирув қоғози почта орқали жўнатилади ёки чопар орқали топширилади. Чақирув телефонограмма, телеграмма, радиogramма билан ёки телефакс орқали ҳам бўлиши мумкин.

Чақирув қоғозиде шахс ким сифатида, қайси манзилга ва кимнинг хузурига чақирилаётганлиги, қайси кунда ва қайси соатга етиб келиши кераклиги, шунингдек, узрсиз сабабларга кўра келмай қолган тақдирда қандай оқибатлар рўй бериши кўрсатилган бўлиши лозим. Чақирув қоғози чақирилувчига топширилиб, тилхат олинади. Чақирув қоғози олиб борилганда чақирилувчи вақтинча йўқ бўлса, унга бериб қўйиш учун чақирув қоғози у билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларидан бирига, ётоқхона маъмуриятига, уй эгасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топши-рилиб, тилхат олинади (ЖПК, 97 - модда).

Тергов ҳибсхонасида, вақтинча қабул қилиш - тақсимлаш қабулхоналари, жазони ижро этиш ёки тарбия колонияларида сакла-наётган шахслар шу муассасаларнинг маъмурияти орқали чақир-тирилади.

Сўроқ қилишдан олдин сўроқ қилинувчидан унинг туғилган жойи, фамилияси, исми, отасининг исми, аниқ туғилган вақти (йили, оий, куни), иш жойи, мансаби, машғулот тури, маълумоти, оилавий аҳоли, судланганлиги ёки судланмаганлиги аниқланади. Ушбу маълумотларнинг ҳаммаси жиноят ишидаги ёки сўроқ қилинув-чининг шахсий ҳужжатларидаги маълумотлар билан солиштирилади. Ҳар қандай ҳолда ҳам суриштирувчи, терговчи ёки суд сўроқ қилинувчи ўзини ким деб таништирган бўлса, айнан ўша шахс эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим (ЖПК, 98 - модда).

Сўроқ қилинувчи иш юритилаётган тилни биладими, у қайси тилда кўрсатув бера олиши мумкин, деган масалалар ҳам аниқланиши лозим. Зарур ҳолларда таржимон чақирилади ва у келгунча сўроқ қилиш тўхтатиб турилади (ЖПК, 99 - модда). Сўроқ қилинувчининг қайси тилда кўрсатув бера олиши баённомада кўрсатилиши шарт.

Сўроқ қилинувчининг шахси аниқланганидан кейин унга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушун-тирилганлиги ҳам сўроқ баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилади (ЖПК, 100 - модда).

Сўроқ қилинувчига ишнинг унга маълум бўлган ҳолатлари тўғрисида сўзлаб бериш таклиф қилинмоғи лозим. Сўроқ қилинувчи эркин сўзлаб берганидан кейин унинг кўрсатувларини тўлдириш ва аниқлашга қаратилган саволлар

берилиши мумкин (ЖПК, 101 - модда).

Кутилаётган жавобга бевосита ёки билвосита йўналтириш маз-мунидаги ишора қилувчи саволлар бериш тақиқланади (ЖПК, 102 - модда). Ишора қилувчи саволлар деганда сўроқ қилинувчидан маълум бир жавобни олиш мақсадида унга савол бериш тушунилади. Ишора қилувчи саволларга мисол келтирадиган бўлсак қуйидагини кўрсатиш мумкин: “ўша куни эгнингизда қора кийим эдимиз?” деб сўрашнинг ўзи шахснинг қора кийимига ишора қилапти. Бу саволни тўғри шакллантириб “ўша куни қандай кийим кийган эдингиз?” деб сўралса тўғри бўлади.

Сўроқ қилинувчининг кўрсатувлари рақамлар ёки хотирада сақланиши қийин бошқа маълумотларга тааллуқли бўлса, у сўроқ жараёнида ўзидаги ёки ишга қўшиб қўйилган ҳужжатлардан ёхуд бошқа ёзувлардан фойдаланиши мумкин. Сўроқ қилинувчига сўроқ қилиш жараёнида ўзидаги ҳужжатлар ва бошқа ёзувларни ўқиб эшит-тиришга руҳсат этилиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи ва суд сўроқ қилинувчидан сўроқ қилиш жараёнида у фойдаланаётган ҳуж-жаглар ва бошқа ёзувларни талаб қилиши, уларни кейин қайтариб бериши ёки ишга қўшиб қўйиши мумкин (ЖПК, 103 - модда).

Сўроқ қилинувчининг илгариги сўроқда берган кўрсатувлари фақат унинг ҳозирги сўроқда берган кўрсатувлари тингланиб, қайд қилиниб, у имзо чекканидан кейин ҳамда ҳозирги ва илгариги сўроқларда берилган кўрсатувлар ўртасида жиддий қарама - қаршилиқлар бўлганда; сўроқ қилинувчи судда кўрсатув беришдан бош тортганда; иш сўроқ қилинувчининг иштирокисиз кўриб чиқи-лаётганда ўқиб эшиттирилиши мумкин (ЖПК, 104 - модда).

Сўроқ жараёнида суриштирувчи, терговчи ва суд, шунингдек суд муҳокамасида тарафлар ишга қўшиб қўйилган ёки тарафлар ихтиёрида бўлган нарсалар ва ҳужжатларни сўроқ қилинувчига кўр-сатишлари, шунингдек бу ҳужжатларни ўқиб эшиттиришлари мумкин. Сўроқ баённомасида ёки суд мажлиси баённомасида қайси нарса ёки ҳужжат кўрсатилганлиги, ҳужжат матнининг қайси қисми ва унинг ким томонидан ўқиб эшиттирилганлиги, нарса ёки ҳужжатни кўрсатиш вақтида қандай саволлар берилганлиги ва бунга жавобан сўроқ қилинувчи қандай кўрсатувлар берганлиги аниқ акс эттири-лиши керак (ЖПК, 105 - модда).

Сўроқ жараёни ва натижалари суриштирув ва дастлабки тергов босқичида сўроқ баённомасида, суд муҳокамасида эса суд мажлиси баённомасида қайд қилинади. Сўроқ жараёнида баённома юритиш билан бир қаторда овозни ёзиб олиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш ҳам қўлланилиши мумкин (ЖПК, 106 - модда).

Кўрсатувлар баённомага биринчи шахс номидан, имкони борича сўзма-сўз ёзиб борилади. Савол-жавоб сўроқ жараёнида қандай олиб борилган бўлса, шундай изчиликда қайд қилинади. Суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисига раислик қилувчи томонидан четлатил-ган, шунингдек, сўроқ қилинувчи жавоб беришдан бош тортган саволлар ҳам баённомага киритилиши керак.

Баённомада, бундан ташқари, сўроқ қилинувчи томонидан ав-валги сўроқларда берилган кўрсатувларнинг ўқиб эшиттирилгани, кўрсатув бериш жараёнида сўроқ қилинувчининг ҳужжат ёки бошқа ёзувлардан фойдалангани, сўроқ қилинувчига сўроқ давомида нарса ва ҳужжатлар кўрсатилгани, сўроқ пайтида овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвирга олиш ўтказилгани қайд қилинади, фонограмма, видео-ёзув, кинотасма баённомага илова қилинади.

Агар сўроқ қилишда техник воситаларидан фойдаланилган бўл-са, баённомада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- Фотосурат, видеоёзувлар ва овозли ёзувлардан фойдалан-ганлиги ҳақидаги маълумотлар қайд этилиши лозим;
- Техник воситалар тўғрисида маълумотлар;
- Агар узилишлар бўлса, уларнинг сабаблари ва муддатлари;
- Сўроқ қилинувчи томонидан техник воситалардан фойда-ланиш борасида берилган ариза ва шикоятлар;
- Сўроқ қилинувчининг имзоси.

Сўроқ тугаганидан кейин баённома ўқиб чиқиш учун сўроқ қи-линувчига кўрсатилади ёхуд унинг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи томонидан унга ўқиб берилади.

Сўроқ қилинувчи кўрсатувни ўз қўли билан ёзма равишда баён қилишга ҳақли, ўз қўли билан ёзилган кўрсатув баённомага илова қилиниб, бу ҳақида баённомага ёзиб қўйилади.

Сўроқ қилинувчи ёки тарафларнинг илтимосига кўра суд маж-лисида баённомага имзо қўйилгунига қадар ёзилган овоз, видеоёзув ва кинотасвир намоёиш қилиниши мумкин. Улар билан баённома ўртасида тафовут бўлган ҳолларда, тафовут сабабини аниқлаш учун қайта сўроқ қилиниши мумкин.

Сўроқ қилинувчи баённомани ўқиб бўлгач, кўрсатувлари тўғри ёзилганлиги ва у билан танишганлигини имзо чекиб тасдиқлайди. Имзо баённоманинг охирига қўйилади, башарти кўрсатувлар бир неча саҳифага ёзилган бўлса, ҳар қайси саҳифага алоҳида имзо чекилади.

Сўроқ қилишда таржимон қатнашаётган бўлса, у сўроқ қили-наётган шахснинг баённомадаги кўрсатувларини унга оғзаки таржима қилади, сўроқ қилинувчининг ўз қўли билан ёзиб берган кўрсатув-ларини эса, ёзма равишда таржима қилади. Таржимон кўрсатувлар ёзилган баённоманинг охирига ва ҳар бир саҳифасига алоҳида, шу-нингдек сўроқ қилинувчининг ўз қўли билан ёзиб берган кўрса-тувларининг таржимасига имзо чекади.

Сўроқнинг умумий давом этиш вақти бир кунда саккиз соатдан ошмаслиги лозим. Дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган бир соат танаффус бу ҳисобга кирмайди (ЖПК, 107 - модда).

Тергов амалиёти сўроқ қилинувчини сўроқ қилишнинг давом этиш вақтини белгилашда мутахассис - шифокор фикри олинishi мумкин. Лекин ушбу муддат ҳам юқорида кўрсатилган максимал муддатдан ошиши мумкин эмас.

Дастлабки терговда ва судда қўшимча сўроқ қилиш зарурати туғилиши мумкин. Бундай сўроқ қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

- сўроқ қилинувчи ишнинг ўзига маълум бўлган барча ҳолатлари тўғрисида кўрсатув бера олиши учун қонунда назарда тутилган сўроқнинг умумий давом этиш вақти етарли бўлмаса;
- сўроқ қилинган шахс илгари берган кўрсатувларини тўлдириш ёки ўзгартириш истагини билдирса;
- айбланувчига янги ёки ўзгартирилган ёхуд қўшимча айблов эълон қилинса;
- суриштирувчи ёки терговчи томонидан илгари сўроқ қилинган шахснинг кўрсатувлари тўғри ёзилганлигини прокурор қўшимча сў-роқ қилиш йўли билан текшириб кўриши лозим топса;
- суриштирувчи ёки бошқа терговчи томонидан илгари сўроқ қилинган шахснинг кўрсатувлари тўғри ёзилганлигини ишни юритиш учун қабул қилган терговчи қўшимча сўроқ қилиш йўли билан текшириб кўриши

лозим топса;

- илгари сўроқ қилинган шахсга берилиши керак бўлган ва иш учун муҳим янги саволлар туғилса;
- шахс сўроқ қилинганидан кейин ишга киришган захирадаги халқ маслаҳатчиси ушбу шахсни янгитдан сўроқ қилишни талаб қилса (ЖПК, 108 - модда).

Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш

Айбланувчини сўроқ қилиш айбланувчидан жиноят иши бўйича исботлашнинг воситаларидан бири бўлмиш кўрсатувлар олиш усули-дир. Айни вақтда айбланувчи томонидан кўрсатувлар бериш қўйи-лаётган айбдан ҳимояланишнинг энг таъсирчан ва аниқ воситаси ҳи-собланади. Айбланувчи жиноят-процессуал фаолиятнинг субъекти бўлиб, ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда сўроқда ун-га қўйилаётган айбни рад этадиган ёки жавобгарликни енгиллаштира-диган асосларни келтириш, қўшимча далилларни талаб қилиб олиш ҳақида илтимос қилишга ҳақли (ЖПК, 464-модда). Айбланувчини сўроқ қилиш жараёнида терговчи нафақат унинг содир этилган жиноятлардаги иштироки ҳақида, балки иш бўйича айбланувчига маълум бўлган ҳолатлар ва мавжуд далиллар ҳақида ҳам маълумот олади. Айбланувчи кўрсатувларининг таҳлили терговчига далиллар-нинг янги манбаларини аниқлашда, иш бўйича илгари сурилган тах-минларни текширишда ва ушбу жиноят иши бўйича хулосаларнинг тўғри ёки нотўғрилигини тасдиқлашда ёрдам беради.

Айбланувчининг кўрсатувлари далиллар манбаларидан бири ҳи-собланади. Айбланувчининг кўрсатувлари ижтимоий ҳавфи қил-мишнинг юз берган-бермаганлиги, ушбу ҳаракатларни содир этган шахснинг айбли-айбсизлиги тўғрисидаги ҳақиқий маълумотлар ва иш тўғри ҳал қилиниши учун муҳим бўлган бошқа ҳолатлар аниқлашда далил манбалари орасида муҳим ўрин эгаллайди.

Процессуал қонунга мувофиқ айбланувчининг кўрсатувлари исботлаш воситаси ҳисобланиб, унинг кўрсатувлардаги ҳақиқий маълумотлар далиллар бўлиб хизмат қилади. Улар бўйича қонунда белгиланган тартибда жиноят иши бўйича исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар аниқланади.

Айбланувчининг (гумон қилинувчининг) кўрсатувлари гувоҳлар ва бошқа шахсларнинг кўрсатувларидан тубдан фарқ қилади. Бу ҳол унинг жиноят процессидаги алоҳида процессуал ҳолати билан изоҳланади.

Айбланувчи ўзига нисбатан қўйилган айблов бўйича кўрсатувлар берар экан, унинг кўрсатувларидан баён қилинган фикрлар иш-нинг якунидан манфаатдор руҳида бўлиши мумкинлигини назардан четда қолдирмаслик керак.

Айбланувчи ва гумон қилинувчи томонидан кўрсатувлар бериш унинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқлари ҳисобланади (ЖПК, 46, 48 - моддалар). Бу уларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқларидан келиб чиқади. Айбланувчи ва гумон қилинувчи кўрсатув бериш ҳуқуқидан фойда-ланиши ёки ундан воз кечиши мумкин. Кўрсатувлар беришдан бош тортганлиги ва ёлғон кўрсатувлар берганлиги учун у (гувоҳдек) жавобгар бўлмайди.

Ўзининг алоҳида процессуал ҳолатига кўра айбланувчи ўз кўрсатувларида ҳақиқий маълумотларни баён қилиш билан чекланмайди. Айбланувчи уларни мустаҳкамлаш учун далиллар келтиради, бошқа шахслар томонидан билдирилган маълумотлар бўйича ўз мулоҳаза-ларини билдиради, ўзига қўйилган айблов билан боғлиқ бўлган факт, ҳолат ва ҳодисаларга баҳо беради.

Айбланувчининг кўрсатувларига гумон қилинувчининг кўрсатувлари яқин бўлиб, бу уларнинг процессуал ҳолатлардаги ўхшаш-лиги билан изоҳланади.

Гумон қилинувчининг кўрсатувлари ҳам далиллар манбалари-дан биридир. Гумон қилинувчини жиноят процессининг муҳим ишти-рокчиси сифатида расмийлаштириш унинг кўрсатувлари жиноят ишини тергов қилиш учун аҳамиятли эканлиги, ушбу кўрсатувларнинг далилларнинг махсус манбаларидан бири сифатида ажрати-лишини тақозо этади (ЖПК, 81 - модда).

Гумон қилинувчининг кейинчалик айбланувчи сифатида жино-ий жавобгарликка тортилиши унинг айбланувчи сифатида кўрсатув-лар беришини истисно этмайди; аксинча, буни тақозо этади. Агар гумон тасдиқланмаса, гумон қилинувчи гувоҳга айланса, кейинчалик у гувоҳлик кўрсатувлари беради. Бу ҳолларда суриштирувчи, тергов-чи, прокурор, суд энди гумон қилинувчи, айбланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларидан фарқ қиладиган бошқа далиллар манбаларига эга бўладилар. Гумон қилинувчининг аввал берилган кўрсатувлари бунда ўзининг процессуал аҳамиятини йўқотмайди. Улар жиноят иши бўйи-ча тўпланган бошқа барча далиллар билан биргаликда тадқиқ этилади ва баҳоланади.

Гумон қилинувчини ушлаб туриш ва қамоқда сақлашга асос бўлган ҳар қандай ҳолат гумон қилинувчи кўрсатувларининг пред-мети ҳисобланиши мумкин. Бироқ гумон қилинувчининг кўрсатув-лари фақатгина ушбу ҳолатларга дахлдор бўлиши мумкин эмас. У иш бўйича ўзига маълум бўлган барча ҳолатлар юзасидан кўрсатувлар бериши мумкин. Бу билан гумон қилинувчининг кўрсатувлари нафа-қат далиллар манбаи, балки ўзига нисбатан бўлган гумондан ҳимоя қилиш воситаси эканлигига урғу берилмоқда. Қонун ҳужжатлари гу-мон қилинувчининг кўрсатувларини қайд этиш ва расмийлаштириш-нинг ягона процессуал тартибини уни сўроқ қилиш баённомаларини белгилайди. Албатта, гумон қилинувчи суриштирув ва тергов орган-ларига ўз тушунтиришларини тақдим этиши мумкин. Бироқ улар қонунда белгиланган, қайд этилган ва расмийлаштирилган тақдирда-гина далиллар манбаи сифатида кўрсатувларнинг процессуал аҳа-миятига эга бўлади. Демак, кўрсатилган ҳолатлар бўйича гумон қили-нувчи сўроқ қилиниши, унинг кўрсатувлари эса сўроқ қилиш баённо-масида акс эттирилиши лозим.

Гумон қилинувчини чақириш ва сўроқ қилиш процессуал қонунда айбланувчини чақириш ва сўроқ қилиш бўйича белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш ЖПКнинг 96-108-моддаларида назарда тутилган сўроқ қилишнинг умумий қоидаларига риоя этган ҳолда ўтказилади.

Гумон қилинувчи айбланувчи сингари суриштирув ва тергов органларининг чақирувига биноан келиши керак. Узрли сабабларсиз келмаган тақдирда у мажбурий равишда келтирилиши мумкин. Лекин келиш мажбурияти кўрсатувлар бериш мажбуриятини англамайди. Бундан ташқари, юқорида таъкидланганидек, кўрсатувлар бериш гумон қилинувчи ва айбланувчининг мажбуриятини эмас, балки уларнинг ҳуқуқини ташкил қилади.

Қонунда гумон қилинувчи ва айбланувчидан зўрлик, пўписа қилиш ва қонунга хилоф бошқа йўллар билан кўрсатувлар олишга эришиш тақиқланади (ЖПК, 88 - модда).

Гумон қилинувчи кўрсатувларининг аҳамияти шундан иборатки, уларнинг ёрдамида унга нисбатан пайдо бўлган гумоннинг асосли-лиги ёки асоссизлиги, шунингдек жиноят иши бўйича бошқа жиддий ҳолатлар ҳам аниқланади. Гумон қилинувчининг кўрсатувлари ўз мазмунига кўра қандай бўлишидан қатъи назар ишдаги бошқа барча далиллар билан биргаликда ҳар томонлама ва синчковлик билан текширилиши ҳамда баҳоланиши лозим. Гумон қилинувчининг кўрсатувларини баҳолашда шунинг назарда тутиш керакки, гумон қилинувчи айбланувчи сингари кўрсатувлар беришдан бош тортгани ва ёлгон кўрсатувлар бергани учун жавобгарликка тортилмайди.

Гумон қилинувчи тергов қилиш борасида ўз кўрсатувларини ўзгартириши ҳамда тадқиқ этилаётган жиноят ҳолатлари хусусида ўзга тушунтириш бериши мумкин. Ҳар бир шундай тушунтириш суриштирувчи ёки прокурорнинг унга нисбатан бўлган субъектив муносабатидан қатъи назар, албатта текширилиши лозим (ЖПК, 112 - модда).

Суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи ушланган, сўроқ қилиш учун чақирилган, қамоққа олинган ёки мажбурий келтирилгандан кейин дарҳол ёки йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилиниши керак (ЖПК, 110 - модда).

Суд терговни кетаётганда судланувчига истаган вақтида кўрсатув бериш ҳуқуқи судья томонидан таъминланиши шарт. Агар судланувчи бирор суд ҳаракати ўтказилаётган пайтда кўрсатув бериш тўғ-рисида истак билдирса, суд унга шу ҳаракатлар тугаши биланок кўрсатув бериш учун имконият яратади (ЖПК, 110 - модда).

Гумон қилинувчини, шунингдек айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдин суриштирувчи, терговчи сўроқ қилишнинг умумий қоидалари томонидан назарда тутилган барча ҳаракатларни: сўроқ қилинувчининг шахсини, унинг қайси тилда кўрсатув бериши мумкинлигини аниқлаши ва ҳоказоларни амалга ошириши шарт (ЖПК, 96-108-моддалар).

Баъзи давлатларда гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилинганда ҳимоячи иштирок этмаса, (ҳимоядан воз кечиш бундан мустасно) улар томонидан берилган кўрсатувлар далил ҳисоблан-майди. Бундай норманинг борлиги айбланувчи ва гумон қилинувчини ҳуқуқларининг юқори даражада ҳимояланганлигини англатади. Аммо баъзан адвокатларнинг қонундаги бўшлиқлардан фойдаланиб айбдор бўлган шахсларни жавобгарликдан қочишга олиб келади.

Шундан кейин суриштирувчи, терговчи гумон қилинувчига, айбланувчига ЖПКнинг 46 - ва 48 - моддаларида назарда тутилган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради; сўроқ қилишда гумон қилинувчи, айбланувчи шартнома тузган ҳимоячининг ёхуд агар гумон қилинувчи, айбланувчи шартнома тузишга улгурмаган ёки туза олмаган бўлса, бошқа ҳимоячининг сўроқда иштирок этишини таъминлайди; гумон қилинувчига унинг қандай жиноят содир этган-ликда гумон қилинаётганлигини эълон қилади; гумон қилинувчига ишда айбланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинганлиги тўғ-рисидаги қарорни тақдим қилади ва айбловнинг моҳиятини тушунтиради.

Терговчи биринчи марта сўроқ қилишдан олдин у ўзини айбли ҳисоблаши - ҳисобламаслигини ёки ўз айбини тўла ёхуд қисман рад этиши ёки этмаслигини аниқлаши шарт.

Барча ҳаракатларнинг бажарилишини суриштирувчи ёки терговчи гумон қилинувчи ёки айбланувчининг сўроқ баённомасида, суд эса суд мажлиси баённомасида қайд қилади (ЖПК, 111 - модда).

Суриштирувчи, терговчи гумон ёки айблов моҳияти бўйича эр-кин ҳикоя қилиш шаклида кўрсатув беришни тавсия этади. Бундай тартиб айбланувчи (гумон қилинувчи) ўз кўрсатувларини тўлиқ баён қилишини таъминлайди ва унга қўйилган айблов (гумон) бўйича тушунтиришларни баён қилиш имкониятини ва ҳимояланиш максималида далиллар келтирилиши кафолатлайди.

Гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатув-лари ва айбланувчининг ўз айбига иқроор бўлиши, бу иқроор бўлиш мавжуд далиллар йиғиндиси билан тасдиқланган тақдирдагина айб-лаш учун асос қилиб олиниши мумкин.

Гумон қилинувчи ва айбланувчининг кўрсатувлари билан аниқ-ланган ҳолатлар айбланувчи ўз айбига иқроор бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳам-ма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳоланиши лозим (ЖПК, 112 - модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми ҳақида»ги қарориди таъкидланганки, «судла-нувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона тасдиқлангандагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олади».

Шахс у жиноятни содир этганликда гумон қилинмасдан ва унга айблов эълон қилинмасдан олдин ҳуқуқни муҳофаза қилиш органла-рига ўзи содир этган жиноят тўғрисида хабар билан, яъни айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз билан мурожаат этиши мумкин.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин. Оғзаки хабарни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд баённомада акс эттиради, унга арз қилувчининг шахсига доир маълумотлар киритилади ва унда арзнинг мазмуни биринчи шахс номидан баён қилинади. Баённомага арз қилувчи ва арз қилинган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья имзо чекади.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан аниқланган бошқа барча далиллар билан биргаликда баҳоланади ҳамда айбни бўйнига олиш мавжуд далиллар йиғиндиси билан тасдиқланган тақдирдагина у айблаш учун асос қилиб олиниши мумкин. Шунинг таъкидлаш лозимки, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш суд, прокурор, суриштирувчи ва терговчи-ни далилларни ҳамда ишнинг барча ҳолатларни аниқлаш мажбу-риятидан озод этмайди.

Айбини бўйнига олишда терговчи барча аҳамиятли ҳолатларни эътиборга олиши лозим. Баъзан маълум бир шахсларнинг манфаат-ларини кўзлаб ўзлари содир этмаган жиноятлари юзасидан айбни бўйнига олиш ҳоллари учраб туради (масалан, ота ўз фарзандининг айбини бўйнига олиши).

Гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш

Мазкур сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг кенг тарқалганлиги билан изоҳланади.

Гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатувлари умумий хусусиятга эга. Шунинг учун улар сўроқ қилишни

юретишнинг процессуал қои-далари бирлигига асослангандир. Бу қоидалар ЖПКнинг бир бобида жойлашган.

Гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш ЖПКнинг 96-108-мод-даларида назарда тутилган умумий қоидаларга риоя қилган ҳолда олиб борилади.

Гувоҳ ва жабрланувчи сифатида:

1) ҳукм ва ажрим чиқариш жараёнида келиб чиққан масалаларни маслаҳатхонада муҳокама қилишга оид ҳолатлар тўғрисида судья ва халқ маслаҳатчисини;

2) жиноят иши юзасидан ўз вазифаларини бажаришлари нати-жасида ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида химоячини, шу-нингдек жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жа-вобгарнинг вакилини;

3) руҳий ёки жисмоний нуқсонли сабабли иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатни тўғри идрок этиш ва бу ҳақда кўрсатув бера олиш лаёқатига эга бўлмаган шахсни сўроқ қилиш мумкин эмас.

Қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши, судга ҳурматсиз-лик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахл-сизлигини бузганлик учун жавобгарлик ва бошқа қоидалар судьялар мустақиллигининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу қоида 2000 йил 14 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Судлар тўғрисида» ги қонуннинг 67 - моддасида мустаҳкамланган.

Иккинчи чеклаш химоячи ўз процессуал вазифаларини бажариш жараёнида олган маълумотларга, яъни унга айбланувчи, унинг қариндошлари ва шу қабила айбланувчини химоя остига олгани сабабли етказган маълумотларга тааллуқлидир. Бундай чеклашнинг зарурати айбланувчига химояланиш ҳуқуқини таъминлашнинг конс-титутциявий принциpidан келиб чиқади. Агар химоячига муружаат қилиш хавф-хатар туғдириб, химоячи гувоҳга айланиши ва унга ёр-дам сўраб муружаат қилган айбланувчига қарши кўрсатув бериши мумкин бўлса, айбланувчи химоячи хизматидан амалда фойдалана олмаган бўларди.

У ёки бу шахсни гувоҳ сифатида жалб қилишга унинг руҳий ёки жисмоний нуқсонлари тўсқинлик қилиши мумкин. Қонун бу нуқ-сонлар рўйхатини олдиндан белгиламайди, лекин қонунда иш бўйича аҳамияти бўлган ҳолатларни шахс тўғри қабул қилишига монелик қиладиган нуқсонлар ҳақида айтилади. Ушбу шахснинг иш бўйича гувоҳ бўлишга қодирлиги масаласи ҳар бир алоҳида ҳолда ва бу шахснинг касаллик шакли ҳамда даражасига, шунингдек у кўрсатув-лар берадиган ҳолатларга қараб ҳал қилинади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндош-лари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли бўлган ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи сифатида фақат ўзларининг розилик-лари билан сўроқ қилинишлари мумкин (ЖПК, 116 - модда). Бу қоида гувоҳ иммунитетига деб аталади. Гувоҳ ёки жабрланувчи учун кўрса-тувлар бериш уларнинг мажбурияти ҳисобланганлиги сабабли улар чакирув билан белгиланган жойга кўрсатилган вақтда келишлари ва ҳаққоний кўрсатувлар беришлари керак. Сўроқ бошланишидан олдин бу шахслар кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жинойи жавобгарлик тўғрисида огоҳлан-тирилиб, бу ҳақда сўроқ баённомаси ёки суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади (ЖПК, 117-модда). Бироқ гумон қилинувчининг, айб-ланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари кўрсатув бериш-дан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлан-тирилмай-дилар (ЖПК, 117 – модда, 2 - қисм).

Гувоҳ ва жабрланувчи алоҳида ҳолатларни баҳона қилиб, кўр-сатув беришдан бош тортишга ҳақли эмас (ЖПК, 118-модда). Аниқ-ланиши лозим бўлган ҳолатлар ўзида давлат сирини ёки касб сирини акс эттирса ёхуд шахслар ҳаётининг сир тутиладиган томонларига тегишли деб ҳисоблаш учун асос бўлганда, суриштирувчи, терговчи ва суд гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш чоғида бу ҳолатлар-нинг ошкор этилишига йўл қўймаслик чора - тадбирларини кўриши шарт.

Гувоҳ ва жабрланувчи иш учун аҳамиятли бўлган ҳар қандай ҳолатлар ҳақида, шу жумладан гумон қилинувчи, айбланувчи, судла-нувчи ва жараённинг бошқа қатнашчилари ҳақида кўрсатувлар бери-ши мумкин.

Жиноят процесси назариясида гувоҳлик иммунитетига тушунчаси ўзига хос аҳамиятга эга. Умумий назарияда қуйидаги шахслар гувоҳ-лик иммунитетига эга:

- Яқин қариндошлар (ота-она, ака-ука, опа-сингил, болалари, фарзандликка олинганлар, эр-хотин, эр-хотиннинг ака-ука, опа-син-гиллари);

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис сенаторлари ва депутатлари;

- Дипломатик дахлсизлик ҳуқуқига эга шахслар.

Сўроқ гувоҳ ва жабрланувчига иш бўйича ўзлари билган хо-латлар тўғрисидаги маълумотларни айтиб беришни таклиф этишдан бошланиб, ундан сўнг уларга саволлар берилиши мумкин (ЖПК, 119 - модда).

Тергов олиб борилаётган жойда ёки судда бўлган гувоҳ ёки жабрланувчи кўрсатув беришга хоҳиш билдирса, улар ўша куннинг ўзида ёки кейинги кундан кечиктирмай сўроқ қилиниши керак.

Гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатув беришга хоҳиши тўғриси-даги хабар терговчи ёки судга почта орқали келса, унга сўроқ ўтказиладиган жой ва вақт дарҳол хабар қилинади ва у келиши биланок сўроқ ўтказилади (ЖПК, 120 - модда).

ЖПК томонидан гувоҳлар учун ҳеч қандай ёшга доир чеклашлар белгиланмаган. Амалиётда кичик ёшдаги гувоҳлар кўрсатувларидан ҳам фойдаланилади.

Ўн олти ёшгача бўлган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш унинг қонуний вакили ёки катта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ёки жабрланувчининг вакили иштирокида уларнинг розилиги билан ўтқа-зилади. Кўрсатилган шахслар сўроқ қилувчининг руҳсати билан гу-воҳ ёки жабрланувчига саволлар беришлари мумкин.

Ўн олти ёшгача бўлган гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлан-тирилмайдилар (ЖПК, 121 - модда). Бироқ шу гувоҳ ва жабрланувчиларга уларнинг процессуал ҳуқуқи ва мажбуриятларини тушунтириш чоғида ҳаққоний кўрсатув бериш ва бу билан жинойт иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга қўмаклашиш маънавий бурч эканлигини эслатиб ўтиш лозим.

4 - мавзу. Юзлаштириш

Юзлаштириш тушунчаси, вазифалари ва уни ўтказиш тартиби

Юзлаштириш бу - илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрса-тувлари ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлганда уларнинг сабабини аниқлаш учун ўтказиладиган тергов ҳаракатидир.

Юзлаштириш тергов ҳаракатининг ҳуқуқий асослари ва ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят - процессуал кодексининг 122-124-моддаларида аксини топиб, қамраб 13 - бобида кўрсатилган.

Юзлаштириш тергов ҳаракатида аввал сўроқ қилинган икки шахс юзлаштирилиб, башарти уларнинг айнан бир хил факт ва ҳолат-ларга нисбатан берган кўрсатувларида жиддий қарама - қаршиликлар бўлса, бир вақтнинг ўзида ҳар иккаласининг иштирокида кўрсатувлар олинади. Бу қарама-қаршиликларнинг сабабларини аниқлаш учун юзлаштиришда гумон қилинувчи, судланувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ сўроқ қилиниши мумкин. Юзлаштириш тергов ҳаракати кўрсатувларни, жумладан далилларни текширишга қаратилган тергов ҳаракатидир.

Жиноят-процессуал қонун фақат икки шахсни юзлаштириб сўроқ қилишга рухсат беради. Юзлаштириб сўроқ қилишнинг муҳим хусусияти бунда юзлаштирилаётган шахслар илгари сўроқ қилинган бўлиши лозим. Бу эса юзлаштириб сўроқ қилишнинг муваффақиятли ўтказилишини таъминлашда қулайдир. Жиноят процесси назариясида мавжуд бўлган юзлаштириш тергов ҳаракатининг бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ шахслар ўртасида ўтказиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрга қўшилиб бўлмайди. Тергов амалиёти жиноят процессида уч ва ундан ортиқ шахс ўртасида юзлаштириш тергов ҳаракатини амалга оширишнинг имкони ҳам йўқлиги тасдиқлайди.

Агарда бир неча (уч ва ундан ортиқ) шахсларнинг сўроқда берган кўрсатувларида ҳақиқий қарама-қаршиликлар мавжуд бўлса, улар ўртасида ҳар икки шахс ўртасида юзлаштириш ўтказиш лозим.

Мазкур тергов ҳаракати навбати билан икки шахс (ҳар бири иккинчисининг иштирокида) сўроқ қилишда намоён бўлиб, сўроқдан сўнг юзлаштириш тергов ҳаракатини амалга оширувчи шахс рухсати билан уларга ўзаро савол бериш имкони берилади.

Аксарият ҳолларда юзлаштириш тергов ҳаракати сўроқ қилинган шахслар кўрсатувларида жиддий қарама-қаршиликлар мавжудли-гини аниқлаган терговчи ташаббуси билан ўтказилади. Қонун нафа-қат терговчи, шунингдек, жиноят процессининг бошқа иштирокчи-лари (жабрланувчи, айбланувчи, ҳимоячи ва б.) ташаббуси билан ўтказилишини тақиқламайди.

Бизга маълумки, шахс бўлиб ўтган воқеа хусусида ўзининг субъектив таассуротларини айтиб беради. Объектив ҳолат ва воқеа-лар инсон онгида бир хилда акс этмаслиги табиийдир. Муайян ҳақи-қий ҳолатни аниқлаш учун суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд (судья) аниқ фактлар ёки маълумотларга таянади. Албатта, бу мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф қилишни талаб қилади. Кўрсатувлардаги қарама-қаршиликлар ишнинг мазмунан ҳал этилишига таъсир этишига кўра жиддий ёки аҳамиятсиз қарама - қаршиликлар бўлиши мумкин.

Жиддий қарама-қаршиликлар бу - исбот қилиш предметига ки-рувчи ҳолатлар мазмуни юзасидан кўрсатувларда мавжуд бўладиган номуносивлик, маълумотларнинг бир-бирини рад этиши ҳисобланади. Улар жиноят иши бўйича аниқланаётган ҳодисаларнинг тавсиф хусусияти, муайян объектнинг қабул қилиниши шарт-шароитлари, шаклланган ва айтиб берилган маълумотнинг ҳажми билан боғлиқ бўлиши мумкин. Қарама-қаршиликлар баъзида объектга тўла равишда, бошқа ҳолларда эса унинг муайян таркибий қисм ва бўлақларига, ички ва ташқи тузилишига тегишли бўлиши мумкин. Қарама-қаршиликларнинг сабаби бўлиб, фактларни қасддан бузиб кўрсатиш, шунингдек, воқеликни нотўғри қабул қилиш, ёмон хотира ёхуд реал ҳолатни ноаниқ баён қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказишда жиноят процессида иштирок этувчи шахсларни сўроқ қилишнинг умумий қоидалари тат-биқ этилади. Юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказувчи суришти-рувчи, терговчи, прокурор ва суд юзлаштириш ҳаракатида иштирок этиши лозим бўлган шахсларга юзлаштириш тергов ҳаракати ўтказиладиган жой, вақти тўғрисида хабарнома юборди.

Юзлаштириш тергов ҳаракатида илгариги кўрсатувлар янги юзлаштирилаётган шахсларни сўроқ қилиш орқали текширилиши боис уни ўтказиш чоғида Жиноят-процессуал кодексининг 96 – 108 – мод-даларида назарда тутилган сўроқ қилишнинг умумий қоидаларига ҳам риоя қилинади.

Юзлаштириб сўроқ қилиш олдидан суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи ҳар бир сўроқ қилинувчидан навбат билан уларнинг ўзаро танишлиги ёки таниш эмаслигини, ўзаро муно-сабатлари қандай эканлигини сўрайди ва жавобларини тинглайди. Шундан сўнг ҳар бир сўроқ қилинувчига навбат билан қарама - қаршилик келиб чиққан ҳолатлар тўғрисидаги саволларга жавоб бериш таклиф қилинади. Башарти қарама - қаршилик бир нечта масалага ёки бир нечта ҳолатга тааллуқли бўлса, юзлаштиришда ҳар икки сўроқ қилинувчи бир масала ёки бир ҳолат бўйича кўрсатув бергач, уларга кейинги масала ёки кейинги ҳолат тўғрисидаги саволлар берилиши мумкин.

Юзлаштириш чоғида сўроқ қилинаётган шахс суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан бошқа сўроқ қилинувчига савол бериши мумкин. Суд мажлисида сў-роқ қилинувчиларнинг ҳар иккаласига халқ маслаҳатчилари, шунинг-дек, тарафлар савол беришлари мумкин. Суриштирувчи, терговчи ва суд мажлисида раислик қилувчи иш учун жиддий аҳамиятга эга бўлмаган ёки юзлаштиришда аниқлаштирилаётган қарама-қаршилик-ка тааллуқли бўлмаган саволларни четлатишга ҳақлидир.

Юзлаштириш чоғида сўроқ баённомаси ёки сўроқ қилинаётган шахслар аввалги сўроқларда берган кўрсатувларнинг фонограмма-лари шу шахслар юзлаштирилиб, уларнинг кўрсатувлари баённомага киритилганидан кейингина ўқиб берилиши ёки эшиттирилишига йўл қўйилади.

Юзлаштириш тергов ҳаракатининг асосий вазифаси айбланувчи, гумон қилинувчи, гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатувлари тақ-дим этган далилларидagi жиддий қарама қаршиликларни ва номуно-носиб жиҳатларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилишдан иборат.

Юзлаштириш тергов ҳаракатининг афзаллиги шундан иборатки, юзлаштиришда иштирок этаётган шахслар илгари берган кўрсатувларини ўзлари аниқлаштирадilar. Бу уларга суриштирувчи, тергов-чи, прокурор, суд томонидан саволлар бериш ва юзлаштирилаётган шахсларнинг жавоблари билан амалга оширилади. Бундан ташқари, юзлаштирилаётган шахслар илгариги берган кўрсатувларини ўзгарти-ришлари, айрим фактларни эшлашлари, баъзи

ҳолатларга оид янги маълумотларни беришлари мумкин. Кўпинча сўроқ қилинувчилардан бири олдин берган кўрсатувларини рад қилиб уларни ўзгартиради, ишга оид янги фактларни ва маълумотларни беради. Бундай ҳолда ушбу шахсни юзлаштириш тергов ҳаракатидан сўнг қайта сўроқ қилиш ижобий натижа беради.

Юзлаштириш тергов ҳаракатини айнан бир факт юзасидан бир неча шахслар ўртасида ўтказиладиган ҳолларда, терговчи тегишли жиноят процесси иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари ҳамда характерининг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда юзлаштириш тергов ҳаракатининг ўтказилиш тактикасини белгилаши лозим. Ушбу жиҳатлар юзлаштиришда кимни биринчи бўлиб сўроқ қилишни аниқлашга ёрдам беради. Юзлаштириб сўроқ қилиш орқали текшири-ладиган фактлар кўп бўлса, у ҳолда ҳар бири бўйича хронологик ёки мантикий кетма - кетликда сўроқ қилинади.

Юзлаштириш савол-жавоб тарзида ўтказилади. Ҳар бир саволга иккала иштирокчи ҳам жавоб беради. Кейин иштирокчилар аниқлаш-тириш тартибиде савол-жавоб қилишлари мумкин. Фақат бу тергов-чи назорати остида ўтказилиши шарт.

Юзлаштириш жараёнининг иккинчи иштирокчисининг ҳаққо-ний ва ишончли кўрсатувлари таъсирида кўпинча бошқа иштирокчи, яъни нотўғри кўрсатув бераётган шахс исботланган фактларни тан олмаслик мумкин эмаслигини англаб етади. Нотўғри кўрсатув бераётган шахс иккинчи иштирокчи кўрсатувларин эшитиб, кўрган ёки эшитган нарсаларини кетма-кет эслайди ҳамда ўз кўрсатувидаги хато-ларини тузатади. Баъзан юзлаштирилаётган иштирокчиларнинг икка-ласи ҳам сўроқ қилиш давомида келиб чиққан қарама-қаршилик-ларни тушуниб етиб, уларни бартарф қилишга ҳаракат қилади. Шун-да ҳам қарама-қаршиликлар бартараф этилмаса, уларни аниқлаш сўроқ қилиш ҳамда бошқа тергов ҳаракатлари билан давом эттирилади.

Юзлаштирилаётган шахслардан бири вояга етмаган шахс бўлса, ушбу тергов ҳаракатини ўтказишда унинг ўқитувчиси, ота-онаси, яқин қариндошлари ёки қонуний вакили, агар вояга етмаган шахс айбланувчи тариқасида юзлаштирилаётган бўлса ҳимоячи ҳам ишти-рок этиши шарт. Юзлаштиришда зарур бўлса эксперт, шунингдек таржимон ҳам терговчи руҳсати билан иштирок этиши мумкин.

Юзлаштиришдаги сўроқни уч қисмга бўлиш мумкин.

Биринчи қисмда сўроқ қилинаётганларнинг ўзаро танишлиги ёки таниш эмаслиги ва ўзаро муносабатлари қандай эканлиги аниқла-нади (адоват, дўстлик, қариндошлик муносабатлари ва ҳоказо).

Иккинчи қисмда сўроқ қилинувчи ҳар бир шахсга навбатма - навбат эркин ҳикоя қилиш шаклида ўтказиლაётган юзлаштириш аниқ-лайдиган ҳолатлар бўйича кўрсатувлар бериш таклиф этилади. Сўроқ қилинувчиларнинг қайси бири аввал берган кўрсатувлари сўроқ қилувчида кўпроқ ишонч туғдирган бўлса, шунга биринчи бўлиб сўз берилади.

Учинчи қисм сўроқ қилувчининг саволларига сўроқ қилинув-чилар навбат билан берган жавобларига бағишланади.

Сўроқ қилиш кетма - кетлигини жиноят иши материалларини ҳисобга олиб терговчи томонидан белгиланади.

Юзлаштириш жараёнида сўроқ қилинадиган шахсларнинг тер-говчининг руҳсатисиз бир-бирлари билан ҳеч қандай мулоқот имо-ишора қилиш ўзаро қандайдир келишувга келиш, бирини иккинчи-сига тазйиқ ўтказиш тақиқланади.

Агар юзлаштириш иштирокчилари гувоҳ ва жабрланувчи бўлса-лар, у ҳолда улар кўрсатув беришни рад этганлик ёки ундан бош торганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгар-лик тўғрисида огоҳлантириладилар ва бу ҳақда баённомага ёзиб қўйилади.

Кўрсатув бериш тугаганидан кейин олдинги сўроқлардаги тер-говчи юзлаштириш иштирокчиларининг ҳар бирига саволлар бериши мумкин. Юзлаштириш иштирокчилари бир - бирига фақат терговчи-нинг руҳсати билан саволлар беришлари мумкин. Уларнинг саволла-ри ва уларга берилган жавоблар баённомага киритилади (ЖПК, 123-модда). Юзлаштириш иштирокчиларининг кўрсатувларини ошкор қилишга фақатгина улар юзлаштиришда берган ва баённомага ёзилган кўрсатувлардан кейин йўл қўйилади. Кўрсатувлар берилиб, баённомада қайд этилгач, терговчи ўз ихтиёрига мувофиқ илгари берилган кўрсатувларни эълон қилиши ҳам мумкин, чунки кўп ҳолларда ушбу ҳаракат натижасида кўрсатувлар солиштирилиб, улар ўртасидаги зиддиятлар бартараф этилиши мумкин.

Терговчи томонидан юзлаштиришда иштирок этувчи шахсларга таъсир қилиш даражасини пасайтириш мақсадида, агар ушбу шахслар ўзларининг аввалги кўрсатувларидан бош торган бўлсалар уларнинг илгари берган кўрсатувлари терговчи томонидан ўқиб эшиттирилиши мумкин. Терговчи юзлаштиришда ҳам баённомада қайд этилган илгариги кўрсатувларини ўқиб эшиттириши ёки уларнинг овозли ёзувларини (фонограммасини) тўлиқ ёки қисман ўқиб эшиттириши мумкин.

Юзлаштиришда айбланувчи ва гумон қилинувчи ёлғон кўрсатув бергани учун жавобгарликка тортилмайди. Гувоҳ ва жабрланувчи ёлғон кўрсатув бергани учун жавобгарликка тортилади.

Агар юзлаштиришда гумон қилинувчи ёки айбланувчи кўрсатув беришни рад этсалар, аввалги сўроқлардаги кўрсатувларни ошкор қилишга йўл қўйилмайди.

Юзлаштириш натижалари ҳар хил бўлиши мумкин:

- 1) ҳар бир иштирокчи ўз кўрсатувларини тасдиқлаши;
- 2) олдин ёлғон кўрсатувлар берган шахс уларни ўзгартириши ва тўлиқ ёки қисман тўғри кўрсатувлар бериши;
- 3) олдин тўғри кўрсатувлар берган шахс энди ёлғон кўрсатув бериши;
- 4) юзлаштириш иштирокчиларидан бири кўрсатув беришдан бош тортиши;
- 5) иккала иштирокчи ҳам кўрсатув беришдан бош тортиши.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, юзлаштиришнинг ҳар қан-дай натижаси ҳам кўрсатувлардаги қарама-қаршиликларнинг барта-раф этилишига олиб келади, бу эса янги далиллар тўплаш бўйича процессуал фаолиятда самара беради.

Юзлаштиришнинг бутун жараёни баённомага киритилади. Баён-номадаги ёзувлар кўрсатувлар берилган тартибни акс эттириши керак (ЖПК, 124-модда). Баённомада қуйидагилар, яъни: юзлаштириш қаерда, қачон, қандай муддат ичида, ким томонидан олиб борил-ганлиги ким юзлаштиришда сўроқ қилинувчи сифатида иштирок эт-ганлиги, агар юзлаштириш қатнашчилари гувоҳлар ёки жабрланув-чилар бўлса, уларни ёлғон кўрсатув беришлари ёки кўрсатув бериш-дан бош тортиш масалалари бўйича огоҳлантирилганлиги қайд этила-ди. Юзлаштириш ўтказишда овоз ёзиш воситаларидан фойдаланиш ёки юзлаштириш жараёнини видеоёзувга олиш мақсадга

мувофикдир.

Юзлаштириш процессида ҳимоячи ҳам иштирок этиши мумкин. Юзлаштириш баённомаси юзлаштириб сўроқ қилишнинг ҳар бир иштирокчиси ва терговчи томонидан имзоланади. Юзлаштириб сўроқ қилинган шахслар ўз кўрсатувлари остига ҳамда баённоманинг охи-рига имзо қўядилар.

Вояга етмаган шахс иштирокида юзлаштириш ўтказиш тўғриси-да қарор қабул қилаётганда терговчи ушбу ҳаракатнинг ўзига хос-лигини эътиборга олиши, шунингдек, уни вояга етмаган гувоҳ (жабрланувчи)ни сўроқ қилишни белгилайдиган тартибга мувофиқ ўткази-шини назардан четда қолдирмаслиги керак. Бу тартиб сўроқда педа-гогларнинг, вояга етмаганнинг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари иштирокини, шунингдек, вояга етмаган айбланувчи ҳимоячисининг тергов ҳаракатларида иштирокини юзлаштиришга нисбатан ҳам татбиқ этилишини назарда тутади.

Юзлаштириш тергов ҳаракатининг турлари

Ушбу тергов ҳаракати иштирокчиларнинг таркибига кўра куйи-даги турларга ажратилади:

- иккита гувоҳни юзлаштириш;
- иккита айбланувчини юзлаштириш;
- иккита гумон қилинувчини юзлаштириш;
- иккита жабрланувчини юзлаштириш;
- гувоҳ ва жабрланувчини юзлаштириш;
- жабрланувчи ва айбланувчи (гумон қилинувчи)ни юзлаштириш;
- гувоҳ ва айбланувчи (гумон қилинувчи)ни юзлаштириш;
- айбланувчи ва гумон қилинувчини юзлаштириш.

Иккита гувоҳни юзлаштириш. Бир ҳолат юзасидан икки гувоҳни юзлаштириш уларнинг кўрсатувларидаги қарама-қаршиликлар, тафо-вутларни аниқлаш ва ишнинг ҳақиқий ҳолатларини очишга хизмат қилади.

Иккита айбланувчиларни юзлаштириш. Айбланувчиларни юз-лаштириб сўроқ қилиш ихтиёрийлик асосида ўтказилиб, асосий эъти-бор айбланувчиларнинг ўзларига қўйилаётган айбловга нисбатан бил-дирган эътирозларига ва уларнинг берган кўрсатувларидаги ному-та-носиб фактларга қаратилади.

Иккита гумон қилинувчини юзлаштириш. Иккита гумон қили-нувчини юзлаштиришда аввал улар қандай жиноятда гумон қили-наётганлиги билдирилади. Юзлаштирилаётган шахсларнинг бунга муносабати, шу ҳолат юзасидан берган кўрсатувлари таққосланади, уларга ўзаро савол-жавоб қилиш имконияти яратилади. Юқоридаги шахсларнинг олдиндан таниш ёхуд нотанишлиги, ўрталарида муносабат мавжуд ёки йўқлиги аниқланади.

Иккита жабрланувчини юзлаштириш. Иккита жабрланувчини юзлаштиришда уларнинг ишнинг ҳақиқий ҳолатларидан хабардор-лиги, иш бўйича айбланаётган шахсга муносабати солиштирилиб аҳамиятга эга маълумотлар қайд этилади.

Гувоҳ ва жабрланувчини юзлаштириш. Гувоҳ ва жабрланувчини юзлаштиришда уларнинг ишнинг муайян ҳолатлардан хабардорлиги борасида ва қарама-қаршиликлар мавжуд ҳолатлар тўғрисида кўр-сатувлар бериш таклиф этилади. Улар юзлаштириш тергов ҳара-катини олиб бораётган шахснинг рухсати билан бир-бирларига савол беришлари мумкин.

Жабрланувчи ва айбланувчи (гумон қилинувчи)ни юзлаштириш. Жабрланувчи ва гумон қилинувчини юзлаштириб сўроқ қилишда ҳам жабрланувчи ва гумон қилинувчининг илгари берган кўрсатувлари ва тақдим этган далилларининг ўзаро мослиги аниқланади. Жабрла-нувчи ва гумон қилинувчини юзлаштиришни таниб олиш тергов ҳаракатидан фарқлаш лозим. Таниб олишда таниб олинishi лозим бўлган объект ва унинг белгилари тўғрисидаги маълумотлар олинади. Юзлаштиришнинг бу тури шуниси билан аҳамиятлики, бунда жиноят процесси айблов ва ҳимоя тарафларининг иштирок этадиган иштирокчилари қатнашиб, ишга доир муҳим масалаларга оидлик киритилади.

Гувоҳ ва айбланувчи (гумон қилинувчи)ни юзлаштириш. Бундай юзлаштиришда аксарият ҳолларда айбланувчининг шахсига, уни айб-лаш учун хизмат қилган асослар ва далилларга оид кўрсатув ва маълумотлар текширилади. Юзлаштириш тугагандан кейин ҳам уларни алоҳида сўроқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Айбланувчи ва гумон қилинувчини юзлаштириш. Айбланувчи ва гумон қилинувчини юзлаштириш камдан-кам қўлланилиб, ушбу жараён ҳақиқатни аниқлаш ва юзлаштирилаётган шахсларнинг қай бири ҳақиқатда айбланувчи эканлигини аниқлашга хизмат қилади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, бунда айбланувчининг айбга асосиз иқрор бўлиши мумкинлиги сингари ҳолатларнинг олди оли-нади ҳамда уларнинг айби даражасини аниқлаш имкони бўлади.

Айбланувчи ва гумон қилинувчига уларнинг кўрсатув бериш ёки бермаслик ҳуқуқлари, жумладан юзлаштириш тергов ҳаракатида иштирок этиш ҳуқуқи тушунтирилади.

5 – мавзу. Таниб олиш учун кўрсатиш

Таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати тушунчаси

Таниб олиш учун кўрсатиш гувоҳ, жабрланувчи, гумон қили-нувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бирор шахс ёки нарса тўғ-рисидаги кўрсатувини текшириб кўриш учун қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

1) бу кўрсатув муайян бир шахс ёки муайян бир нарсага оид эканлигини аниқлаш зарур бўлганда;

2) суриштирувчи, терговчи ёки судга маълум бўлган кўп-лаб шахс ёки нарсалар орасидан кўрсатувда тасвирлаб берилган шахс ёки нарсани топиш зарур бўлганда (ЖПК, 125 - модда).

Таниб олиш жараёни илгари кузатувда бўлган объектни таниш ҳисобланади. Шу боис инсоннинг эслаш қобилияти жиноят содир бўлган пайтдан бошлаб вақт ўтиши билан бу ҳодиса тўғрисидаги таассуротлар ва уларни эсда сақлаш даражаси вақт ўтиши билан пасайиб бориши сабабли мазкур тергов ҳаракатини тезкор ўтказиш тактик жиҳатдан тўғри ҳисобланади. Гумон қилинувчилар, айбла-нувчилар, жабрланувчилар, гувоҳлар; шуниндек, жиноят қуроллари, жасадлар ва уларнинг қисмлари, ҳайвонлар, бинолар ва бошқа кўчмас объектлар таниб олиш учун тақдим этилиши, яъни булар таниб олиш объектлари бўлиши мумкин. Таниб олишнинг субъекти бўлиб эса, таниб олишни амалга ошираётган шахс, айти пайтда гувоҳлар, жабр-ланувчилар, гумон қилинувчилар ва айбланувчилар ҳам иштирок этади. Шуни ҳам унутмаслик лозимки, таниб олиш жараёнидан олдин таниб олувчи шахс ушбу объект, унинг белгилари бўйича тўла равишда, батафсил сўроқ қилиниши даркор.

Таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишдан мақ-сад шахснинг ёки ашёнинг айнанлигини аниқлашдан иборат. Ушбу айнанликни топиш таниб олувчи шахснинг зиммасига юклатилади. Таниб олиш инсоннинг билиш жараёни бир кўриниши ҳисобланади. Муайян нарса ёки шахсни таниш жараёни психологик мазмунига кўра икки турга бўлинади:

а) суксессив таниш - аввалги таассуротга эга бўлган образ белгиларини хотирада секинлик билан тиклаб, тақдим этилган объект белгилари билан босқичма - босқич солиштириш орқали таниб олиш;

[9]

б) симультан таниш - муайян шахс ёки нарсани дарҳол, бир кўришнинг ўзида таниб олиш .

Суксессив танишда таниб олувчи шахс объектни солиштиришда бир қанча қийинчиликларга дуч келади. Бу қийинчиликлар таниб олувчи шахснинг таниб олиниши керак бўлган нарса ёки шахс билан илгариги кам муомалада бўлганлиги ёки белгиларнинг ўзгариши, эскириши, кўринишининг сунъий ўзгартирилиши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу ҳолда биринчи бўлиб ҳақиқатан ҳам айнан шу объект тергов олиб бориладиган ҳодиса билан боғлиқми ёки йўқми деган масала ҳал қилиниши керак. Агар таниб олувчи шахсга тақдим этиладиган объект белгилари бўйича яхши таниш бўлса, бундай суксессив таниб олиш ўтказилмайди. Масалан, таниб олувчи билан кўп вақтдан буён яқин муносабатларда бўлган кишини (оила аъзолари, дўстлари, узоқ қариндошлари, қўшнилари ва х.к.) ташқи кўриниши бўйича таниб олишга ёки таниб олувчи шахсга ўзининг ноёб белгилари (рақам, доғ, эсдалик ёзув ва б.) орқали таниш бўлган буюмларни тақдим этиш ноўриндир. Бу ҳолда суксессив эмас, балки симультан таниб олиш ўринлидир.

Симультан таниш билан боғлиқ бўлган таниб олиш бевосита бошқа мақсад – марҳумнинг шахсини аниқлаш ёки таниб олинадиган объект билан таниб олувчининг танишлиги тасдиқловчи маълумот-нинг ростилигини текширишни

[10]

кўзлайди. Шу услуб орқали таниб олувчи билан танишлигини рад этувчи шахс тақдим этилиши мумкин

[11]

Баъзи муаллифлар томонидан бу ҳолларда таниб олишни ўтказишнинг қонунийлиги рад этилади . Бундай фикр тарафдорлари таниб олишнинг ўрнига юзлаштириш ўтказиш кифоя дейишади. Шунга қарамасдан, бизнинг назаримизда, баъзи ҳолларда юзлашти-ришнинг имкониятлари қуйидаги масалаларни ечишга етарли эмас-дир, яъни сўроқ қилинадиган шахслар ҳақиқатдан ҳам ўзаро танишми ёки ўзини таништирган шахс ҳақиқатан ҳам ўша шахсми ёки йўқми. Шахсан, ўзаро танишлигини тасдиқловчи шахснинг гаплари қанчалик ростилигини аниқлашнинг иложи йўқ.

Жиноят процессида бир шахс ўртасида бир объект ёки бир шахсни таниб олиш учун қайта, қўшимча таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш ман этилган. Қўшимча таниб олиш учун кўрсатишни ўтказишнинг ман этилиши таниб олувчи таниб олиш учун кўрсатилаётган шахсни ёки объектни балки биринчи бор таниб олиш учун кўрсатилганда эслаб қолиш эҳтимоли билан боғлиқ. Шу билан бирга шахс томонидан объектнинг ёки шахснинг фақат битта белгиси орқали эслаб қолганлиги боис, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати ўтказилгандан сўнг, қайтадан ўтказишга эҳтиёж туғилиши мумкин. Таниб олишни ўтказишнинг махсус шартлари сифатида таниб олувчи шахсни қай ҳолларда объект унга таассурот қолдирганлиги ва қайси белгилари орқали таниб олиши мумкинлиги юзасидан ўтказиладиган сўроқ қилиш хизмат қилади. Акс ҳолда таниб олиш исбот кучига эга бўлмайди.

Шахс битта объектни ҳар хил белгилар орқали таниб олиши мумкин. Шахс объект ва шахснинг бир белгига кўра таниб олмаган бўлса, уни бошқа белгисига кўра қайта таниб олиш учун кўрсатиш мумкин. Бироқ биринчи маротаба ўтказилган таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатида таниб олувчи “таниб олиш учун кўрсати-лаётган шахс” ҳақида ҳеч қандай маълумотни олмаслиги чоралари кўрилиши керак. Акс ҳолда биринчи таниб олиш учун кўрсатишда объектнинг белгиларини эслаб қилиниши ва иккинчи маротаба ўтказиладиган таниб олиш учун кўрсатилаётганда ишнинг ҳолиселигига путур етказиши мумкин. Масалан, дастлаб шахснинг фотосурати орқали таниб олиш учун кўрсатиш кейинчалик унинг юриш (қадам кўйиш) хусусиятлари билан таниб олиш учун кўрсатишни рад этмайди.

Қўшимча таниб олиш учун кўрсатиш дастлаб ЖПКнинг талаб-ларини бузган ҳолда ўтказилган бўлса ёки процессуал шаклдан таш-қари амалга оширилган бўлса ҳам такроран ёки қўшимча ўтказил-майди. (масалан, шахсни тезкор-қидирув чораларида таниб олиш учун кўрсатилганда).

Таниб олиш учун кўрсатишни ўтказиш учун асос-бу исботлаш учун зарурият бўлиб, унда илгари таассурот қолдирган объектни та-ниб олишга тақдим қилинган объект таққосланади. Агар объект ис-ботлашнинг бошқа услуб ёки воситалар орқали аниқланадиган бўлса, таниб олиш учун кўрсатишни ўтказишнинг зарурати йўқ.

Мазкур тергов ҳаракатида таниб олувчи сифатида гувоҳ, жабр-ланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчилар

иштирок этишлари мумкин. Гувоҳ ва жабрланувчи таниб олишдан олдин кўрсатув беришдан бош тортиш ва ёлгон кўрсатув беришлари учун жавобгарликка тортилишлари тўғрисида огоҳлантириладилар. Юқорида кўрсатилган шахслар таниб олинувчилар сифатида ҳам иштирок этишлари мумкин.

Таниб олиш нафақат кўриш сезги органи ёрдамида, балки бошқа ҳиссиёт органлари орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан эшитиш, ушлаш орқали (кўзи ожизлар объектни ушлаш орқали таниб олиши мумкин. Бу эса, кейинчалик тергов эксперимент ўтказиш орқали ҳам исботланиши мумкин). Шу билан бирга, таниб олиш гарчанд шубҳали бўлса-да, ҳидлаш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Ҳидлаш орқали таниб олиш учун кўрсатишни «одорологик экспертиза»дан, шу жумладан хизмат итларидан фойдаланиб ўткази-ладиган таниб олишдан фарқлаш лозим. Таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати фақат шахс (одам) иштирокида унинг шахсий сезги органлари орқали ўтказилади.

Юқоридагилардан ташқари, таниб олиш видео ва аудио ёзувлар орқали ҳам ўказилиши мумкин.

Таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби ва турлари

Жиноят-процессуал кодекси таниб олишни ўтказишнинг қуйи-даги тартибини белгилайди.

Таниб олувчи таниб олиши лозим бўлган шахс ёки нарсанинг белгилари, аломатлари, хусусиятлари тўғрисида олдиндан сўроқ қилиниши лозим (ЖПК, 126-модда). Вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда зарурий равишда ўқитувчи (педагог) иштирок этиши шарт. Бу ҳаракатнинг ўтказилиши таниб олиш учун тақдим этишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида тўғри қарор қабул қилишга, бу ҳара-катнинг муваффақиятли амалга оширилишига, керакли натижалар олинишига ва кейинчалик уларга тўғри баҳо беришга ёрдам беради. Таниб олувчининг сўроғи унга нисбатан содир этилган жиноятдан сўнг ўтказилса ва натижали бўлмаган тақдирда, уни қайта сўроқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Таниб олувчи шахсга таниб олиш учун объектни кўрсатишдан аввал ўтказиладиган сўроқ давомида таниб олувчи таниб олиниши керак бўлган объектни қаерда, қачон, қандай ҳолатларда, қанча вақт давомида, қандай об-ҳавода, қандай ёруғликда, қандай масофада ку-затгани, унинг белгилари ва бу белгиларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланиши керак.

Таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати таниб олиш объек-тига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. *Шахсни таниб олиш учун кўрсатиш.* Шахсни таниб олиш учун кўрсатиш тергов амалиётида кенг қўлланиладиган тергов ҳара-кати ҳисобланади. Мазкур тергов ҳаракатида таниб олинувчи сифати-да фақат тирик одам бўлади. Шахсни таниб олиш учун кўрсатиш тар-тиби Жиноят–процессуал кодексининг 127-моддасида белгиланган. Шахсларни таниб олиш бошқа турдаги таниб олишларга нисбатан мураккаброқдир. Таниб олинувчи шахс таниб олиш учун тергов олиб борилаётган ишга алоқаси бўлмаган, ташқи белгилари билан ўзига ўхшайдиган шахслар гуруҳи орасида ҳолислар ҳузурида кўрсатилади. Жиноят процесси назариясида шахсни таниб олиш учун кўрсатишда таниб олинувчилар статистлар деб ҳам аталадилар.

Таниб олиш учун кўрсатилаётган шахсларнинг умумий сони уч нафардан кам бўлмаслиги керак.

Таниб олинувчи кийими, соч қирқтириши ёки тараши ёхуд бош-қа белгилари билан таниб олиш учун кўрсатиладиган ўзга шахслар орасида яққол ажралиб турмаслиги лозим.

Статистлар таниб олувчига таниш бўлмасликлари лозим. Таниб олишда холисларнинг иштирок этиши шарт.

Таниб олинувчига таниб олиш учун кўрсатиладиган шахслар гуруҳи орасида истаган жойни эгаллаш тақлиф қилинади.

Сўнг таниб олувчи чақиртирилади. Албатта, таниб олувчини чақиртириш тартиби ҳар хил шубҳалардан мустасно бўлиши керак. Таниб олувчини чақиртириш усули, албатта, баённомада акс эттири-лиши керак. Сўнг таниб олувчи ким тўғрисида кўрсатув берган бўлса ўша шахсни кўрсатиши лозим. Шу билан бирга, қайси белгилар орқали таниганилигини тушунтириб ўтиши лозим.

Таниб олишда юзага келган шубҳалар ва эҳтимоллар бартараф этилмаса, айбланувчи ҳисобига ҳал этилади ва ушбу тергов ҳара-катининг баённомасининг номақбул деб топилишига олиб келади.

Жиноят процесси назарияси тирик шахсларни таниб олиш тергов ҳаракатнинг икки махсус тури ажратилиб кўрсатилади. Улар алоҳида белгиларга эга бўлиб таниб олувчини таниб олинувчига кўрсатувслик шароитида ўтказиладиган таниб олиш ва қарши таниб олишлардир.

Шахсни таниб олиш тергов ҳаракатининг бу турлари бизнинг процессуал амалиётда деярли қўлланилмай, хорижий мамлакатлар жиноят процессига хос ҳисобланади.

Қарши таниб олиш ўтказилганда аввал бири иккинчисини таниб олади, сўнг таниб олинган шахс олдин таниб олувчи бўлган шахсни таниб олади. Масалан, айбланувчи жабрланувчини сўнгра жабрла-нувчи айбланувчи таниб олади. Қарши таниб олиш учун кўрсатиш-нинг муҳим шартларидан бири бир-бирини таниб олаётган шахслар таниб олаётганда кўринмайдиган шароитида бўлишлари керак. Қар-ши таниб олиш моҳиятига кўра иккита алоҳида орқама - орқа ўтка-зиладиган тергов ҳаракатларидан иборат бўлади.

Таниб олувчини таниб олинувчига кўрсатувслик шароитида ўтказиладиган таниб олиш кўплаб хорижий мамлакатлар, жумладан, Россия Федерациясида ҳам тергов амалиётида кенг қўлланилади.

Бу турдаги таниб олишга асос таниб олувчининг ҳавфсизлигини таъминлашдан иборат. Бундай таниб олишнинг тўғри ўтказилганли-гини назорат қилиш учун холислар таниб олувчи билан бирга бўли-шади. Улар билан биргаликда ушбу тергов ҳаракатида иштирок этув-чи ҳимоячи ҳам ҳозир бўлиши шарт. Техник томондан бундай таниб олиш бир томони кўринмас бўлган ойна, техник восита (видеокамера) ёки таниб олувчи турган жойни қоронғулаштириб таниб олинувчи турган жойни эса кучли ёруғлантириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилиги би-ноан шахсни таниб олиш учун кўрсатишнинг иложи бўлмаганда ёхуд ҳавфсизликни таъминлаш мақсадида унинг фотосуратидан фойдала-ниш мумкин.

Таниб олиш учун жадвал қоғозга яхшилаб ёпиштирилиб, муҳр-ланган ва рақамланган, лекин суратга олинган шахсларнинг исми ва фамилиялари кўрсатилмаган камида учта фотосурат кўрсатилади.

Шунга ўхшаш амалиётда видеоёзув орқали таниб олиш ҳам қўл-ланилиши мумкин, чунки у объектнинг белгиларини аниқроқ тақдим этади (намоён этади). Тақдим этилган фотосуратлар ва видеоёзувлар таниб олиш

баённомасига илова қилинади.

2. *Кўчар нарсаларни таниб олиш учун кўрсатиш.* Кўчар нарса-ларни таниб олиш учун кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 128-моддасида белгиланган.

Тергов олиб борилаётган жойга, судга ёки бошқа жойга олиб борилиши мумкин бўлган нарсалар, нарсаларнинг бўлаги ва ҳайвон-лар ушбу ишга алоқаси бўлмаган бошқа турдош нарсалар орасида таниб олиш учун кўрсатилади.

Таниб олувчи сўроқ қилинганда тасвирлаганидан ташқи белги-лари, аломатлари, хусусиятлари бўйича жиддий фарқ қилмайдиган нарсалар турдош деб ҳисобланади. Таниб олиш учун кўрсатилаётган нарсаларни жойлаштириш тартиби суриштирувчи, терговчи томони-дан ҳолислар ҳузурда белгиланади.

Турдош объектлар орасидан таниб олиш тўғрисидаги қоида мур-дани таниб олишда қўлланилмайди. Мурдани таниб олишда статист-лар иштирок этмайди. Бу ҳолда фақат мурданинг ўзигина тақдим этилади.

Предметни таниб олиш камида учта нафар турдош предметлар билан биргаликда ўтказилади. Бунда таниб олинган предмет бошқаларидан яққол ажралмаслиги керак (масалан қон излари билан).

3. *Кўчмас объектни таниб олиш учун кўрсатиш.* Кўчмас объект-ни таниб олиш учун кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 129-моддасида белгиланган.

Жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судла-нувчи жой, бино, бинодаги алоҳида хона ёки бошқа кўчмас объект номини айтиб ва тасвирлаб берса-да, бироқ унинг жойлашган ўрнини аниқ айтиб бера олмаса, бирор аниқ жойдан объектга бориш йўлини кўрсатишга истак билдирса, унга шу объектни кўрсатишига имкон берилади.

Суриштирувчи ёки терговчи ва ҳолислар ёхуд суд таркиби ва тарафлар таниб олувчи билан биргаликда у айтган жойга келадилар. Таниб олиш учун кўрсатиш иштирокчилари шу жойдан бошлаб таниб олувчининг кўрсатуви бўйича юра бошлайдилар. Бунда таниб олув-чига таниб олиш учун кўрсатишнинг бошқа иштирокчилари ёки ёт шахслар тарафидан йўналиш айтиб қўйилишининг олдини олиш чо-ралари кўрилиши лозим.

Жиноят-процессуал амалиётда шундай ҳоллар мавжудки, бунда таниб олиш тергов ҳаракати рад этилади, яъни таниб олиш ўтказил-маслиги керак. Бунга мисол тариқасида шуни келтириш мумкинки, агар таниб олувчи ва таниб олинувчи сўроқ пайтида бир - бирларини яхши билиши ва таниш эканликларини инкор этмаса, улар ўртасида таниб олиш ҳаракати ўтказилмайди.

Таниб олиш учун кўрсатиш чоғида таниб олувчининг кўрсатуви ва ҳолатларини қайд қилиш

Таниб олиш учун бир гуруҳ шахслар ёки бир нечта нарса кўрса-тилганидан кейин таниб олувчига у илгари тасвирлаган шахс ёки нарсани кўрсатиш таклиф этилади.

Таниб олувчи кўрсатилган шахслардан ёки нарсалардан бирини кўрсатса, унга кўрсатилган бошқа шахслар ёки нарсалар орасидан бу шахсни ёки нарсани қайси белгилари ёки хусусиятларига кўра тани-ганлигини тушунтириб бериш таклиф қилинади.

Таниб олувчи таниб олиш учун унга кўрсатилган шахслар ёки нарсаларни илгари кўрмаганлигини айтса, унга қидирилаётган нарса улардан нимаси билан фарқ қилишини тушунтириб бериш таклиф қилинади (ЖПК, 130 - модда).

Суриштирув ёки дастлабки тергов вақтида ўтказилган таниб олиш учун кўрсатиш тўғрисида ЖПКнинг тегишли моддаларига риоя этган ҳолда баённома тузилади (ЖПК, 131-модда). Баённомада таниб олувчининг шахси ҳақидаги маълумотлар, таниб олиш учун кўрса-тилган объектлар ҳақидаги қисқача маълумотлар ва имкон даража-сида таниб олувчининг кўрсатувлари сўзма-сўз баён қилинади.

Суд муҳокамасида ўтказилган таниб олиш учун кўрсатиш суд мажлиси баённомасида қайд қилинади.

Таниб олишнинг ўтказилиши ва натижалари умумий қоидаларга биноан баённомада акс эттирилади. Унда барча юридик аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар ўз аксини топиши лозим (статистлар ташқи кўрини-ши, таниб олувчини чақиртириш тартиби, унинг кўрсатувлари).

Барча ҳолларда баённомага: таниб олувчи, таниб олиш учун кўрсатиш шароити, жараёни ва натижалари, таниб олиш учун кўрса-тилган шахслар, уларнинг ёши, бўйи, миллати, турар жойи, кўзга ташланувчи белгилари, кийимлари; таниб олиш учун кўрсатилган нарсалар тавсифи; таниб олиш учун кўчмас объектлар кўрсатилганда эса, шунингдек таниб олувчи кўрсатган йўналишлар ва изланаётган объектга бирор аниқ жойдан бориш йўллари тўғрисидаги маълумотлар киритилиши лозим. Агар таниб олиш учун шахсларни кўрса-тилганда статистлар ҳам имзо чекадилар.

Таниб олиш учун фотосуратлар кўрсатилган бўлса, баённомага фотожадвал илова қилиниши лозим.

Таниб олувчининг кўрсатувлари, шунингдек, унга суриштирув-чи, терговчи, суд, тарафлар ёки бошқа шахслар томонидан берилган саволлар ва қайтарилган жавоблар сўроқ қилишнинг умумий қоидаларига риоя қилинган ҳолда баённомага ёзиб борилади.

6 - мавзу. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва аҳамияти

Жиноятларни тергов қилиш жараёнида кўпинча жиноят ҳодиса-си билан боғлиқ ҳамда муайян жойда (ерда ёки хонада) содир бўлган фактга оид гувоҳларнинг, жабрланувчиларнинг, гумон қилинувчиларнинг, айбланувчиларнинг кўрсатувларини текшириш зарурати пайдо бўлади. Бундай ҳолда кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш деб аталадиган тергов ҳаракати ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 132- моддасига биноан суриштирувчи, терговчи, суд гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, гувоҳлар ҳамда жабрланувчиларнинг кўрсатувларини текшириладиган ҳодиса содир бўлган жойда ҳолат-ларни қайта тиклаш йўли билан текшириб кўришга ҳақлидир.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳа-ракати вақтида ҳаракатларни амалга ошириш ташаббуси кўрсатувлари текшириладиган шахсга тегишли бўлади.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш шахс томонидан кўрсатув бериш ва олдин берган кўрсатувларни ўзининг ҳаракати билан кўрсатиб беришдан иборат. Мазкур тергов ҳаракати ҳодиса жойида сўроқ қилиш, ҳодиса содир бўлган жойда объектларни таниб олиш учун кўрсатиш, шахс иштирокида кўздан кечириш ва тергов экспериментидан ўзининг мақсади, ўтказилиш асослари ва ўтказилиш тартиби билан фарқланади.

Жиноят-процессуал қонунчилигига биноан кўрсатувларни ҳоди-са содир бўлган жойда текширишдан қуйидаги мақсадлар кўзланади:

1) кўрсатувлари текшириладиган шахсга маълум, суриштирувчи, терговчи ва судга эса номаълум бўлган нарсалар, ҳужжатлар, излар ва белгиларни топиш;

2) шахснинг тергов ёки суд муҳокамаси давомида топилган нар-салар, ҳужжатлар, излар қаерда бўлганлигини кўрсатиб бериши;

3) бир неча шахснинг айна бир ҳодиса тўғрисида берган кўрсатувларидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш учун ишда аҳамиятли бўлган жой ёки йўналишни шахс кўрсатиб бериши;

4) ҳолатларни қайта тиклаш ва ҳодиса содир бўлган жойдаги шароит билан қиёслаш орқали кўрсатувларнинг тўғри ёки нотўғрили-гини аниқлаш.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш фаол ҳаракат билан содир этиладиган жиноятларни тергов қилишда кенг қўлланилади. Кўриб чиқилаётган тергов ҳаракатининг ўзига хос хусу-сияти шундаки, кўрсатувлари текшириладиган ва аниқланаётган шахслар олдин берган кўрсатувларини ўзлари кўрсатган муайян жой-да қайтарадилар. Бу эса кўрсатувларни ҳақиқий ҳолат билан дарҳол солиштириш имконини беради.

Ҳодиса содир бўлган жойда кўрсатувлар иш учун аҳамияти бўлган ҳодиса рўй берган жойга нисбатан, ҳодиса иштирокчилари ҳаракатлари ёки бошқа ҳолатларга нисбатан текширилиши мумкин. Ушбу тергов ҳаракатининг натижаси нафақат муайян шахсларнинг кўрсатувларини текшириш ва аниқлаш, балки янги далиллар олиш ҳисобланади. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш борасида кўрсатувлари текшириладиган шахс иш бўйича қандайдир ашёвий далиллар топишга ёрдам берган тақдирда янги далиллар олиш мумкин бўлади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг кўрсатувлари ҳодиса содир бўлган жойда текшириш натижалари -бу шахсларнинг муайян ҳодисалар ҳақида биланлари фақат уларнинг жиноят содир этишга дахлдорлигидан дарак берсагина далил кучига эга бўлади.

Қонун кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишни суриштирувчи ёки терговчи томонидан ҳолислар иштирокида ўткази-лишини, башарти бу тергов ҳаракатини суд ўтказётган бўлса, тараф-ларнинг иштирокида ўтказилишини талаб қилади. Зарур ҳолларда ҳо-диса содир бўлган жойда кўрсатувларни текширишга мутахассислар ва экспертлар жалб қилиниши мумкин (ЖПК, 133 - модда).

Булардан ташқари кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатининг хусусиятларга эга:

1) Бир вақтнинг ўзида бир неча шахснинг кўрсатувларини ҳоди-са содир бўлган жойда текшириш. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўл-ган жойда текшириш яқка тартибда ўтказилади.

2) Фақат гумон қилинувчи (судланувчи), айбланувчи, гувоҳлар-нинг кўрсатувлари ҳодиса содир бўлган жойда текширилиши мумкин.

3) Суриштирув ва дастлабки терговда кўрсатувлари текшири-лаётган шахс ва икки нафар ҳолисларнинг, судда эса кўрсатувлари текшириладиган шахс ва тарафларнинг иштирок этиши шарт.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби

Ушбу тергов ҳаракатини ўтказишдан аввал терговчи кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишга таклиф этилган барча катнашчиларга уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини ту-шунтиради ва бу тўғрида баённомада қайд этади ҳамда катнашчи-ларнинг имзолари билан тасдиқлайди; катнашчиларга қандай ҳоллар текширилишини тушунтириб, ҳар бир катнашчи олдига тегишли вазифалар қўяди ва тегишли хавфсизлик чораларини кўради. Ушбу тергов ҳаракатида ҳолислар сони иккитадан кам бўлмаслига керак, агар зарурият бўлса, терговчи ёки суриштирувчи тергов ҳаракатига мутахассис ёки экспертларни жалб этиши мумкин.

Терговчи, суриштирувчи ёки суд ушбу тергов ҳаракатини бош-лашдан аввал ва юқоридаги ҳаракатларни ўтказганидан сўнг текши-риладиган кўрсатувларни тергов ҳаракатининг катнашчилари олдида эълон қилади ва тўлиқ равишда ўқиб чиқади ва шундан сўнг кўрсатувлари текшириладиган шахсдан сўрайди. Агар гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатувлари текшириладиган бўлса, у ҳолда улар била туриб ёлгон кўрсатувлар бериш ёки кўрсатувлар беришдан бош тор-тиш тўғрисида огоҳлантирилади ва баённомада бу тўғрида ўз имзо-ларини қўядилар. Шундан сўнг кўрсатувлари текшириладиган шахс-нинг ўзи ўз кўрсатувларини эркин равишда баён этиб, ҳодиса содир бўлган жойга қандай йўл билан бориш кераклигини айтади.

Ҳодиса содир бўлган жойга бориш пайтида кўрсатувлари текши-риладиган шахсдан қандай белгиларга кўра у бораётган йўналишни эслаб қолганлиги ва ҳодиса бўлган жойни таниб олганлиги тўғрисида сўралади ва уни баённомада қайд этиш керак бўлади. Шу пайтда кўрсатувлари текшириладиган шахсга бирон бир йўлни кўрсатувчи

имо-ишора килиш, ёрдам кўрсатиш ёки унинг йўналишларни тан-лашда ихтиёрини чеклаш ман этилади. Ҳибсга олинган шахсга нис-батан, агар унинг кўрсатувлари текширилатган бўлса, тегишли хавф-сизлик чоралари қабул қилинади.

Эркин сўзлаб, тегишли ҳаракатларни намойиш қилгандан сўнг, кўрсатувлари текширилатган шахсга деталлаштирувчи, шунингдек, унинг эслаш қобилиятини фаоллаштирувчи саволлар бериш мумкин, аммо ишорали саволлар бериш ман этилади.

Тергов ҳаракатида иштирок этувчи шахслар ҳодиса жойида кўрсатувлари текширилатган шахсга терговчининг руҳсати билан савол беришлари мумкин, лекин аввал саволнинг мазмунини тер-говчининг ўзига баён этишлари лозим.

Кўрсатуви текширилатган шахс ҳодиса содир бўлган жойда бир вақтнинг ўзиде кўрсатиш, кўздан кечириш ёки баъзи нарсаларни, ҳужжатларни, изларни олиш ёхуд муайян ҳаракатларни намойиш қи-лиш орқали тушунтириш беради ёки ўзининг аввал берган кўрсатув-ларига аниқлик киритади.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатининг жараёнини ва натижаларини қайд қилиш

Кўрсатувлар ҳодиса содир бўлган жойда текширилгани ҳақида суриштирувчи ёки терговчи Жиноят-процессуал кодексининг 90 - 92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ баённома тузади, суд эса текширувнинг бориши ва натижаларини суд мажлиси баённо-масига киритади (ЖПК, 134 - модда).

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённо-маси ушбу тергов ҳаракатини қайд этиш бўйича асосий ҳужжат ҳисобланиб, у кириш, тавсиф ва яқунловчи қисмларга бўлинади.

Баённоманинг яқунловчи қисмида қуйидагилар қайд этилиши керак: агар тергов ҳаракати видео воситаларига олинган бўлса, баён-номада видеотасма намойиш қилинганлиги тўғрисида тасдиқланган белги бўлиши керак (тасдиқлаш тергов ҳаракатида иштирок этган барча қатнашчиларнинг имзоларини тегишли белги тагида қайд этилишидир), агар фонограмма эшиттирилган бўлса, бунинг белгиси ҳам тергов ҳаракати қатнашчилари томонидан баённомада тасдиқла-нади; баённомага видеограмма; фонограмма, шунингдек ҳар хил чиз-малар илова қилинганлиги белгиланиб, тасдиқланади; тергов ҳарака-ти жараёнида олинган излар, ашёвий далиллар, намуналарнинг рўйха-ти келтирилади ва тасдиқланади ҳамда бу объектлар нимага ўралгани қайд этилади; тергов ҳаракати қатнашчилари қандай ариза ва эътирозлар, шикоятлар берганликлари баённомада қайд этилади ва баённома тергов ҳаракатини тўлиқ ва аниқ акс этганлиги қатнашчи-ларнинг имзолари билан тасдиқланади (баённоманинг ҳар бир саҳи-фаси ҳам шу қатнашчиларнинг имзолари билан тасдиқланиши керак).

7 - мавзу. Кўздан кечириш

Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг тушунчаси, турлари ва уни ўтказиш тартиби

Жиноят белгилари мавжуд бўлганда, жиноят ва жиноятчи ҳақи-даги хабарларни, маълумотларни олиш учун доимо дастлабки тергов мантиқан изларни, ашёларни, ҳодиса жойини ўрганиш ва қайд этиш-дан бошланади. Шу сабабли жиноят иши кўзгатилишидан олдин, йўл қўйиладиган тергов ҳаракатларидан бири бўлиб ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳисобланади.

Криминалистикага оид адабиётларда кўздан кечириш тергов ҳаракатига турлича таъриф берилади. Берилган таърифларни берилган вақтига қараб гуруҳларга ажратилса, дастлабки таърифлар кўздан кечириш тергов ҳаракатининг вазифаларидан келиб чиққанлигининг гувоҳи бўламиз. Дастлаб юридик адабиётларда кўздан кечириш жи-ноят изларини аниқлаш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида, ўтка-зилиши тўғрисида гапирилса - да, аммо унинг моҳияти тўғрисида тўхталиб ўтилмасди.

Кўздан кечириш, бу - ўзига хос тергов ҳаракатини, уни бошқа тергов ҳаракати билан алмаштириш мумкин эмас. Тергов жараёнида баъзи сабабларга кўра (мисол учун, процессда қатнашувчи шахслар ҳаёти ва саломатлигига ҳавф туғдирмаслик мақсадида), сўроқ ёки тергов эксперименти ўтказишнинг иложи бўлмайди ва бу ҳолларда уларнинг ўрнига бошқа тергов ҳаракати ўтказилади, яъни улар бошқа чора-тадбирлар билан алмаштирилади. Аммо кўздан кечириш ҳаракати натижасида олинган маълумотларни (излар, ашёвий далиллар ва ҳоказо) бошқа тергов ҳаракатини тўлдиролмайди. Шу сабабли кўз-дан кечириш аксарият жиноят ишлари бўйича дастлабки ва кечик-тириб бўлмайдиган муҳим процессуал ҳаракатдир.

Кўздан кечиришнинг тўлиқ ва ҳар томонлама ўтказилиши ҳоди-са жойи ҳолатини тўлиқ текшириш, биророрта ҳам ашёвий далил-ларнинг назардан четда қолмаслиги ва баённомада қайд этилишини тақозо қилади.

Ўз навбатида ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг тўла ва ҳар томонлама ўтказилиши қуйидагилар билан таъминланади:

Кўздан кечиришнинг тўғри ташкил этилиши, кўздан кечириш иштирокчилари ўртасида иш фаолиятини тўғри тақсимланиши ҳамда барча ҳаракатларнинг тузилган режага асосан ўтказилиши;

Кўздан кечириш ҳаракатига фақат терговчи бошчилик қилиши;

Криминалистик воситалар ва услубларнинг тўғри қўлланилиши;

Терговчи ва бошқа жалб қилинган мутахассис иштирокчиларда касбий тажриба ва билимларнинг етарлилиги;

Тергов ҳаракатини ўтказиш олдидан содир бўлган ҳодиса манза-расини амалий ҳаракатларга нисбатан

[12]

солиштириш қобилияти

Кўпчилик жиноят ишлари бўйича ҳодиса жойини кўздан кечи-риш дастлабки тергов йўналишини белгилаб берувчи биринчи нав-батдаги кечиктириб бўлмас, тергов ҳаракати ҳисобланади.

Кўпинча, ҳодиса жойи ҳолатини кўздан кечириш учун тергов-чи мураккаб вазиятларда маслаҳатлар берувчи мутахассис шахслар жалб этилади. Ниҳоят кўздан кечириш жараёни терговчидан жуда катта ақлий меҳнат, вазиятни таҳлил қила олиш ва тўғри хулоса чиқа-ра олишни талаб этади.

Маълум бир, бевосита ҳодиса содир этилган ва кўздан кечи-рилиш лозим бўлган жой - ҳодиса содир бўлган жой деб топилади. Одатда, бундай ҳодиса деганда, маълум бир жиноят (қотиллик, босқинчилик, номусга тегиш ва ҳоказо) тушунилади, Лекин "ҳодиса" тушунчасини "жиноят" тушунчасидан кенгрок деб қараш лозим, чунки ҳодиса ўз ичига ўз-ўзини ўлдириш ва бахтсиз ҳодисани ҳам қамраб олади.

Маълумки, тергов амалиётида одам мурдаси топилганлиги фак-ти ҳодиса сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам мурда топилган жой (ўша одам қаерда ўлганлигидан қатъий назар) ҳар доим - ҳодиса содир этилган жой деб ҳисобланади.

Кўздан кечириш жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки суднинг ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, хайвонларни, теварак - атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечиришдан иборат бўлган тергов ҳаракатидир (ЖПК, 135 - модда).

Кўздан кечиришнинг мақсади иш бўйича аҳамиятли ҳақиқий маълумотларни аниқлаш ва мустаҳкамлашдир. Кўздан кечиришда ҳақиқий маълумотларни аниқлаш кўздан кечириладиган объектларда акс этган содир этилган жиноят ҳолатларини кўздан кечириш иштирокчиларининг (терговчи ва ҳолисларнинг) бевосита идрок қилиши орқали амалга оширилади.

Одам баданини кўздан кечириш гувоҳлантириш ёки экспертиза ўтказиш қоидаларига асосланган ҳолда (ЖПК, 142 - 147 ва 172 - 187 - моддалар) амалга оширилади. Почта - телеграф жўнатмаларини кўз-дан кечириш ЖПКнинг 167-моддасида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

Нарсаларни олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш чоғида топилган нарса ва ҳужжатлар шу тергов ҳаракатларини ўтказиш учун белги-ланган қоидаларга риоя қилган ҳолда кўздан кечирилиши лозим (ЖПК, 135 - модда).

Кўздан кечиришда қатнашишга айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи, гувоҳ жалб қилиниши мумкин. Кўрсатилган шахслар-нинг кўздан кечиришда қатнашиши кўп ҳолларда иш учун аҳамияти бўлган янги ҳолатларни аниқлашда ёрдам беради (масалан, хонадонга ўғриликка тушганлик юзасидан кўздан кечиришда жабрланувчи ҳо-диса содир бўлган жойдан топган муайян нарса хонадонда яшовчи-ларнинг ҳеч бирига тегишли эмаслигини кўрсатади). Кўрсатилган шахсларнинг кўздан кечиришда қатнашиши улар олдин берган кўрса-тувларини кўздан кечириш борасида аниқланган маълумотлар билан солиштириб текшириш ва аниқлаш имконини беради.

Жиноят-процессуал қонунга мувофиқ кўздан кечиришнинг қуйидаги турлари фарқланади: ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, хайвонларни, теварак-атроф ва биноларни, нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш (ЖПК, 135, 137, 138, 139,140 - моддалар).

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш энг муҳим ва масъулиятли ҳаракат ҳисобланади, шунингдек, у юқорида кўрсатил-ган кўздан кечиришнинг деярли ҳамма турларини ўз ичига олади. Почта-телеграф жўнатмаларини

кўздан кечириш бундан мустас-нодир.

Кўздан кечиришда терговчи куйидаги умумий тактик қоида-ларга риоя қилиши мақсадга мувофиқ бўлади:

1. *Кўздан кечириш кечиктирилмай, ўз вақтида амалга ошири-лиши.*

Терговчи жинорий ҳодиса содир этилганлиги тўғрисида хабар ол-ганидан сўнг дархол ҳодиса жойига етиб бориши лозим. Ҳодиса жойини кўздан кечиришидан олинган маълумотларга қараб терговчи тезкор равишда ҳодиса тўғрисида, жиноят содир этган шахслар тўғ-рисида версияларини илгари суради, жиноят содир этган шахс(лар)ни қидириб, ушлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган тезкор тадбирларни ташкил қилади, гувоҳлантириш ва тергов олиб бориш бўйича амалга ошириладиган ишларни режалаштиради.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришни кечиктириш объектив (ман-фаатдор шахс(лар) томонидан) ва объектив (об - ҳаво, муҳит таъсири) омиллар таъсирида жойнинг ҳолати ўзгаришга, изларни ва бошқа ашёвий далилларнинг тикланмайдиган даражада йўқ бўлиб кетишга олиб келиши мумкин. Бу эса муайян даражада терговни қийинлаш-тиради. Кўздан кечиришни ташкил қилиш ва амалга оширишда йўл қўйилган камчиликлар ва хатоликларни (бошқа тезкор-қидирув ҳара-катлари каби), одатда, кейинги қилинадиган ишларда тўлдириш ёки тузатиш жуда қийин бўлади. Аммо ҳодиса содир бўлган вақтдан кўздан кечиришгача кўп вақт ўтиб, ҳодиса жойининг асл ҳолати ўзгарган бўлса ҳам, терговчи ҳодиса жойини кўздан кечириши хато ҳисобланади. Чунки ҳатто бундай кечиктириб ўтказилган кўздан ке-чиришдан ҳам тергов учун аҳамиятли ашёвий далиллар топилиши мумкин.

2. *Кўздан кечиришнинг объективлиги.* Терговчи кўздан кечи-ришда жиноят иши билан боғлиқ бўлган ҳолатларини ҳар тарафлама ўрганиб, жиноят иши бўйича тўпланган материалларга бир хилда баҳо бериши лозим. Терговчи айрим фактларни далил сифатида ало-ҳида қабул қилиб, иш билан боғлиқ бўлган ашёвий далилларни иккинчи даражада деб ҳисоблаши мумкин эмас.

Кўздан кечиришнинг объективлиги бу тергов ҳаракатининг бошланишида, объектларни қандай ҳолатда аниқланган бўлса, шун-дайлигича қайд этиш ва дастлабки тадқиқ этишдан иборатдир (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 141-моддаси). Объективлик, бу - воқеликка мос келиш демакдир. Воқеликка тўғри муносабат ишга танқидий кўз билан қараб баҳо беришни талаб қилади ва бир қолипдаги қарорларни истисно этиб, ишга шошма - шошарлик ва совуққонлик билан ёндашишнинг олдини олади.

3. *Кўздан кечиришнинг тўла ва ҳар томонлама ўтказилиши.* Ҳар қандай ноаниқ, тўлиқ бўлмаган фактик маълумотлардан иш бўйича далил сифатида фойдаланилмайди. Фақат ҳодиса жойини кўздан кечириш натижасида топилган ва аниқланган фактларгина иш бўйича далил сифатида фойдаланилади.

Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг турлари

Ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечириш. Ҳодиса содир бўл-ган жойини кўздан кечиришдан асосий мақсад ҳодисанинг келиб чи-қиш ҳолатини бевосита кўриш билан мавжуд из, ашёвий далилларни топишдан иборат

Юридик адабиётларда И.Н.Якимов, В.И.Громов, П.И.Тарасов - Радионов, А.И.Винберг каби олимлар томонидан ҳодиса жойини кўздан кечириш тушунчасига берилган бир қанча илмий таърифларни учратиш мумкин. Профессор А.И.Винберг берган таърифи алоҳида эътиборга моликдир: “ҳодиса содир этилган жойини кўздан кечириш, - дейди у, - ҳодисанинг механизмини ўрганишга, жиноятчилик фаолиятининг изларини аниқлаш, сақлаш ва кейинчалик ўрганиш учун қайд этишга ҳамда содир этилган ҳодиса ҳолатларини аниқлаш мақсадида турли объектлар, предметлар, ҳужжатлар ва бошқа иш учун аҳамиятли бўлган далилларнинг қайд этилишига қаратилган тергов

ҳаракати ҳисобланади ^[13]. Ҳодиса жойини кўздан кечириш тушунчаси ўз ичига жиноятнинг излари, ашёвий далилларни топиш ва тўғрилигини исботлаш, жиноят мотиви ва механизмини аниқлаш, кўздан кечириш маълумотларини “иссиқ излар” бўйича қидирув ўтказиш учун фойдаланишга қаратилган комплекс тергов ва қидирув тадбирларини қамраб олади.

А.И. Винбергнинг фикрича ҳодиса содир этилган жойини кўздан кечириш, бу - иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлашга қаратилган ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати бўлиб ҳисобланади. У ўз ичига содир этилган ҳодисанинг характери, жи-ноятчилар шахси, жиноят мотивларини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган ҳодиса жойининг ҳолатини ўрганиши, ҳар хил излар ва бошқа ашёвий далилларни топиш, қайд этиш ва қўлга

киритиш каби ҳаракатларни қамраб олади ^[14].

Тадқиқ этилаётган ҳодисада жиноят таркиби бор ёки йўқлигини мумкин қадар аниқлашга имкон берадиган ҳақиқий маълумотларни топиш ва мустаҳкамлаш, шунингдек тадқиқ этилаётган ҳодиса ҳолат-лари ва унинг иштирокчилари ҳақида тахминлар қилиш ва уларни текшириш учун ҳодисанинг ҳолатини тўлалигича ҳамда унинг айрим объектларини бевосита тадқиқ этишдан иборатдир. Ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечириш айнан ана шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказилади (ЖПКнинг 137 - м.).

Кўздан кечириш натижаларининг исботловчи аҳамияти кўп жи-ҳатдан унинг ўз вақтида ўтказилганлиги даражасига боғлиқдир.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг асосий принципларидан унинг ўз вақтида ва атрофлича, батафсил ўтказилишини алоҳида аж-ратиб кўрсатиш лозимки, улар мумкин қадар максимал ахборот тўп-лашни таъмин этади. Ўз вақтида, тўла ва тўғри кўздан кечириш ёрда-мида куйидагиларни аниқлаш мумкин:

- Содир этилган ҳодисанинг мазмуни;
- Содир этилиш жойи ва вақти;
- Ҳодисада қатнашган шахслар сони;
- Жиноятнинг мотив ва мақсади;
- Жиноятнинг содир этиш тури;
- Жиноят содир этилишига таъсир этган шарт - шароитлар;

- Ходиса жойида жиноятчиларнинг хатти - ҳаракатлари, келиш ва кетиш йўллари;
- Жиноий ҳаракат нимага қаратилганлиги;
- Ўлган шахснинг жисмоний ва руҳий ҳолати;
- Жабрланувчининг ўлиmidан олдинги ҳаракатлари;

Юқорида кўрсатилган масалалар фақат терговчи томонидан кўз-дан кечириш якунида кўздан кечириш олдига қўйилган туб савол-ларга жавоб олингандан кейингина ечилиши мумкин. Ушбу саволлар сонини криминалистлар турлича белгилайдилар.

Агарда аввалги криминалистика дарсликларига назар ташласак, уларда биз кўздан кечириш жараёнида ечилиши лозим бўлган 7 та савол келтирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ушбу саволларни илга-ри сурган муаллифлар қадимги Рим юристларининг суд процесслари учун ишлаб чиққан формуласига асосланган эдилар. Ҳақиқатдан ҳам, қадимги Рим юристларининг: нима?, - ким?, - қаерда?, - қачон?, - нима учун?, - қандай?, - нима билан? каби саволларини рад

1151

этиш мумкин эмас .

Содир этилган жиноят ҳақида хабар олгач, башарти унинг очи-лиши ходиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни талаб қилса, терговчи (суриштирувчи) зудлик билан ходиса содир бўлган жойга бориши ва уни кўздан кечиришни амалга ошириши керак. Бу ҳол тергов ҳаракатининг айнан кечиктириб бўлмаслиги сабабли, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириши кейинга қолдириш мумкин бўлмаган ҳолларда жиноят иши қўзғатилмасдан олдин ўтказишга йўл қўйилади. Бундай вазиятларда кўздан кечиришдан кейин кўпи билан 72 соат ичида, истисно ҳолларда эса ўн кун давомида жиноят ишини қўзғатиш ёки унинг қўзғатилишини рад этиш ҳақида қарор чиқари-лиши керак.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ишдан манфаатдор бўлмаган фуқароларни жалб қилган ҳолда, албатта ҳолисларнинг иштирокида амалга оширилади. Агар кўздан кечириш ҳудудида дав-лат сирини ўз ичига олган маълумотлар аниқланиши мумкин бўлса, бундай ҳолислар сифатида ўз машғулоти тури ёки хизмат фаолияти бўйича бундай маълумотлардан фойдаланишга рухсати бўлган шахс-лар таклиф қилинади.

Кўздан кечириш бошланишидан олдин терговчи ҳолисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши керак. Кўздан ке-чириш ўтказилганда терговчи ҳолисларнинг эътиборини ишни тергов қилишда аҳамиятли бўлган барча ҳолатларга қаратади. Ўз навбатида ҳолислар ҳам терговчининг эътиборини ўзларининг фикрига кўра иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган у ёки бу фактларга қаратишга ҳақлидир. Зарурат туғилганда келгуси тергов қилиш ёки суд муҳока-маси борасида ҳолислар кўздан кечириш натижасида уларга маълум бўлган ҳолатлар юзасидан гувоҳлар сифатида сўроқ қилинишлари мумкин.

Агар жиноят иши кўрилайётган вақтда кўздан кечиришга зарурат туғилса, суд бу ҳақда ажрим чиқаради ва кўздан кечиришни тарафлар иштирокида ўтказиши (ЖПКнинг 136 - м.).

Зарур ҳолларда суриштирувчи, терговчи ёки суд кўздан кечи-риш чоғида ўлчов ўтказиши, фотосуратга, киноасвирга, видеоёзувга туширади, режалар, схемалар, чизмалар тузади, излардан қолиплар ва нусхалар олади. Бу ишларни бажаришда ёрдам бериш учун кўздан кечиришга мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш чоғида мутахассис кўздан кечиришда пайдо бўладиган у ёки бу масалаларда терговчига маслаҳат беради, шунингдек изларни топиш ва қайд этишда, улардан қолиплар ва нусхалар олишда, ходиса содир бўлган жойни фотосу-ратга туширишда, режа ва чизмалар тузишда техник ёрдам кўрсатади. Кўздан кечиришнинг куйидаги турларини амалга оширишда малака-ли мутахассисларни таклиф этишга алоҳида эътибор бериш лозим: махфий жойларни аниқлаш мақсадида нарсаларни кўздан кечириш, махфий ёзувларни аниқлаш мақсадида ҳужжатларни кўздан кечириш, фотоплёнкани кўздан кечириш ва ҳоказо. Айрим ҳолларда кўздан кечиришда қатнашаётган мутахассислар жиноий мақсадларни амалга оширишга мўлжалланган махфий мосламаларни аниқлашга ёрдам берадилар.

Катта ҳудуд ва биноларни кўздан кечириш бир нечта суришти-рувчи ёки терговчилар томонидан амалга оширилиши мумкин, бунда улар ҳар бирининг ҳаракати камида икки нафар ҳолис иштирокида ўтказилиши керак.

Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар ўралади ва муҳрланади. Катта ҳажмдаги нарсалар олинмайди ва муҳрланмайди, лекин суриштирувчи ёки терговчи уларни сақлаш чораларини кўриши лозим (ЖПКнинг 137 - м.).

Кўп ҳолларда ходиса жойини кўздан кечириш натижалари асо-сида жиноятнинг ясамалиги ёки жиноят таркибининг мавжуд эмасли-ги ёхуд жиноят излари бўйича мувофақиятли қидирув ишлари олиб бориш борасида ҳулосалар чиқарилади. Биз ҳодиса жойини кўздан кечиришда фойдаланидан билиш ёки текшириш ўтказишнинг ус-лублари, ушбу тергов ҳаракатининг ташкилий, назарий ва амалий му-аммоларига тўхталмаймиз. Биз бу ерда кўздан кечириш натижалари бўйича тусмолларни шакллантириш ва бўлиб ўтган воқеа картина-сини тиклаш, кўздан кечириш билан бир вақтда амалга ошириш лозим бўлган бошқа тергов ва тезкор - қидирув чора - тадбирлари, уларнинг ўтказиш натижасида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек ходиса жойини кўздан кечиришнинг ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муаммолар тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Мурдани кўздан кечириши. Суриштирувчи ёки терговчи мурда-нинг ташки кўринишини у топилган жойда ҳолислар ва суд - тиббиёт соҳасидаги мутахассис шифокор иштирокида кўздан кечирилади. Бун-дай мутахассис шифокор иштирок этишига имконият бўлмаган тақ-дирда, бошқа шифокор иштирок этади.

Мурдани кўздан кечириш билан бир пайтда унинг ёнидан топил-ган шахсий буюмлар, нарсалар, кийим ва пойабзал кўздан кечири-лади. Зарур ҳолларда мурдани кўздан кечиришда нафақат шифокор, балки бошқа мутахассислар сураткаш, криминалист, кимёгар ва шу қабилар иштирок этиши мумкин.

Экспертная вақтида мурдани кўздан кечириш экспертиза қои-даларига риоя қилган ҳолда ўтказилади. Мурда топилган жойда уни таниб олиш учун кўрсатиш чоғида таниб олиш қоидаларига риоя қилинади. Таниб олинмаган мурдаларнинг бармоқ излари олиниши шарт. Экспертиза текширувлари учун намуналар олиш қоидаларига риоя қилган ҳолда мурдадан бошқа хил намуналар ҳам олиниши мумкин (ЖПКнинг 188 - 191, 193, 197 - м.).

Таниб олинмаган мурда фақат прокурор рухсати билангина кў-милади (ЖПКнинг 138 - м.).

Теварак - атроф ва биноларни кўздан кечириши. Суриштирувчи, терговчи ва суд теварак - атроф ва биноларни куйидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда кўздан кечиридилар.

Фуқаронинг уйи ёки хизмат жойини кўздан кечириш зарурати бўлса, суриштирувчи ёки терговчи бу ҳақда

қарор, суд эса ажрим чи-қаради. Турар жойи кўздан кечириладиган шахс ёки тегишли қорхона, муассаса, ташкилотнинг вакили чиқарилган қарор ёки ажрим билан таништирилиб, бу ҳақда имзо чекирилади.

Кўздан кечириш қорхонада, муассасада, ташкилотда ўтказилса маъмурият вакилининг, ҳарбий қисмда, штабда ва муассасада ўтка-зилса - қўмондонлик вакилининг, зарур ҳолларда эса, моддий жавоб-гар шахснинг қатнашиши шарт. Биноларни кўздан кечиришда олиб қўйиш ва тинтув қоидаларига риоя қилинади (ЖПКнинг 139 - м.).

Нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш. Суриштирувчи, тер-говчи ва суд нарсаси ва ҳужжатларни улар топилган жойда, башарти кўздан кечириш кўп вақт ёки қўшимча техник воситалар талаб қилса, кейинчалик суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси ўтка-зиладиган жойда кўздан кечиради.

Кўздан кечириш техник воситаларидан фойдаланилган ҳолда, башарти нарсаси ёки ҳужжатларнинг йўқолишига ёхуд шикастлани-шига олиб келмаса, ўтказилиши мумкин (ЖПКнинг 140 - м.).

Баъзан тергов ҳаракати ўтказиладиган жойда олиб қўйиладиган ҳамма нарсаларни синчковлик билан кўздан кечиришнинг имкони бўлмайди. Бундай ҳолларда терговчи ёки суриштирувчи тергов ҳара-кати баённомасида бу нарсалар ва ҳужжатларнинг олиб қўйилган-лигини белгилайди, ҳолислар иштирокида олиб қўйилган материал-ларни ўрайди ва муҳрлайди ҳамда уларни тергов юритиладиган жойга олиб боради. Бу ерда ҳолислар иштирокида олиб қўйилган нарсалар ва ҳужжатларнинг муҳри бузилади ва улар кўздан кечирилади, бу ҳақда алоҳида баённома тузилади.

Кўздан кечириш ўтказилганлиги ҳақида ЖПКнинг 141 – модда-сида кўрсатилган талабларга биноан баённома тузилади. Кўздан кечи-риш баённомаси бу тергов ҳаракатининг ўтказилганлигини ва унинг олиб борилишида барча аниқланганларни қайд қилувчи асосий, маж-бурий восита ҳисобланади. Баённоманинг йўқлиги кўздан кечириш натижасини исботловчи кучдан маҳрум қилади, чунки баённома далилларни мустаҳкамловчи процессуал восита, далиллар манбаи ҳисобланади. Баённомада терговчининг барча ҳаракатлари баён қили-нади, шунингдек кўздан кечириш давомида топилган барча нарсалар, улар қандай тартибда кўздан кечирилган бўлса, худди шу тартибда, кўздан кечириш пайтида қандай ҳолатда қўзғатилган бўлса, худди шу ҳолатда қайд этилади.

Шундай қилиб, кўздан кечириш баённомасида тергов ҳаракат-ини ўтказиш пайтида топилган нарсаларнинг барчаси жуда тўлиқ қайд этилиши керак. Баённома тўлиқ бўлиши учун ишда аҳамияти бўлган барча ҳолатни қайд этиш керак, бироқ бу борада объектларни ўта майдалаштириб, чегарадан чиқиб кетмаслик лозим.

Баённомада кўздан кечириш чоғида топилган ва олинган барча излар, нарсалар ва ҳужжатлар санаб ўтилади. Олинган буюмнинг эгасига тегишли маълумотнома ёки баённоманинг нусхаси берилади. Бундан ташқари, баённомада: кўздан кечириш қайси вақтда, қандай об-ҳавода ва қандай ёруғликда ўтказилганлиги; қандай илмий – тех-ника воситалари қўлланилганлиги ва қандай натижалар олинганлиги; кўздан кечиришда қўмаклашиш учун кимлар жалб қилинганлиги ва қўмаклашиш нимада ўз аксини топганлиги; қандай нарсалар ва ҳужжатлар қандай тартибда ва қандай муҳр билан муҳрланганлиги; кўздан кечирилганидан кейин мурда ва иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларнинг қаерга юборилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

Агар кўздан кечиришда мутахассис иштирок этган бўлса, баён-номада унинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи ва лавози-ми кўрсатилади. Баённомада мутахассис қайси ҳаракатларни бажар-гани, қайси илмий-техника воситаларидан фойдалангани ва қандай натижаларга эришгани кўрсатилиши керак.

Баённомага фотосурат расмлари, режалар, чизмалар, изларнинг қолиплари ва нусхалари илова қилиниб, бу ҳақда унда қайд этилади.

Баённома тузилганидан кейин у кўздан кечиришни ўтказишда иштирок этган шахсларга ўқиб эшиттирилади, улар эса ўтказилган ҳаракатлар бўйича ўз мулоҳазаларини унга киритишни талаб қилишга ҳақлидирлар. Бу ҳуқуқ уларга тушунтирилганлиги тўғрисида баённо-мада қайд этилади. Барча мулоҳазалар албатта баённомага кирити-лиши лозим. Баённома терговчи (суриштирувчи) ҳамда кўздан кечи-ришни ўтказишда иштирок этган бошқа шахслар томонидан имзо-ланади.

Гувоҳлантириш тергов ҳаракатининг тушунчаси ва ўтказиш асослари

Гувоҳлантириш кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати бўлиб, жи-ноят изларини аниқлашга, одам танасини кўздан кечиришга ва унда бўлган алоҳида белгиларни ҳамда жиноят иши бўйича далилий аҳа-миятга эга бошқа белгиларни топишга ва уларни қайд этишга қара-тилган. Гувоҳлантириш учун махсус билимлар талаб қилинмаслиги шундан иборатки, бу тергов ҳаракатини терговчи, суриштирувчи ва суднинг ўзи ўтказиши ва холислар иштирокида одам танасини кўздан кечириб, жиноят иши бўйича далилий аҳамиятга эга бўлган аломат-лар ва изларни аниқлайди ва уларни баённомада қайд этади. Лекин тергов ҳаракатини янада сифатли ўтказиш мақсадида тегишли мута-хассис суд - тиббиёт соҳасига мутахассис шифокорни жалб қилиш керак, чунки улар одам баданидаги жиноят изларини ва алоҳида бел-гиларни тиббиёт нуктаи назаридан аниқ ва тўғри таърифлаб бериб, баённомада тўғри қайд этилишига тегишли шароитлар яратиб бериш-лари мумкин ҳамда бир изнинг баданга аниқ жойлашиши, ушбу жой-ни тиббиёт нуктаи назаридан тўғри аталиши, изнинг ўзига хос белги-ларини, жароҳатнинг таърифини тўғри ва аниқ тавсиф қилишга ёрдам беради.

Жиноят-процессуал конунчилигига биноан гувоҳлантириш учун асослар куйидагилар:

1) одамнинг баданидаги иш учун аҳамиятга молик хусусият ёки аломатларни, алоҳида белгиларни, унинг жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотларни, доғларни, тирналган, шилинган, қонта-лаш жойларни топиш зарурати туғилган ҳолларда, агар бунинг учун экспертиза ўтказиш лозим бўлмаса;

2) экспертиза ўтказишни талаб қилмайдиган усулларни қўллаш йўли билан шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатини аниқ-лаш зарурати туғилган ҳолларда ўтказилади (ЖПКнинг 142 - м.).

Гувоҳлантириш тергов ҳаракатида гумон қилинувчи, айбла-нувчи, судланувчи ва жабрланувчи гувоҳлантирилиши, яъни баданла-ри кўздан кечирилиши мумкин. Гувоҳ эса фақат унинг кўрсатувлари тўғрилигини текшириш учунгина гувоҳлантирилиши мумкин.

Гувоҳлантириш тергов ҳаракатининг хусусияти мазкур ҳаракат жараёнида одамнинг бадани кўздан кечириш объекти бўлиб, айнан шу одамнинг баданини ҳар томонлама кўздан кечириш керак.

Мақсадга йўналтирилганлиги ва амалга ошириш усулига кўра, гувоҳлантириш кўздан кечиришга яқин туради, лекин айни вақтда улар орасида жиддий фарқ мавжуд бўлиб, у гувоҳлантиришнинг тер-гов ҳаракати сифатида мустақил хусусиятга эга эканлигини таъмин-лайди. Бу ҳаракатлар ўртасидаги асосий фарқ шундан иборатки, гу-воҳлантиришнинг объектлари фақат тирик шахслар бўлса, кўздан кечиришнинг объектлари эса фақат ашёлардир. ЖПК 135 – моддаси-нинг 2-қисмида белгиланганки, одам баданини кўздан кечириш гу-воҳлантириш ёки экспертиза ўтказиш қоидаларига кўра амалга оширилади.

Гувоҳлантиришни ўтказиш тартиби

Гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби Жиноят-процессуал кодексининг 146-моддасида белгиланган.

Гувоҳлантиришни ўтказиш ҳақидаги қарор ёки ажрим гувоҳлан-тирилувчига эълон қилинади. Гувоҳлантиришнинг барча иштирокчи-ларига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши лозим.

Гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказиш учун тайёргарлик кўришда терговчи, суриштирувчи тергов ҳаракатини ўтказиш учун керакли бўлган ташкилий чоралар кўради (гувоҳлантириладиган шахсларга чакирув қозғалари юборади, иш материаллар билан тани-шади, мутахассис билан маслаҳат суҳбати ўтказиши, тергов ҳаракатининг аниқ кун ва соатини белгилаб, қўлланиладиган барча техник ва техник - криминалистик воситаларни тайёр қилади, керак бўлса, ёрдамчи ходимларни чакиради, тергов ҳаракатининг режасини туза-ди). Сўнг тергов ҳаракатига келган иштирокчиларнинг шахсини тек-ширади ва шундан сўнг уларга процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтиради ҳамда уларни бу маълумотлар бўйича тегишли ҳара-катлар қилиш қобилиятига ишонч ҳосил қилгандан сўнг бевосита учинчи босқичга ўтади. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан танишганликлари тўғрисида тергов баённомада қайд этади, иштирок-чилар ўз тасдиқловчи имзоларини баённомада қайд этишлари керак.

Гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг икки хил тарти-би мавжуд:

1) Шахсни ечинтириб яланғочлаш, шунингдек унинг баданидаги тирналган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш билан боғлиқ бўлмаган гувоҳлантириш.

Шахсни ечинтириб яланғочлаш, шунингдек унинг баданидаги тирналган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш билан боғлиқ бўлмаган гувоҳлантириш суриштирувчи ёки терговчи томонидан хо-лислар иштирокида, зарур ҳолларда эса, шифокор ёки бошқа мутахас-сис иштирокида ўтказилади. Ушбу турдаги гувоҳлантириш тарафлар иштирокида суд томонидан ҳам ўтказилиши мумкин.

2) Шахсни ечинтириб яланғочлаш ёки унинг баданидаги тирнал-ган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган, шунингдек экспертиза ўтказишни талаб қилмайдиган усулларни қўллаш йўли билан шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатини аниқлаш зарурати туғилган ҳолларда ўтказиладиган гувоҳлантириш.

Шахсни ечинтириб яланғочлаш ёки унинг баданидаги тирнал-ган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган, шунингдек экспертиза ўтказишни талаб қилмайдиган усулларни қўллаш йўли билан шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатини аниқлаш зарурати туғилган ҳолларда ўтказиладиган гувоҳлантириш суриштирувчи, терговчи ёки суднинг топшириғига биноан шифокор ёхуд бошқа мутахассис тиббий ходим томонидан ўтказилади.

Бирок бу ҳолда ҳам гувоҳлантиришни тергов ҳаракати сифатида айнан терговчи амалга оширади. Гарчи унинг ўзи гувоҳлантирилув-чини кўздан кечирмаса-да, бошқа ҳамма ҳаракатларни амалга оширади (шифокорни таклиф қилади ва унга зарур кўрсатмалар беради, барча иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, баённомани тузади ҳамда имзолайди ва ҳоказо.). Гувоҳлантириш пайтида гувоҳлантирилувчи шахснинг кадр-қимматини камситувчи ёки унинг соғлиғи учун хавфли бўлиши мумкин бўлган қандайдир хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Гувоҳлантириш натижасида шахснинг тергов қилинаётган жиноятга алоқадорлигини белгилашга ёрдам бериши мумкин бўлган излар, қон доғлари ва кимёвий ашёлар, тирналган жойлар, бошқа тан жароҳатлари, яра доғлари, татуировка, тана тузилишидаги нуқсонлар, туғма доғлар ва шунга ўхшаш ўзига хос белгилар (хусусиятлар) аниқланиши мумкин.

Гувоҳлантириш тергов ҳаракатини процессуал расмийлаштириш

Гувоҳлантириш тергов ҳаракати қарор чиқариш ва унинг ўтқа-зилиш тартиби тўғрисида баённома тузиш орқали расмийлаштирилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланув-чининг баданида жиноят излари, иш учун аҳамиятга молик бошқа белгилар ёки унинг ғайритабиий физиологик ҳолати тўғрисида етар-ли маълумотлар бўлса, гувоҳлантиришни ўтказиш ҳақида суришти-рувчи ёки терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Қарорда ёки ажримда:

- гувоҳлантиришни ким ва қандай мақсадда ўтказиши;
- кимни гувоҳлантириш кераклиги;
- гувоҳлантирилиши учун шахс кимнинг ҳузурига ва қачон етиб келиши кўрсатилган бўлиши лозим.

Суриштирувчининг, терговчининг гувоҳлантириш ўтказиш тўғ-рисидаги қарори ёки суднинг шу тўғридаги ажрими қайси шахс хусусида чиқарилган бўлса, ўша шахсга нисбатан мажбурийдир.

Гувоҳлантиришдан бош тортаётган шахслар мажбурий келтири-лиши ва гувоҳлантирилиши мумкин.

Гувоҳлантириш ўтказилганлиги ҳақида Жиноят - процессуал кодексининг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга муво-фик суриштирувчи ёки терговчи баённома тузади, суд эса гувоҳ-лантириш жараёни ва натижаларини суд мажлиси баённомасида қайд этади. Баённомада гувоҳлантириш ўтказган шахснинг ҳамма ҳара-катлари ва гувоҳлантириш давомида аниқланган барча излар, хусу-сиятлар ва белгилар қайд этилган бўлиши лозим.

Гувоҳлантириш шифокор ёки бошқа мутахассис томонидан ўт-казилган бўлса, у баённома тузади ва имзолайди, гувоҳлантирилган шахс ва холислар ҳам имзолаганидан сўнг баённомани тегишинча суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим этади.

9-мавзу. Мурдани эксгумация қилиш

Эксгумация сўзи лотинча exhumation ех-дан humas-ер, тупрок, кўмилган жойдан қазиб олиш деган маънони англатади.

Ушбу тергов ҳаракати аксарият ҳолларда дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш учун ўтказилади.

Эксгумация тергов ҳаракати аксарият хорижий давлатларнинг ЖПКларида хусусан Россия Федерацияси ЖПКнинг 178-моддасида, Беларуссия Республикаси ЖПКнинг 205-моддасида, *мурдани кўздан кечириш, эксгумация* номи остида берилган. Ушбу тергов ҳаракати турли давлатларда турлича ҳуқуқий тартибга солинган масалан: Молдова Республикаси ЖПКда эксгумация тергов ҳаракати суднинг санкцияси билан, қариндошларни хабардор қилган ҳолда амалга оширилиши билан ўзига хосдир. Қирғизистон Республикаси ЖПКда эксгумация тергов ҳаракати ҳақида умумий тўхталиб ўтилган ҳалос Ўзбекистон Республикаси ЖПКда мурдани эксгумация қилиш юқо-ридаги давлатлар ЖПКда назарда тутилган эксгумация қилишнинг процессуал тартибига қараганда аниқроқ процессуал тартибга со-линган.

Кўздан кечириш, таниб олиш, текшириш ёки экспертизага намуналар олиш учун мурдани қабрдан чиқариб олиш зарур бўлган так-дирда суриштирувчи, терговчи бу ҳақда қарор чиқаради ва проку-рорнинг санкциясини олади. Суд эксгумацияни суриштирув органига ёки терговчига топшириши мумкин бўлиб, бу ҳақда ажрим чиқаради (ЖПК, 148-модда).

Мурдани эксгумация қилиш тергов ҳаракати Ўзбекистон Рес-публикасида истикомат қилувчи аҳолининг аксариятига психологик жиҳатдан салбий таъсир қилишини унутмаслик керак, шунинг учун бу ҳаракатни агар эксгумация қилиш учун асослар мавжуд бўлса, имкон қадар овоза қилмасдан, лекин қонунда қайд этилган барча талабларни сақлаган ҳолда амалга ошириш даркор.

Мурдани эксгумация қилиш жараёнида тиббиёт нуктаи назари-дан ушбу тергов ҳаракати иштирокчиларининг соғлиғи ҳаётига хавф туғдирувчи омиллардан сақланиш керак, тегишли асептика-анти-сеитика қоидаларига риоя қилиб, тиббиёт никоблари ва қўлқоп-ларида, махсус кийимда ва пойабзалда ўтказиш ва шундан сўнг дезинфекция ҳаракатларини ўтказиш керак бўлади. Бу ҳаракатлар мурдадан тарқалувчи захарли хиддан сақланиш, мурдадан келиб чиқадиган касалликларни профилактика қилиш ҳаракатларини ўз ичига олиши зарур. Бу талабларни амалга оширмаган суриштирувчи ёки терговчи у билан иштирок этаётган тергов ҳаракати қатнашчи-ларини саломатлигига зарар етказиши мумкин. Шу боис, тергов ҳаракатининг қатнашчилари бу ҳақда тушунтириш ўтказиши ва юқорида қайд этилган қоидаларга бўйсунилари керак (ЖПКШ 148-модда).

Суриштирувчи, терговчи ёки суд мурдани эксгумация қилишни соғлиқни сақлаш органлари билан келишган ҳолда ва мурда кўмилган жой вакилининг иштирокида амалга оширади. Эксгумация суриш-тирув ёки дастлабки тергов вақтида амалга ошириладиган бўлса, ҳолисларнинг иштирок этиши шарт. Суд эксгумацияни тарафлар иштирокида амалга оширади (ЖПК, 149-модда).

Мурдани эксгумация қилиш тергов ҳаракати суриштирувчи, тер-говчи ёки суд томонидан соғлиқни сақлаш органлари билан келишил-ган ҳолда ва мурда кўмилган жой вакилининг иштирокида амалга оширади.

Бу ҳаракатда ҳолислар иштирок этиши шарт. Суд эксгумацияни тарафлар иштирокида ўтказиши. Мурдани эксгумация қилиш тўғриси-даги қарорни (ажримни) терговчи, суриштирувчи қабристон маъму-рияти ва суд-тиббиёт экспертизалари муассасасига юборади ва эксгу-мация қилиш кунини ва вақтини (аниқ вақтини) белгилайди, агар жасадни қабристондан экспертиза муассасасига юбориш керак бўлса, санитар-эпидемиологик станцияга транспорт воситаси билан таъмин-лаш тўғрисида эксгумация қилиш қарорида бу муассасани қайд этиб, у ерга ҳам шу қарорни юборади ва транспортнинг қабристонга етиб келиш вақти қайд этилади.

Мадомики, мурдани эксгумация қилиш тергов ҳаракатини ўтка-зишда марҳумнинг қариндошлари норозилик билдирсалар, бу ҳолат милиция органи ёрдамида бартараф этилиб, мурдани эксгумация қи-лиш тергов ҳаракати мажбуран ўтказилади.

Эксгумацияга тайёргарлик ҳаракатлари шундан иборатки, тер-говчи ушбу тергов ҳаракати режасини тузиб, унда ҳал қилинадиган саволлар ва ҳаракатларни тўлиқ тавсифлаши лозим. Бу ҳаракатини ўтказишда қандай техник воситалар, техник-криминалистик восита-лар (дактилоскопик изларни олиш, микрозарраларни олиш ва ҳоказолар), суд-тиббиёт ходими билан маслаҳатлашув керак ва унинг натижаларини режада қайд этиш мумкин. Прокурорнинг руҳсатини олиб, эксгумация тўғрисидаги қарорни терговчи қабристон маъму-риятига, соғлиқни сақлаш органига ҳамда зарур бўлса санэпид-станция маъмуриятига ва суд-тиббиёт экспертиза ўтказиш муасса-сасига юбориш ҳуқуқига эга. Ушбу қарорда эксгумация қилиш асослари, зарурияти, қаерда эксгумация ўтказилиши, қачон бу ҳаракат ўтказилиши, ким бу қарорни чиқарганлиги, қайси мансабдор шахсга бу қарор ижро этилиши учун юборилганлиги қайд этилиши керак. Бундан ташқари эксгумацияга: иккита ҳолис, суд-тиббиёт эксперти, қабристон вакили, техник ёрдамчилар (икки кишидан кам бўлмаган ҳолда), эксгумацияни видеога олиш бўйича мутахассис, эксперт-криминалист ва зарур бўлса, яна бошқа соҳадаги мутахас-сислар қатнашиши керак. Эксгумацияга гумон қилинувчи, айбланув-чи, судланувчи ҳамда жасадни таниб олувчи шахслар таклиф этили-ши мумкин.

Мурдани эксгумация қилиш тергов ҳаракатини ўтказишда ишти-рок этаётган барча шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбу-риятлари тушунтирилиши ва мажбур тергов ҳаракатининг мақсад ва вазифалари тўғрисида аён қилиниши лозим.

Эксгумация қилинадиган жойга етиб борилгач эксгумация қили-надиган жойга етиб борилгач, ҳаракатда иштирок этувчи барча қат-нашчилар назоратида терговчи эксгумация қилиш тўғрисидаги қарор-ни ўқиб эшиттиради. Қабристон вакили қарор билан танишганлиги тўғрисида имзо чекади. Шундан сўнг, терговчи баённомада эксгу-мацияда иштирок этувчи барча шахсларнинг кимлиги, қаерда истиқо-мат қилиши, қайси муассасада ишлаши тўғрисидаги аниқ маълумот-ларни киритиб, уларни тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан та-ништирганлиги тўғрисида белги қўйиб, тасдиқловчи имзоларни баённомада қайд этади ва техник ёрдамчиларга қабрни қовлаш тўғрисида буйруқ беради. Қабрни қовлашдан аввал қабрда дафн этил-ган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, қачон тузилганлиги ва вафот этган йили, ойи ва куни баённомада акс эттирилиши лозим (бу маълумотлар тегишли эксгумация қилиш қарорда ҳам бўлиши шарт). Техник ёрдамчилар қабрни қовлаб бўлганларидан сўнг, тер-

говчи тобутга олиш тўғрисида буйруқ беради (агарда бу ҳаракат христианларнинг (кабристониди ўтказиладиган бўлса), агар бу ҳара-катлар мусулмонлар кабристониди ўтказиладиган бўлса, у ҳолда хилхонадан кафанга ўралган жасад фото ёки видеога олинади (христиан кабристониди тобутнинг дастлабки ҳолати фотога ёки видеога муттасил олиб турилиши лозим).

Тобут тепага чиқарилгандан кейин тобутни техник ёрдамчилар очадилар ва шу лаҳза фото ёки видеовоситалар билан жасад ҳолатини қайд этиш керак ва унинг ҳолати терговчи, холислар ва суд-тиббийёт мутахассиси томонидан кўздан кечирилади. Мусулмон кабристониди кафанга ўралган жасад тепага чиқарилгандан кейин фотога қайд этилади (видеога олиниб турилади), сўнг матони жасад билан махсус тайёрланган жойга ўтказиб, кафандан жасад очилади. Бу жойда махсус тайёрланган оқ чойшабга жасад ётқизилади ва мурдани тер-говчи, холислар ва суд-тиббийёт эксперти кўздан кечиради. Ушбу ҳаракатда эксперт-криминалист ва бошқа соҳадаги мутахассислар иштирок этиши мумкин.

Экспумация қилинган мурдани ташқи кўздан кечириш ва унинг ички органларини тадқиқ қилиш ўлим сабабини аниқлашдан таш-қари, уни вужудга келтирувчи ҳолларни тиклашга имкон беради, бу эса жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашда катта аҳамиятга эга.

Жасад експумация қилингандан сўнг ушбу тергов ҳаракати бў-йича асос бўлган мақсад амалга оширилади:

- 1) мурда кўздан кечирилади;
- 2) мурдани таниб олиш учун кўрсатилади;
- 3) экспертиза зарурияти бўлса уни экспертизага юборилади;
- 4) таққослаш учун тадқиқот ўтказиш керак бўлса, ундан тегиш-ли намуналар олинади.

Бу ҳаракатлар процессуал қонунда қайд этилган қоидаларга асо-сан амалга оширилиши лозим.

Экспумация қилинган жасаднинг экспертизаси ҳар доим тўлиқ бўлиши керак ва суд-тиббийёт эксперти жасаднинг учта қисмидан - мия қобиғидан, кўкрак қафасидан ва ичакдан (қориндан) тегишли равишда фойдаланиб, очиши ва кўздан кечириш, уларнинг ҳолатини қайд этиши, зарур бўлса намуналар (қон, ичакда бўлган чикиндилар, соч толалари, тирноқ тагидаги қолдиқлар, жинсий органларнинг ичи-да бўлган биологик микрочарралар ва ҳоказоларни) олиш керак. Жа-садни суд-тиббий жихатдан ёриб очиш яқин бўлган суд-тиббийёт ўликхонаси ёки кабристонда амалга оширилади. Экспертиза қилиш-дан аввал терговчи бу тўғрида тегишли қарор чиқариши керак ва у эксперт муассасасига юборилади.

Экспумацияни амалга оширгандан кейин терговчи, суришти-рувчи мурдани дафн этиш тўғрисида буйруқ беради ва техник ёр-дамчилар мурдани қайта қабрга дафн этадилар. Ушбу тергов жараёни муттасил видеотасмага ёзиб борилади ёки ушбу воситалар бўлмаса суратга олиб борилади.

Видеоёзув тергов ҳаракати иштирокчиларига ушбу тергов ҳара-кати яқунланганидан сўнг намойиш қилинади ва бу баённомада қайд этилиб, тергов ҳаракати қатнашчилари томонидан имзолар билан тас-диқланади. Агар експумация пайтида ушбу тергов ҳаракатида ишти-рок этувчи шахсларда шу тергов ҳаракатига нисбатан бирон бир қўшимча, аниқлаштириш, эътироз, ариза ёки шикоят келтирадиган бўлсалар, у ҳолда терговчи келтирилган барча қўшимча, аниқлаш-тириш, эътироз, ариза ёки шикоятларни баённомада қайд эттирилиши лозим.

Экспумация пайтида жасаддан олинган намуналар ёки бирон бир объектлар тўғрисида терговчи баённомада қайд этиши ва шу наму-налар, объектлар нимага ўралгани, муҳрлангани, имзолангани, муҳр-нинг рақами тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши керак. Экспумацияни бошлаш ва яқунлаш вақти баённомада кўрсатилади. Баённома ўтказилган тергов ҳаракатига илтимос бўлиб, у тўғри қайд этилган-лиги тўғрисида ишонч ҳосил қилган тергов ҳаракатининг қатнаш-чилари уни имзолари билан тасдиқлайдилар, терговчи охирида имзо чекади. Экспумация ҳаракатини баённомада қайд этганда ушбу баён-номанинг ҳар бир саҳифаси терговчи ва холислар ҳамда суд-тиббийёт мутахассиси томонидан имзоланиши шарт.

Юқорида қайд этилган талабларга риоя қилмаслик експумация қилиш тартибини қўпол равишда бузиш демакдир. Бундан ташқари експумация ўтказишда қуйидаги хатоларга йўл қўймаслик керак: агар шахс захарланиш натижасида ўлгани тўғрисида гумон бўлсада, аммо експумация пайтида ундан суд-кимёвий тадқиқот учун мурданинг те-гишли қисмлари олинмаган бўлса; ўлган шахсни қандай вазиятларда ўлганини кўрган гувоҳ сўроқ қилинмаган бўлса (яъни у ўлаётган пайтида қандай аҳволда бўлган, қандай диагноз қўйилган, ўлаётган шахс қандай шикоятлар қилган, захарланишнинг қандай аломатлари кузатилган, касалликнинг объектив белгилари нимадан иборат бўл-ган); христиан (насоний) кабристонидан олинган мурданинг кийим-лари кўздан кечирилмаганлиги ва тупроқ намуналари тобутнинг устидан, пастидан, биқинларидан олинмаган бўлса, мурданинг ки-йимлари тегишли қопларга сақлаш учун олиб қўйилмаганлигини кўр-сатувчи ҳаракатлар; агар мурданинг кийимлари қон билан намланган бўлса, кийимларни қуритмасдан қопга солинганлиги; мусулмон кабристониди експумация қилганда мурда ўралган матони кўздан кечирмасдан олиб қўймаслик ҳаракатлари, тупроқ намуналарини мурданинг пастидан, ён биқинидан ва тепа қисмидан олинмаганлиги; жасаднинг аниқланган жойида кино, фото ёки видеотасвирга қайд этилмаганлиги; жасаднинг баданини ёрганда уни учта жойидан ёрилмаганлиги (мия қобиғи, кўкрак қафаси ва қорини) ва атиги иккита ёки битта жойидан ёрилганлиги; мурданинг танасидан гасто-логак, бактериологик, рентгенологик, спектрал, ботаник ва бир қатор тадқиқотларни эксперт ўтказмаганлиги (агар експумация экспертиза ўтказилиши билан боғлиқ бўлса); баённомада ўлган шахснинг маълумотлари қайд этилмаган бўлса; ишга аён бўлган ўлим ҳоллари қайд этилмаган бўлса; қайси хужжатларга асосан експумация қилинган-лиги қайд этилмаган бўлса; кўздан кечириш ҳаракатлари баённомада тўлиқ қайд этилмаган бўлса; ушбу тергов ҳаракатининг қатнаш-чилари ўзларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида огоҳлантирилмаган бўлса; баённомада барча қатнашчиларнинг имзо-лари мавжуд бўлмаса: фото, видеотасвирга олинса ҳам баённомада бу ҳақдаги маълумот қайд этилмаган бўлса; фотосуратлар ёки видео-тасма експумация қилиш баённомасига илова қилинмаган бўлса; мур-дадан олинган намуналар баённомада қайд этилмаган бўлса; мурдани таниб олишда қайси белгиларга қараб танилганлига қайд этилмаган бўлса; мурдадан микрозарралар олинмаган ва танасида бўлган жаро-ҳатлар баённомада акс эттирилмаган бўлса; мурдадан қон ёки соч ёхуд бошқа биологик ёки кимёвий намуналар олинмаган бўлса; експу-мациядан аввал ва експумациядан кейин мурда дафн этилган жой фото ёки видеотасвирда қайд этилмаган бўлса.

Мурдани экспертиза қилиб бўлгандан кейин уни кабристонга жўнатилади ва қайта дафн этилади. Терговчи мурдани експумация қилиш мақсади, экспертиза қилиш масаласи асосида бу тергов ҳаракатини ўтказганда мурдани експумация қилинганлиги ва суд-тиббийёт муассасасига юборилганлиги тўғрисида тегишли баённома тузади, холислар

ва шу тергов ҳаракатида иштирок этган бошқа шахслар билан ушбу баённомани ўз имзоси билан тасдиқлайди. Агар шу тергов ҳаракатини ўтказиш давомида фото, кино ёки видео воситалар қўлланилган бўлса, бу ҳам баённомада ўз ифодасини топиш лозим. (ЖПК, 149-модда).

Суриштирувчи ёки терговчи мурданинг ташқи кўринишини у топилган жойда холислар ва суд-тиббиёт соҳасидаги мутахассис шифокор иштирокида кўздан кечиради. Бундай мутахассис шифокор иштирок этишига имконият бўлмаган тақдирда, бошқа шифокор иштирок этади. Зарур ҳолларда мурдани кўздан кечириш учун бошқа мутахассислар, шунингдек экспертлар жалб қилинади. (ЖПК, 138-модда).

Мурда топилган жойда уни таниб олиш учун кўрсатиш чоғида таниб олувчи таниб олиш лозим бўлган шахс ёки нарсанинг белги-лари, аломатлари, хусусиятлари тўғрисида олдиндан сўроқ қилиниши лозим. (ЖПК, 126-модда).

Суриштирув ёки дастлабки тергов вақтида ўтказилган таниб олиш учун кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади. Суд муҳока-масида ўтказилган таниб олиш учун кўрсатиш суд мажлиси баённо-масида қайд қилинади.

Барча ҳолларда баённомага: таниб олувчи, таниб олиш учун кўрсатиш шароити, жараёни ва натижалари, таниб олиш учун кўрса-тилган шахслар, уларнинг ёши, бўйи, миллати, турар жойи, кўзга ташланувчи белгилари, кийимлари; таниб олиш учун кўрсатилган нарсалар тавсифи; таниб олиш учун кўчмас объектлар кўрсатилганда эса, шунингдек таниб олувчи кўрсатган йўналишлар ва изланаётган объектга бирор аниқ жойдан бориш йўллари тўғрисидаги маълумот-лар киритилиши лозим.

Таниб олиш учун фотосуратлар кўрсатилган бўлса, баённомага фотожадвал илова қилиниши лозим.

Таниб олувчининг кўрсатувлари, шунингдек унга суриштирув-чи, терговчи, суд, тарафлар ёки бошқа шахслар томонидан берилган саволлар ва қайтарилган жавоблар баённомага ёзиб борилади. (ЖПК, 131-модда).

Таниб олинмаган мурдаларнинг бармоқ излари олинishi шарт, мурдадан текшириш учун бошқа хил намуналар ҳам олинishi мумкин.

Таниб олинмаган мурдани фақат прокурор рухсати билангина кўмилади. (ЖПК, 138-модда).

Мурдани эксгумация қилиш тўғрисида суриштирувчи ёки терговчи баённома тузади, суд эса эксгумация жараёни ва натижа-ларини суд мажлисининг баённомасида қайд этади. Баённомага қабр, тобут ва мурданинг фотосуратлари, кинотасвир ҳамда видеоёзувлари илова қилиниши мумкин. (ЖПК, 151-модда).

Агар эксгумация пайтида фото, кино, овоз ёзиш, видеотасвирни қўллаш ҳаракатлари ёки мурдадан қолиплар ва намуналар олиш ҳара-катлари амалга оширилган бўлса, у ҳолда техник воситаларнинг тў-лиқ номланиши, уларнинг техник параметрлари, ишлатиш қоидалари ва шароитлари, мурдага нисбатан улар қандай жихатдан қўлланил-ганлиги ва олинган натижаларини, олинган қолиплар ва намуналар қандай объектларга ёки нарсаларга ўралганлиги, имзолар билан тасдиқланганлиги баённомада қайд этилиши керак. Баённомага қабр, тобут ва мурданинг фотосуратлари, кино ва видеоёзувлари, шунинг-дек, олинган қолиплар, намуналар илова қилинади.

Баённомада ушбу тергов ҳаракатида иштирок этган шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги ҳам қайд этилади.

Баённома ушбу тергов ҳаракатида иштирок этган холислар, тех-ник ёрдамчилар, суд-тиббиёт мутахассиси, терговчи ва ушбу тергов ҳаракатида иштирок этган бошқа шахслар томонидан имзоланади. Баённоманинг ҳар бир саҳифаси холислар, терговчи ва суд-тиббиёт мутахассиси томонидан имзоланиши керак.

Баённомада жасаддан олинган намуналарнинг тавсифи, улар ни-мага ўралган, муҳрланган ва тасдиқлангани (имзоланган) тўлиқ тав-сифланиши лозим, лекин бу намуналар учун алоҳида баённома тузилиши керак.

Мурда эксгумация қилинганидан сўнг кўздан кечириш, таниб олиш ёки экспертиза текшируви учун намуналар олиш амалга оширилган бўлса, мазкур тергов ҳаракатлари тўғрисида баённома тузилади.

Мурдани эксгумация қилишда суд тиббиёти соҳасидаги мута-хассис шифокор, зарур бўлса, бошқа мутахассислар ҳам қатнаша-дилар. Агар экспертиза тайинланган бўлса, эксгумация ўтказишда суд тиббиёти экспертнинг иштирок этиши шарт.

Зарур ҳолларда, эксгумацияни ўтказишга гумон қилинувчи, айб-ланувчи, судланувчи, шунингдек мурдани таниб олиш мумкин бўл-ган шахслар жалб қилиниши мумкин. (ЖПК, 151-модда).

Эксгумациядан ва бошқа процессуал ҳаракатлардан сўнг мур-дани кўмиш мурдани эксгумация қилиш тўғрисида қарор ёки ажрим чиқарган шахснинг иштирокида амалга оширилади. Мурда кўмилган-лиги тўғрисида баённома тузилади (ЖПК, 152-модда).

Мурдани эксгумация ва бошқа процессуал ҳаракатлардан кейин, яъни кўздан кечириш, таниб олиш ёки эксперт текшируви учун наму-налар олинганидан сўнг, мурда қазиб олинган жойига қайта дафн этилиши керак. Агар эксгумация ҳаракатлари ва мурдани қайта дафн этиш ҳаракатлари айнан бир куннинг ўзида амалга ошириладиган бўлса, бу ҳолда ягона бир баённомада бу ҳаракатларни қайд этиш мақсадга мувофиқ бўлади, агар мурдани эксгумация қилиш ва уни қайта дафн қилиш орасидаги вақт.бир кундан кўпроқ муддатни талаб қилса, бу ҳолда мурдани эксгумация қилиш учун қайта дафн этиш ҳақида алоҳида баённома тузилади.

Эксгумациянинг мақсади амалга оширилганидан кейин тергов-чи, суриштирувчи мурдани дафн этиш тўғрисида буйруқ беради ва техник ёрдамчилар мурдани қабрга қайта дафн этадилар ва ушбу тергов жараёни муттасил видеотасмага ёзиб борилади ёки ушбу воситалар бўлмаса фотосуратга қайд этиб борилади. Қайта дафн этиш жараёнида терговчи, суриштирувчи эксгумация тўғрисида баённома тузади ва уни ушбу тергов ҳаракатида иштирок этган шахсларга овоз чиқариб ўкиб беради ва иштирокчилардан шу тергов ҳаракати ҳамда баённомани тергов ҳаракатига тўғри бўлиши бўйича улар қандай қўшимчалар, эътирозлар, аризалар ёки терговчининг ҳаракатига нис-батан шикоятлари бор ёки йўқлигини сўрайди. Агар тергов ҳарака-тида иштирок этган шахслар бирон бир эътироз, шикоят, ариза ёки қўшимчаларга эга бўлсалар, у ҳолда терговчи бу эътироз, шикоят, ариза ёки қўшимчаларнинг ҳаммасини баённомада қайд этиши лозим. Баённома ушбу ҳаракатда иштирок этган барча шахслар томонидан имзоланиб тасдиқланади.

Шу ўринда савол туғилади мурдани қайта кўмиш ҳаражатлари ким томонидан қопланади? Ушбу масала Россия Федерациясининг ЖПК 178-моддасида ижобий ҳал этилган унга кўра: эксгумация ва мурдани қайта кўмиш ҳаражатлари, қариндошлар томонидан қопла-нади.

ушбу тергов ҳаракатини мурдани эксгумация деб эмас, балки эксгумация деб қонунчиликка тегишли ўзгартириш киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

10-мавзу. Тергов эксперименти

Тергов эксперименти бошқа тергов ҳаракатларига нисбатан кам ўтказилади, чунки экспериментни ўтказиш муайян моддий қийинчи-ликларни келтириб чиқаради, ҳодисани қайта тиклаш учун йўл ҳаракати, одамларнинг маълум жойдан ўтишини таъқиқлаш қабилар-ни бунга мисол қилса бўлади.

Эксперимент - махсус, тергов қилинаётган ҳодисага максимал яқинлаштирилиб ташкил қилинган шароитларда иш учун аҳамиятли бўлган ҳақиқий маълумотларни аниқлаш мақсадида тажрибалар ва синовлар ўтказишдан иборат

[\[17\]](#)

бўлган тергов ҳаракатидир

Эксперимент ўтказиш асослари ва тартиби ЖПКнинг 153-156-моддалари билан тартибга солинган.

Эксперимент гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчиларнинг кўрсатувларини, бошқа далил-ларни текшириш, шунингдек иш юзасидан вужудга келган тахмин-ларни ўрганилаётган ҳодисанинг муайян ҳаракатларини, вазиятини ва ҳолатларини қайта тиклаш ёрдамида керакли тажрибалар ўтказиш мақсадида ўтказилади. Масалан, кўрсатувлари текширилаётган шахс-нинг хонага кириш усули, қандайдир ҳодисаларни ёруғликнинг муай-ян шароитларида, масофадан туриб кузатганлик имконияти, кўриш органларининг ҳолати. Эксперимент ёрдамида сўроқ қилинаётган шахснинг кўрсатувлари тегишли бўлган ҳодисалар,

[\[18\]](#)

ҳаракатлар, суҳ-батларнинг муайян шароитларда эшитилиш даражаси текширилиши мумкин

Тергов эксперименти тергов ҳаракатининг мақсади унинг муҳим хусусиятини белгилайди. У махсус текширув тергов ҳаракати ҳисоб-ланади. Тергов экспериментини ўтказиш учун олдиндан далиллар йи-ғилган бўлиши лозим. Шунинг учун, ҳам мазкур тергов ҳаракатини на кечиктириб бўлмайдиган ва на дастлабки тергов ҳаракатига қирмайди.

Мазкур тергов ҳаракатининг мазмуни эксперимент тарикасида тадқиқот олиб бориладиган, лекин мустақил махсус билим қўллаш билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатларни ўз ичига олади. Бу ўз навбатида экспериментни экспертизадан фарқ қилувчи томони ҳисобланади.

Тергов экспериментини икки гуруҳга бирлаштириш мумкин:

- ҳаракатларни олиб бориш;
- ҳодисаларни қайта тиклаш.

Мақсадига кўра биринчи гуруҳ имкониятларни аниқлашга бўли-нади: а) бирор-бир фактни муайян шароитда қабул қилиш (масалан, гувоҳ шу масофадан эшитиб, кўра олар эдим); б) муайян ҳаракатни содир этиш (масалан, айбланувчи хона туйнугига қира оладими ва у ердан муайян муддат ичида қанча нарса олиб чиқиб бўлади); в) муайян билимга эга бўлиб, ҳаракатни содир этиш (масалан, айбланувчи наркотикни шу жиҳоз билан тайёрлай оладими ва бошқ.).

Ҳодисаларни қайта тиклашга қаратилган иккинчи гуруҳ тергов эксперименти: а) бирор-бир ҳодиса ёки фактнинг келиб чиқиш имко-ниятлари (масалан, шу муддат ичида муайян темир предметда занглаш ҳодисаси юз бериш бермаслиги); б) изларнинг шаклланиш механизми (айбланувчидан олинган қайси асбоблар эшикни бузилган

[\[19\]](#)

жойларидаги изларга тўғри келиши) аниқлаш мақсадида ўткази-лади

Суриштирувчи, терговчи ва суд гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчиларнинг кўрсатув-ларини, бошқа далилларни, шунингдек иш юзасидан қилинган тусмол, текширилаётган ҳодисага оид муайян ҳаракатлар, шароит ва ҳолатларни тиклаш ҳамда зарурий тажрибалар ўтказиш орқали текширишга ҳақлидир.

Эксперимент бирор ҳодисани идрок қилиш, муайян ҳаракат-ларни бажариш, бирор ҳодисанинг содир бўлиш имкониятини текши-риш, шунингдек ҳодисанинг юз бериш ва изларнинг қолиш йўсин-ларини аниқлаш учун ўтказилади. (ЖПК, 153-модда).

Тергов эксперименти тажриба ҳаракатларини ўтказишдан ибор-рат бўлиб, муқаддам бўлиб ўтган вақтда ҳодисаларни, воқеаларни ва жиноят ишига алоқадор бўлган ҳолларни воқелиқда ҳақиқатдан бўлганини ёки бўлмаганлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Ҳар қандай тергов экспериментининг таркибий қисми сифатида муқаддам бўлиб ўтган ҳодисаларни воқелиқда айнан маълум шароитларда бўлиб ўтганлиги текширилади, шунинг учун тажриба ҳаракатларини ўтказишдан аввал ўша ҳодиса, воқеа бўлган шароитларни тиклаб, тергов экспериментини ўтказиш лозим, яъни эксперимент бирор ҳодисани идрок қилиш, эшитиш, муайян ҳаракатларни бажариш, бирор ҳодисанинг содир бўлиш сабабини текшириш, шунингдек ҳодисанинг келиб чиқиши ва изларнинг қолиш сабабларини аниқлаш учун ўтказилади.

Суриштирувчи, терговчи ва суд гувоҳлар, жабрланувчилар, гу-мон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчиларнинг кўрсатувла-рини, бошқа далилларни, шунингдек, иш юзасидан қилинган эҳтимол фикр текширилаётган ҳодисага оид муайян ҳаракатлар, шароит ва ҳолатларни тиклаш ҳамда зарурий тажрибалар ўтказиш орқали текширишга ҳақлидир. Тергов эксперименти уларга айбланувчилар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар, гувоҳларнинг кўрсатувларида берган маълумотларни текширишга, воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш, таниб олиш учун кўрсатиш ва бошқа тергов ҳара-катларини ўтказиш натижасида олинган ахборотни текширишга имкон беради.

Тергов эксперименти терговчида мавжуд бўлган турли тусмол-ларни ва эҳтимолга мос бўлган фикрларни текшириш учун ҳам ўтказилиши мумкин.

Эксперимент жиноят иши бўйича мавжуд бўлган маълумотлар ва эҳтимолга қарши бўлмаган фикрларни текширишга қаратилган бўлиб, ушбу маълумотлар ва фикрлар маълум шароитларда воқе-ликда бўлганлигига ишонч ҳосил қилишга қаратилган. Жумладан, эксперимент жараёнида одам маълум масофани маълум вақт ичида югуриб ёки транспорт воситаларида босиб ўтиши текширилиши мумкин. Бундан ташқари ушбу процессуал ҳаракат ўтган воқеалар-нинг механизмини ёки изларнинг вужудга келиш механизмини тек-шириш мақсадида ҳам ўтказилади. Масалан, тинтув пайтида аниқлан-ган қалитлар билан айбланувчи тегишли қулфни очиш имкониятига эга бўлганми ёки унда топилган бошқа воситалар орқали қулфни оч-ганми. Тажриба орқали бирор бир ҳодисанинг бор ёки йўқлиги

тас-дикланиши мумкин.

Мазкур тергов ҳаракати қайта ёки бир неча маротаба ўткази-лиши мумкин. Шунга асосан ҳар гал эксперимент ва унинг натижа-лари қандай бўлганлиги ҳақида баённома тузилади. Экспериментнинг ижобий ва салбий натижалари ҳам далилий аҳамиятга эга.

Эксперимент ўтказиш тўғрисидаги илтимосномалар айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи, ҳимоячи ва жиноят процессининг бошқа иштирокчилари томонидан ҳам берилиши мумкин. Тергов эксперименти ўтказиш тўғрисидага қарорни терговчи, суриштирувчи чиқаради, суд эса ажрим чиқаришга ҳақли. (ЖПК, 153-модда).

Эксперимент ўтказиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Эксперимент натижасида фуқаролар, корхо-налар, муассасалар ва ташкилотларга мулкӣ зарар етказилиши, иш-лаб чиқариш тартиботининг, транспорт воситалари ҳаракати жадва-лининг бузилиши ва бошқа нохуш оқибатларнинг келиб чиқиши эҳтимол бўлса, суриштирувчининг, терговчининг бундай экспери-мент ўтказиш тўғрисидаги қарорига прокурор санкция бериши лозим.

Эксперимент жамоат тартиби ёки ахлоқ нормаларининг бузилишига олиб келадиган бўлса, уни ўтказишга йўл қўйилмайди.

Эксперт томонидан ўтказиладиган эксперимент суд экспертиза-сининг таркибий қисми ҳисобланади. (ЖПК, 154-модда).

Агар ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида фуқаролар мулкига, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга зарар еткази-лиши ёки транспорт воситалари ҳаракат жадвалининг бузилиши ёки бошқа оқибатларнинг келиб чиқиши эҳтимоли бўлса, терговчининг, суриштирувчининг бундай эксперимент ўтказиш тўғрисидаги қарори прокурор томонидан санкцияланиши лозим, акс ҳолда бундай тергов ҳаракатини ўтказиш ман этилади.

Худди шундай жамоат тартибини ёки ахлоқий қоидаларни бу-зиш билан боғлиқ ҳаракатда ҳам эксперимент ўтказиш тавсия қилин-майди, бундай ҳолларда ушбу тергов экспериментини ўтказган шахс-лар тегишли жавобгарликка тортиладилар.

Эксперт томонидан ташкиллаштирилиб ўтказиладиган экспери-ментлар эксперимент мақомига эга бўлмасдан, суд экспертизанинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

Экспериментни ўтказиш қарорида эксперимент жараёнида ким-лар иштирок этиши аниқ қайд этилиши керак. Бу тергов ҳаракатида ҳолислар зарурий равишда иштирок этадилар, агар эксперимент жа-раёнида кўрсатувлари текшириладиган шахс тегишли давлат тилини билмаса, у ҳолда у билан бирга таржимон иштирок этиши лозим. Агар тергов эксперименти пайтида гувоҳ ёки жабрланувчининг ёши 14 дан ошмаган бўлса, бу ҳолларда ўқитувчи таклиф қилинади. (ЖПК, 154-модда).

Суриштирувчи ёки терговчи экспериментни ҳолислар, суд эса тарафлар иштирокида ўтказиши мумкин.

Эксперимент ўтказишга мутахассис ва эксперт, шунингдек таж-риба ҳаракатларини олиб боровчи шахслар жалб қилиниши мумкин. Мураккаб экспериментлар камида икки нафар ҳолис ва бир неча мутахассис иштирокида ўтказилиши мумкин. Эксперимент ўтказиш-га, шунингдек кўрсатувлари текширилиши лозим бўлган шахслар ҳам жалб қилиниши лозим. Бунда гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатув беришдан бўйин товлаганлик ва била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиши лозим. Эксперимент иштирокчиларига унинг мақсади ва ўтказилиш тартиби тушунтири-лади.

Тажриба ҳаракатларини ўтказишдан олдин ўрганиладиган ҳоли-са шароитлари текшириладиган кўрсатув ёки тусмолларга тўла муво-фик ҳолда тикланган бўлиши лозим. Бунинг учун гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг ҳар бирига ало-ҳида-алоҳида ўзи қатнашган ёки шохид бўлган ҳодисанинг шароит ва ҳолатларини тиклаш таклиф қилиниши мумкин. Шундан кейин су-риштирувчи, терговчи ёки суд тегишли тажриба ҳаракатларини ўтқа-зади, шу мақсадда ўлчаш, фотосуратга тушириш, кинотасвирга олиш, овоз ёзиш, видеоёзув, режа, схема ва чизмалар тузиш, экспериментал қолиплар ва изларнинг нусхаларини тайёрлаш мумкин.

Эксперимент ўтказиш шароити тикланаётган ҳаракат ёки ҳоли-салар юз берган шароитга иложи борича ўхшаш бўлиши лозим. Таж-рибалар имкон борича бир неча марта ўтказилади. Тажрибаларнинг шароитлари ўзгартирилиши мумкин.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, мутахассис ва экспертга эксперимент юзасидан савол берилиши мум-кин. Суднинг ижозати билан экспериментда иштирок этаётган шахс-ларга тарафлар ҳам савол бериши мумкин. Тарафлар ва экспери-ментда иштирок этаётган бошқа шахслар суриштирувчининг, тергов-чининг ва суднинг эътиборини, уларнинг фикрича иш ҳолатини аниқ-лашга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолатларга қаратишга, эксперимент шароитига аниқлик киритишни ва тажриба ҳаракатла-рини такрорлашни талаб қилишга ҳақлидир. Кўрсатуви текшириладиган шахс эксперимент муносабати билан ўзининг қўшимча сўроқ қилинишини талаб қилиши мумкин. (ЖПК 155-модда).

Эксперимент ўтказишдан аввал қуйидаги тайёргарлик ҳаракат-ларини амалга ошириш керак: а) эксперимент жойи, вақти, уни ўтказиш шароитлари, шу жумладан текшириладиган жойдаги об-хаво шароитлари ўрганилади; б) эксперимент иштирокчиларининг таркиби белгиланади; в) эксперимент ўтказиш учун тегишли бўлган пред-метлар олинади (йўқ бўлган предметларнинг моделларини ишлаб чи-қиш ва бу предметлар ўз хусусиятлари бўйича эксперимент ўтказиш жойида йўқолган предметларнинг хусусиятлари билан бир бўлиш лозим, масалан, манекенлар, муляжлар ва ҳоказолар); г) қандай факт-лар текширишга яроқлиги белгиланади; д) эксперимент режаси тузи-лади ва ушбу тергов ҳаракатида қатнашувчи шахсларнинг вазифа-ларини, эксперимент ўтказиш учун зарур бўлган пред-метлар, мате-риаллар ва бошқа воситаларнинг тайёрлиги тажриба ҳаракатларининг кетма-кетлигини, эксперимент ўтказиш жойида воқеада бўлган шароитларни тўла (имкони борича) тиклаш йўллари, керак бўладиган фан-техника воситалари, тўсиқлар қўйиш бўйича чораларни кўриш; е) эксперимент ўтказиш жойини қўриқлаш чоралари (бу тўғрида суриштирув органига мурожаат қилинади); ж) тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбари ёки мулк эгаси эксперимент ўтказиш тўғрисида огоҳлантирилади; з) зарур бўлса, эксперимент ўтказиладиган жой билан даставвал танишиб чиқиш керак; и) экспериментда қатнашувчи шахсга ахборот сифатида эксперимент тўғрисидаги маълумот ҳажми белгиланади; к) эксперимент ўтказиш учун тегишли транспорт воситалари тайёр ҳолатга келтирилади.

Одатда эксперимент ўтказиш шароитлари ҳодиса содир бўлган шароитларга мутлақо мос бўлган тақдирда уни

Ўтказиш тавсия этилади.

Агар тажриба ҳаракатларини ижро этувчи одам уни бажармаса, унинг ўрнига бу кучга эга бўлган бошқа шахс мазкур тажриба ҳара-катларини ўтказишга таклиф қилинади (масалан, бирор тўсиқдан ошиб ўтиш ҳаракатларида – ўша шахсга ўхшаш, яъни бўйи тўлиқлиги мос бўлган бошқа шахс унинг ўрнига иштирок этиши, бирон нарсани кўриш ёки эшитиш ҳаракатларини текширишда ўша шахсга кўриш ва эшитиш қобилияти жиҳатидан мос келувчи шахс танлаб олиниб жалб қилиниши керак).

Эксперимент пайтида тегишли кўрсатувлар ёки тусмоллар ҳар томонлама текширилиши лозим. Бунинг учун гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, жабрланувчига, гувоҳларга ҳар бирига алоҳида-алоҳида ўзи қатнашган ёки шохид бўлган ҳодисани тиклаш тавсия қилинади. Шундан кейин суриштирувчи, терговчи ёки суд тегишли тажриба ҳаракатларини ўтказди. Ушбу тажриба ҳаракат-лари мураккаб бўлса, бир неча босқичга бўлиб ижро этилиши мумкин. Шу мақсадда ўлчаш, фотосуратга, кинога, видеога олиш, овоз ёзиш, режа, тасвир ва чизмалар тузиш, экспериментал қолиплар ва изларнинг нусхаларини тайёрлаш мумкин.

Эксперт ва мутахассис, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланув-чи, жабрланувчи, гувоҳларга эксперимент юзасидан савол беришга ҳақли ва бу саволлар эксперимент шароитларига, унинг натижа-ларига, экспериментни амалга оширишда керак бўлган жиҳозларга ва бошқа муҳим ҳолатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Терговчи, суриштирувчи ва суднинг ижозати билан экспери-ментда иштирок этувчи шахслар ҳам савол бериш ҳуқуқига эга. Ушбу шахслар терговчи, суриштирувчи ва суднинг эътиборини иш ҳола-тини аниқлашга кўмаклашадиган барча ҳолатларга қаратишга, экспе-римент шароитига аниқлик киритишга ҳақлидирлар. Бу борада улар-нинг барча фикрлари баённомада қайд этилиши керак ва бу шахслар экспериментда ўтказиладиган тажриба ҳаракатларини яна такрорлаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Эксперимент жараёнида кўрсатувлари текширилаётган шахс ўзининг қўшимча сўроқ қилинишини талаб қилиши мумкин, шунинг учун терговчи эксперимент ўтказишдан аввал экспериментга доир барча саволлар бўйича ушбу шахсни муфассал сўроқ қилиш лозим.

Барча тажриба ҳаракатлари бажарилганидан кейин ҳар бир ҳаракатнинг жараёни ва унинг натижалари батафсил баённомада қайд этилиши даркор.

Эксперимент жараёнида амалга оширилган натижалар воқе-ликка нисбатан баҳоланиши керак ва агар улар бир-бирига , зид бўл-са, яъни маълум ҳаракатнинг натижаси бошқа ҳаракатнинг натижаси-га мос келмаса, у ҳолда эксперимент натижалари воқеликда бўлиш-бўлмалиги тўғрисидаги саволга аниқ жавоб бермаслиги аён бўлади, эксперимент жараёнида салбий натижа олинган бўлса, у ҳолда бундай ҳолат воқеликда бўлмаганлиги ўз тасдиғини топади (бу ҳолат эксперимент натижалари билан тасдиқланади). Агар эксперимент жараёнида излар айнан воқеликда бўлиб ўтган ҳодиса шароитларига мос келиши ва айнан шундай из юзага келганлиги тўғрисида далолат берса, у ҳолда бу натижалар воқеликка тўғри деб тан олинishi керак.

Эксперимент жараёнида олинган ижобий натижалар бўлиб ўтган воқеанинг ҳаракатларига нисбатан мос бўлганлиги ушбу ҳаракат-ларни (текширилаётган ҳаракатларни) воқеликда бўлишини қайд этади, лекин бу воқеликда бўлиш ҳолати эҳтимоллик даражасига эга бўлади (яъни бу ҳаракатлар воқеликда бўлиши мумкин бўлган, лекин ҳақиқатдан ҳам бўлганми ёки йўқми бу жавоб аниқ равшан бўл-майди).

Эксперимент жараёни ва унинг натижалари баённомада батаф-сил акс этиши керак. (ЖПК, 155-модда).

Суриштирувчи, терговчи эксперимент жараёни ҳақида баённома тузади, суд эса экспериментнинг бориши ва натижаларини суд маж-лиси баённомасида акс эттиради.

Бундан ташқари, баённомада:

эксперимент қандай мақсадда, қачон, қаерда ва қандай шароитда ўтказилганлиги;
ходисанинг шароитини ва ҳолатини тиклаш айнан нималарда ўз аксини топганлиги;
қандай тажриба ҳаракатлари қай тартибда, ким томонидан ва неча марта ўтказилганлиги;
қандай натижалар олинганлиги кўрсатилган бўлиши лозим. (ЖПК, 156-модда).

Эксперимент баённомаси кириш, тавсиф, яқунловчи қисмлардан иборат бўлади.

Баённоманинг яқунловчи қисми қуйидагилардан иборат бўлиши шарт: а) экспериментда иштирок этган шахсларнинг келтирилган аризалари, шикоятлари ва эътирозлари; б) эксперимент жараёнида қандай режалар, схемалар, чизмалар, буюмлар, объектлар ишлаб чи-қилганлиги (уларнинг тўлиқ шакли, ранги, катталиги, эни, қалинлиги ва бошқа моддий параметрлари кўрсатилиши) ва уларни баённомага илова қилинганлиги қайд этилиши лозим; в) баённома барча ишти-рокчилар томонидан танишиб чиқилгани тўғрисидаги маълумотлар ва бу маълумотлар улар томонидан тасдиқланиши лозим; барча қатнашчилар баённоманинг ҳар бир саҳифасига имзо чекишлари керак. Эксперимент пайтида қўшимча воситалар (фото, кино, видео-тасвирлар ва хоказолар) ишлатилганлиги ҳам қайд этилиши ва тасдиқланиши керак.

Агар баённома юқоридаги талабларга риоя қилинмасдан қайд этилган бўлса, у ҳолда бу ҳужжат юридик кучга эга бўлмайди, эксперимент жараёни ва натижалари процессуал талабларга зид ҳолда қайд этилган деб топилади. (ЖПК, 155-модда).

11-мавзу. Олиб қўйиш ва тинтув

Олиб қўйиш ва тинтув алоҳида мустақил тергов ҳаракатлари ҳисоблансада, аксарият ҳолларда жиноят-
[20]
процессуал қонунчилик да ва юридик адабиётларда улар тўғрисида битта моддада тўхталиб ўтилган шулар қаторида бизнинг жиноят-процессуал қонунчиликда ҳам ушбу икки тергов ҳаракати 159-161-моддаларида биргаликда берилган.

Олиб қўйиш бу жиноят иши учун аҳамиятли бўлган муайян предмет ва ҳужжатнинг аниқ кимда ва қаердалиги маълум бўлса уни процессуал мажбурий олиш тушунилади.

Олиб қўйиш - мустақил тергов ҳаракати бўлиб, иш учун аҳа-миятли ашё ва ҳужжатларнинг айнан кимда ва қаерда эканлиги маълум ҳолатидагина суриштирувчи, терговчи, судья ва суд томо-нидан ўтказилиши мумкин.

Олиб қўйиш иш учун аҳамиятли бўлган ашё ва ҳужжатларнинг аниқ сақланиш жойи ва ушбу ашё ва ҳужжатлар айнан қайси шахс-никида сақлаётганлиги аниқлангандан кейин, жиноят иш қўзғатил-ганидан сўнг ўтказилади.

Одатда олиб қўйиш ихтиёрий равишда ўтказилади, лекин агар зарур бўлиб қолса, бу тергов ҳаракати мажбурий равишда ҳам ўтқа-зилиши мумкин.

Бу тергов ҳаракати қўшимча, муассасалар ва ташкилотларда ашё ва ҳужжатларни олиб қўйишда ўтказилади. Олиб қўйиладиган ҳуж-жатни олишдан аввал айнан шу ҳужжат билан бўлган бошқа ҳуж-жатлар ҳам қўздан кечирilib, олиб қўйилиши мумкин.

Олиб қўйиш жисмоний ёки юридик шахсдан жиноят иши учун аҳамиятли бўлган муайян нарса ва ҳужжатларни олиб қўйишга зару-рат пайдо бўлган ҳолларда, башарти уларнинг айнан кимда ва қаерда эканлиги маълум бўлиб, уларни қидиришнинг ҳожати бўлмаса, ўтқа-зилади (ЖПК, 157-модда).

Қўрсатилган нарса ва ҳужжатлар ихтиёрий равишда берилиши ёки мажбуран олиб қўйилиши мумкин. Бирок олиб қўйиш учун олиб қўйилиши лозим бўлган объектлар сақланадиган турар жой хонала-рини ва турар жой бўлмаган хоналарни мажбуран текшириш талаб этилса, олиб қўйиш ўтказилмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда тинтув ўтказилади.

Олиб қўйишни амалга ошириш учун фактик асослар қуйида-гилар:

муайян шахснинг эғалигида (шу муассаса, бошқа жойда, унинг ўзида ёки ёнида) бўлган жиноят иши учун аҳамиятли муайян нарса ёки ҳужжатни топиш;

муайян предмет ёки ҳужжатнинг йўқотилиши ёки яшириш хавфи борлиги;

[21]

уларни дастлабки тергов органлари томонидан қидириш зарура-тининг йўқлигидир .

Суриштирувчи ва терговчи бирор турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносида ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун аҳа-миятли бўлган нарса ёки ҳужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда тинтув ўтказишга ҳақлидир.

Тинтув қидириладиган шахсни, шунингдек мурдани топиш учун ҳам ўтказилиши мумкин. (ЖПК, 158-модда).

Жиноят иши бўйича аҳамиятга эга бўлган жиноят қуроли, жино-ий йўл билан топилган предметлар ва ҳужжатлар, қимматбаҳо нарса-лар бирон шахсда ёки бирон жойда сақланиши маълум бўлса ёки бу тўғрида бирон гумон пайдо бўлса;

1) тинтув ҳаракатини ўтказиш учун асос бўла олади.

2) тинтув асосан иш бўйича далилий аҳамиятга эга бўлган предметларни, ҳужжатларни аниқлаш (топиш) ва олиш; қидирувда бўлган шахсларни топиб, уларни ушлаб олиш ёки шу шахсларнинг қаерда яшириниб юришини қўрсатувчи материалларни аниқлаб топиш ва олиш; аҳамиятли бўлган моддий маблағларни (пуллар, қимматбаҳо нарсалар, акциялар, қимматбаҳо металллар ва тошларни) аниқлаб, топиш ва олиш; келажакда мусодарани таъминловчи ёки жиноятдан қўрилган зарарни қопловчи мулкни топиш ва уни ҳатлаб қўйиш мақсадида ўтказилади.

Тинтув ўтказиш учун қидириладиган объектнинг аниқ сақла-наётган жойини билиш талаб қилинмайди ва бу ҳолат уни олиб қўйишдан ажратади.

Тинтув ўтказишдан аввал, у ҳақда қарор қабул қилишдан, аввал, иш бўйича йиғилган фактик маълумотлар баҳоланиши ва таҳлил этилиши лозим.

Тинтув мурдани қидиришда ҳам ўтказилиши мумкин.

Тинтув ўтказиш учун суриштирувчи, терговчи тинтув тўғрисида қарор чиқаради ва бу қарорга прокурор ўз рухсатини қайд этади, ёки прокурорнинг муовини унинг ўрнига рухсат бериши мумкин.

Тинтув кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати бўлиб, жиноят иши қўзғатилганидан сўнг тегишли тергов ҳолати тақозо этадиган бўлса, воқеанинг ҳар қандай жараёнида ўтказилиши мумкин.

Олиб қўйиш ёки тинтув суриштирувчи ёки терговчининг қарори ёхуд суднинг ажримига кўра ўтказилади, бунда улар олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишни суриштирув органига ёки терговчига топширишга ҳақлидирлар.

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш тўғрисидаги қарорда ёки аж-римда бу ҳаракатлар қаерда ва кимникида ўтказилиши зарурлиги, қайси нарса ёки ҳужжатларнинг қидириб топилиши ва олиб қўйи-лиши лозимлиги қўрсатилган бўлиши керак. (ЖПК, 159-модда).

Тинтув ўтказиш тўғрисидаги қарорда ушбу ҳужжат билан танишганлиги ҳақида тинтув қилинадиган шахс ўз имзоси, танишган санаси ва фамилияси, исми, отасининг исмини қайд этиши керак.

Тинтув ўтказиш тўғрисидаги суд ажрими ҳам юқорида қайд этилган реқвизитлардан иборат бўлади ва ажримда тинтув ўткази-лиши кимга топширилганлиги қайд этилиши лозим. Суд чиқарган ажрим бўйича прокурорнинг розилиги талаб қилинмайди, яъни тин-тув ўтказиш тўғрисидаги суд чиқарган ажрим тўла ҳуқуқий аҳамиятга эга, терговчи билан суриштирувчи чиқарган тинтув тўғрисидаги қарор эса прокурорнинг рухсати бўлишини тақозо этади, аммо кечиктириб бўлмас вазиятларда прокурорнинг рухсатисиз чиқарилган қарор бўйича тинтув ўтказиш мумкин, аммо бу тинтув тўғрисида прокурор 24 соат ичида хабардор қилиниши керак.

Тинтув тўғрисидаги қарор ёки ажримда қандай предмет ёки ҳужжатлар қидириладиганлиги ва олиб қўйилиши лозимлиги қўрса-тилган бўлиши керак (ЖПК, 159-модда).

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишда ҳолислар, зарурат бўлган тақдирда мутахассис ва таржимон ҳам иштирок

этадилар.

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш жараёнида бу ҳаракатлар уйда ўтказилаётган шахснинг ўзи ёки ҳеч бўлмаганда унинг воёга етган оила аъзоларидан бирининг иштирок этиши таъминланиши лозим. Башарти уларнинг иштирок этишини таъминлашга имкон бўлмаса, тегишли ҳокимлик ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг вакили таклиф қилинади.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмлар жой-лашган биноларда олиб қўйиш ёки тинтув уларнинг вакиллари иштирокида ўтказилади.

Тинтув қилинаётганларга, холисларга, мутахассисларга, корхо-налар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмларнинг вакилларига тинтув ёки олиб қўйиш ўтказилишидан аввал уларнинг суришти-рувчи ёки терговчининг барча ҳаракатлари чоғида ҳозир бўлиш ҳамда ана шу ҳаракатлар хусусида арз қилиш ҳуқуқлари тушунтирилиши керак. Бундай арз баённомага киритилиши шарт (ЖПК, 160-модда).

Тинтув ва олиб қўйишнинг асосий иштирокчилари суриштирув-чи ва терговчи ҳисобланади. Бу ҳаракатларни зарур ҳолларда ўз ваколатлари доирасида тергов бўлими бошлиғи (ЖПК, 37-модда, 2-қисм) ҳамда прокурор (ЖПК, 382-модда, 3-қисм) ўтказиши мумкин.

Бу ҳаракатларни ўтказишда терговчига жиноят қидирув бўлими ходими, участка нозири ва суриштирувчилар, зарур бўлганда эксперт ва мутахассислар ёрдам берадилар, топилган объектларнинг йўқол-маслигини таъминлайдилар, уларнинг қайтадан яшириб қўйилиши ва йўқолиб қолишининг олдини оладилар.

Ташкилий ва техник ёрдам кўрсатишлари учун жамоат ёки дав-лат ташкилоти вакиллари жалб қилинишлари мумкин.

Ташкилотлардан ишга тааллуқли ҳужжатлар олинаётганда шу ҳужжатлар учун жавобгар шахс, моддий қимматбаҳо нарсалар оли-наётганда эса моддий жавобгар шахснинг иштирок этиши шарт.

Холисларнинг иштироки ҳақида 73-модданинг шарҳига қаранг.

Баъзи ҳолларда холис сифатида иштирок этган шахслар шу ҳаракатлар бўйича гувоҳ сифатида кўрсатув беришларига тўғри келади. Шунинг учун бу ҳаракатлар ўтказилаётганда холис сифатида руҳан ва жисмонан соғлом шахслар таклиф қилиниши лозим.

Тинтув ва олиб қўйиш вақтида, тинтув ва олиб қўйиш ўткази-лаётган хонадоннинг эгаси бўлиши шарт, акс ҳолда бу ҳаракат-ларнинг натижалари далил бўлиб ҳисобланмайди. (ЖПК, 160-модда).

Тинтув суриштирувчи ёки терговчининг асослангандан қаро-рига биноан, прокурорнинг санкцияси билан ўтказилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тинтув прокурорнинг санкциясиз ўтказили-ши мумкин, лекин бундай ҳолда кейинчалик шу ўтказилган тинтув ҳақида йигирма тўрт соат ичида прокурорга хабар қилинади. Кечик-тириб бўлмайдиган ҳолатлар суриштирувчи ёки терговчининг проку-рорга юборган хабарномасида асослангандилиги лозим. Хабарно-манинг нусхаси ишга қўшиб қўйилади.

Суриштирувчи ёки терговчи олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш ҳақидаги қарорга ёки ажримга асосан иш учун аҳамиятли бўлган нарса ва ҳужжатларни қидириб топиш мақсадида турар жойга ёки бошқа бинога киришга ҳақлидир.

Суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишга киришишдан олдин олиб қўйиш ёки тинтув ўтказилаётган шахсни қарор ёки ажрим билан таништириб имзо қўйдириши шарт.

Суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш ёки тинтув ўтказилаётган бинода ёки ўзга жойда турган шахсларнинг олиб қўйиш ёки тинтув тамом бўлгунга қадар шу бино ёки жойдан чиқиб кетишини, шунингдек уларнинг бир-бирлари билан ёки бошқа шахслар билан гаплашишини тақиқлаб қўйишга ҳақлидир.

Суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш чоғида қарор ёки ажрим билан таништирганидан сўнг олинмиши лозим бўлган нарса ва ҳуж-жатларни ихтиёрий равишда беришни таклиф қилади, таклиф рад этилган тақдирда мажбурий равишда олади. Башарти бу нарса ва ҳужжатлар олиб қўйишни амалга ошириш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда кўрсатилган жойдан топилмаса, у ҳолда тинтув ўтказилади.

Суриштирувчи, терговчи тинтув ўтказишга киришайганида қарор ёки ажрим тақдим этганидан сўнг, олиб қўйилиши керак бўлган нарса ва ҳужжатларни беришни таклиф қилади. Башарти улар ихтиёрий равишда берилса, олиб қўйиш баённомаси тузилади. Агар қидирилаётган нарса ёки ҳужжатлар берилмаса ёхуд тўлиқ ҳолда топширилмаган бўлса, тинтув ўтказилади. Тинтув чоғида бу хусус-даги қарорда ёки ажримда кўрсатилган нарса ёки ҳужжатлар қиди-рилади ва олинади. Иш учун аҳамиятга молик бошқа нарса ёки ҳужжатлар, шунингдек сақланиши тақиқланган ашёлар топилган тақ-дирда, улар ҳам олиб қўйилиши лозим. Суриштирувчини, терговчини бу нарса ёки ҳужжатларни олиб қўйишга ундаган асослар тинтув ўтказилганлиги ҳақидаги баённомада акс эттирилади.

Олинаётган нарса ва ҳужжатларнинг ҳаммаси холисларга, олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишда иштирок этган бошқа шахсларга кўрсатилса, баённомада тўлиқ акс эттирилади, зарурат бўлган тақдирда ўралиб, муҳрланади. Ўралган ва муҳрланган нарса ва ҳужжатларни кейинги тергов давомида очишга фақат холислар иштирокида йўл қўйилади.

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш вақтида ёпиқ биноларни ёки буюмлар сақланадиган жойни унинг эгаси ўз ихтиёри билан очиб беришдан бош тортса, суриштирувчининг, терговчининг ўзи уларни очишга ҳақлидир. Бунда зарурат бўлмаганда кулфлар, эшиклар ва бошқа нарсаларнинг шикастлангандилиги йўл қўйилмаслиги ҳамда уйдаги саранжомлик бузилмаслиги лозим (ЖПК, 161-модда).

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишдан аввал дастлабки тайёр-гарлик ҳаракатларни олиб бориш лозим. Бу ҳаракатлар қаторига ушбу тергов ҳаракатлари хавфсиз ва натижалли бўлиши учун тегишли режали чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши керак бу тергов ҳаракатида иштирок этувчи ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқлашти-рилиши ва асосий мақсад барча учун тўғри ўзлаштирилган бўлишини талаб қилади. Тегишли техник-криминалистик воситалар ҳам тайёр ҳолатга келтирилиб қўйилиши зарур.

Агар тинтув тўғрисида огоҳлангандан шахс қарор билан танишиб чиққандан сўнг қарорда қайд этилган предмет ва ашёларни тақдим этиб, ихтиёрий равишда уларни терговчига бериш хоҳишини изҳор қилса, тинтув олиб қўйишга айланади ва терговчи шу вазиятда тинтув қилиш баённомаси ўрнига олиб қўйиш баённомасини тузиши керак.

Тинтув ёки олиб қўйишнинг ижобий ўтиши тинтув ёки олиб қўйиш ўтказиладиган шахслар тўғрисидаги

тегишли маълумотларни тўлиқ йиғилишига асосан боғлиқдир (бу шахсларнинг ёши, оилавий ҳолати, қандай касб билан шуғулланиши, айбланувчи ёки гумон қилинувчи билан бўлган муносабати, у билан бирга истикомат қилувчи шахслар тўғрисида маълумот, уларнинг муносабатлари, ишда ва оилада бўлган хатти-ҳаракатлари ва қандай қўниқма ва маҳоратларга эгаллиги тўғрисидаги маълумотлар, нимага мойиллик кўрсатиши тўғрисидаги ахборотлар, қурол ва транспортга эга бўлиши тўғрисидаги маълумотлар ва ҳоказолар).

Тинтув ўтказишдан аввал тинтув ўтказиладиган бино ва хонадон тўғрисидаги мукамал ахборотларни тўплаш зарур.

Агар терговчи тинтув қилинаётган шахсдан унинг ихтиёрига асосан тегишли объектлар олган бўлса-да, аммо бу шахсда иш бўйича яна бошқа муҳим предметлар мавжудлигига шубҳа қилса, у ҳолда олиб қўйиш эмас, балки тинтув ўтказилади.

Тинтув қилинаётган шахснинг оила аъзоси ҳам кўпинча уйда мавжуд бўлган барча ашё, предмет ва ҳужжатлар тўғрисида тўлиқ хабардор бўлмалиги мумкин.

Агар тинтув қилинадиган шахс бирон хонани ёки объектни очишга тўсқинлик қилса ва калитини бермас-ю, синдириб кириш зарурияти туғилса, терговчи қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириши зарур: а) ЖПКнинг 161-моддасининг 8-банди тинтув қилинаётган шахсга тушунтирилиши, унинг ғайриқонуний ҳаракатларини таъриф-лаб, унга шу банд тўла ўқиб берилиши ва калитни беришни талаб қилиш керак, бу эса баённомада қайд этилиши лозим; б) ушбу хона-ларни очишда тегишли мутахассисларни таклиф қилиб, эшикларни синдирмай очиш ҳаракатлари амалга оширилади, агар бу ҳаракатлар натижа бермас, у ҳолда, эшикларга имкон қадар кам зарар етказилиб очилиши лозим.

Агар тинтув қилинадиган шахс қўшнилари билан биргаликда ҳовлининг маълум жойидан фойдаланиб келган бўлса, у ҳолда ушбу фуқаронинг турар жойи, ҳовлисидаги умумий фойдаланадиган жой-лари ҳам тинтувдан ўтказилиши лозим. Бундай ҳаракатлар бу фуқаро билан бирга яшайдиган шахсларга унга ғайриқонуний ёрдам бериш ҳолларини баргараф этишга имкон яратади.

Тинтув ўтказишдан аввал тинтувда иштирок этувчи барча шахс-ларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади ва бу баённомада уларнинг имзолари билан тасдиқланади.

Тинтув ҳаракатлари ўтказилгандан сўнг ёки тинтув ўтказиш жараёнида терговчи, суриштирувчи тегишли баённомани тузади ва у тинтув ёки олиб қўйишни ўтказиш баённомасига қўйилган барча талабларга риоя қилиши керак (ЖПК, 161-модда).

ЖПКнинг 157 ва 158-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда суриштирувчи ёки терговчи шахснинг ки-йимлари, унинг ёнидаги буюмлари ичидан ёки баданидан топилган, иш учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиши мумкин.

Шахсий тинтув ва олиб қўйиш ЖПКнинг 157-161-моддаларида кўрсатилган қоидалар асосида ўтказилади. Аммо шахсий тинтув ва олиб қўйиш қўйидаги ҳолларда алоҳида қарор ёки ажрим чиқарил-масдан ўтказилиши мумкин:

1) жамоат тартибини сақлашга доир бурчини бажараётган мили-ция ходими томонидан гумон қилинувчини ушлаш чоғида ушланув-чининг ёнида қурол борлигига ёхуд жиноят содир этганлигини фош қиладиган далиллардан қутилмоқчи эканлигига етарли асослар бўлганда (ЖПК, 224-модд);

2) гумон қилинувчи милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниб, уни ушлаш ҳақида ЖПКнинг 225-моддасига асосан баённома тузилганда;

3) айбланувчига нисбатан қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилаётганида, башарти унинг ёнида қурол, шунингдек сақланиши ман этилган буюмлар ёхуд иш учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатлар бўлиши мумкин деб ўйлашга етарли асослар бўлганда;

4) олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиладиган бинода ёки бошқа жойда турган шахс олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш ҳақидаги қарорга ёки ажримга кўра олинishi зарур бўлган нарса ёки ҳужжатларни ўз ёнида яширинча сақламоқда деб ўйлаш учун етарли асослар бўлганда.

Шахсий тинтув ҳамда нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиш тинти-лаётган шахс билан бир жинсдаги суриштирувчи ёки терговчи томо-нидан мутахассис ҳамда холислар иштирокида ўтказилиши мумкин (ЖПК, 162-модда).

Шахсий тинтув ва олиб қўйиш шахснинг ўзини, яъни устки ва ички кийимларини, баъзи ҳолларда зарур бўлса, баданини тинтув қилиш ҳамда ман этилган нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиш ҳара-катларидан иборат.

Шахсий тинтув ва олиб қўйиш 157-161-моддаларда назарда тутилган қоидаларга асосан ўтказилиши керак, аммо 162-модданинг 2-қисмида кўрсатилган вазиятларда махсус қарор (махсус ажрим) чиқармасдан ҳам шахсий тинтув ва олиб қўйиш ўтказиш мумкин.

Шахсий тинтув дастлабки ва қайта тинтув тарзида бўлиши мумкин. Дастлабки шахсий тинтув хавфсизлик чораларини амалга ошириш учун ўтказилади ва шахсдан ўқотар, совуқ қурол ёки бошқа ўткир ва қиррали предметларни, гиёванд моддаларни, ишга тааллуқли ҳужжатлар, шахсий гувоҳномалар ва бошқа предметларни олиб қў-йиш мақсадида ўтказилади. Қимматбаҳо нарсаларни аниқлаш учун ҳам шу мақсадда шахсий тинтув ўтказилади. Шахсни тегишли жойга сўроқ қилиш учун олиб келганда ҳам уни қайтадан шахсий тинтув қилиш мумкин ва бу ҳаракат мукамал бўлиши лозим.

Тинтув қилинган шахснинг ўзида бўлган ҳужжатлари ва нарса-лари ҳам кўздан кечирилиши шарт (масалан: сумкаси, чемодани ва ҳоказолар).

Шахсий тинтув ўтказиш вақтида тинтиладиган шахснинг ўзини тутишига ва ҳаракатларига эътибор бермоқ зарур, акс ҳолда у ўзида бўлган жиноятга алоқадор ёки ғайриқонуний нарса ва ҳужжатларни ташлаб юбориши мумкин.

Шахсий тинтув ва олиб қўйиш ўтказиладиган вақтда шу ҳаракат ўтказиладиган шахснинг хавфсизлиги ва соғлиғига зарар етмаслиги учун тегишли чоралар қўриш зарур (ЖПК, 162-модда).

Суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш ёки тинтув ўтказилгани тўғрисида ЖПКнинг 90-92-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя қилган ҳолда баённома тузади. Суд томонидан ўтказилган нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиш натижалари суд мажлиси баённомасида акс эттирилади.

Баённомада нарса ва ҳужжатларнинг айнан қаерда ва қандай шароитда топилганлиги, ихтиёрий равишда берилганлиги ёки мажбу-рий равишда олинганлиги кўрсатилиши лозим. Барча олинган нарса ва ҳужжатлар

баённомада бирма-бир қайд қилиниб, уларнинг миқдори, ўлчови, оғирлиги, ҳар қайсисининг ўзига хос белгилари кўрсатилиши, зарурат бўлган тақдирда ўралиши ва муҳрланиши лозим.

Олиб қўйиш ёки тинтув вақтида изланаётган нарса ва ҳужжатларни йўқ қилишга ёки яширишга уриниш ҳоллари содир бўлган тақдирда, бу ҳол суриштирувчи ёки терговчи томонидан кўрилган чоралар ҳам кўрсатилиб баённомада акс эттирилиши лозим (ЖПК, 163-модда).

Баённома тинтув ёки олиб қўйиш ҳаракатларини тугатгандан сўнг айнан шу тергов ҳаракати ўтказилган жойида тузилиши керак.

Агар тинтув баённомасига тинтув қилинган шахс ўз имзосини қўйишдан бош тортса, у ҳолда ҳолислар ва терговчи ушбу фактни баённомада қайд этадилар ва тасдиқлайдилар.

Баённоманинг яқунловчи қисмида, шунингдек баённомага қандай схемалар, қолиплар илова қилинганлиги, тинтув қатнашчи-ларининг қандай арзнома, шикоят ёки эътирозлари тушганлиги, холисларнинг таклифлари, мутахассисларнинг берган тушунтириш-лари қайд этилиши керак.

Олиб қўйиш баённомасида эса терговчи, суриштирувчи қачон, қаерда, қайси шахслар иштирокида олиб қўйишни ўтказганлиги, қандай объектлар олинганлиги, уларнинг тўлиқ рўйхати ва алоҳида белгилари, хусусиятлари қайд этилади. Олиб қўйишда иштирок этувчи шахсларга авваламбор уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбурият-лари тушунтирилиши лозим. Баённомадага ушбу шахсларнинг имзо-си воқелиқда бўлган ҳаракатлар шу ҳужжатда тўлиқ қайд этилган-лиги тўғрисида тасдиқловчи белги бўлиб хизмат қилади. Агар шахслар олиб қўйиш пайтида терговчининг ҳаракатлари устидан тегишли эътирозлар, шикоятлар билдирсалар ушбу эътироз ва шикоятлар мажбурий равишда баённомада қайд этиши керак.

Олиб қўйишда қимматбаҳо нарсалар олинадиган бўлса, улар учун моддий жавобгарлик шахснинг иштирокини таъминлаб бериш керак (ЖПК, 163-модда).

Олиб қўйиш ёки тинтув тўғрисидаги қарор ва баённоманинг нусхаси ё суд мажлисининг олиб қўйишни ўтказиш тўғрисидаги баённомасидан кўчирма тинтилган шахсга ёки унинг вояга етган оила аъзоларига, улар бўлмаган тақдирда эса, тегишли ҳокимлик ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, тилхат олинади. Зарур ҳолларда мазкур шахсларга олиб қўйилаётган ҳужжатларнинг нусхалари берилади (ЖПК, 164-модда).

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишдан сўнг баённоманинг нусхаси тинтув қилинган шахснинг ёки оила аъзосининг қўлига (ушбу аъзо вояга етган шахс бўлиши лозим) берилиши керак ва бу тўғрида улар ушбу ҳужжатнинг нусхасини олгани ҳақида имзо қўйишлари керак, агар ушбу шахслар тинтувда иштирок этмаган бўлсалар, у ҳолда баённоманинг нусхаси маҳалла фуқаролари йиғинининг бирон аъзосига топширилади ва у шу фактнинг тўғрилигини баённомага имзо чекиб тасдиқлайди.

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси ҳам юқорида қайд этилган шахсларга берилиши лозим ва улар қарорнинг асл нусхасини имзолари билан тасдиқлашлари керак (ЖПК, 164-модда).

Олиб қўйиш ёки тинтув дипломатия ваколатхонаси ҳудудида ўтказилаётганда дипломатия ваколатхоналари ва уларнинг диплома-тия дахлсизлигига эга бўлган ходимлари, шунингдек уларнинг оила аъзолари эгаллаб турган биноларда фақат дипломатия ваколатхонаси бошлиғининг илтимосига кўра ёки унинг розилиги билан ўтказилиши мумкин, дипломатия ваколатхонаси ходимларининг ёки уларнинг вояга етган оила аъзоларининг истиқомат жойларида ёхуд улар эгаллаб турган бошқа биноларда олиб қўйиш ва тинтув уларнинг илтимосларига кўра ёки розиликлари билан ўтказилиши мумкин. Кўрсатилган имтиёзлар Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинмаган бўлса-да дипломатия дахлсизлигига эга бўлган ажнабий вакилларга ва уларнинг оила аъзоларига ҳам берилади.

Дипломатия дахлсизлигига эга бўлган шахсга ва унинг оила аъзоларига нисбатан шахсий тинтув ёки олиб қўйиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўтказилиши мумкин.

Дипломатия вакили ёки унинг оила аъзоларининг олиб қўйишга ёки тинтув ўтказишга розилиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали сўралади.

Дипломатия ваколатхоналари ва дипломатия дахлсизлигидан фойдаланадиган вакиллар, шунингдек уларнинг оила аъзолари жой-лашган биноларда тинтув ёки олиб қўйиш ўтказиш чоғида прокурор ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг вакили ҳозир бўлиши шарт. (ЖПК, 165-модда).

Дипломатия ваколатхоналарининг биноларида ва дипломатия вакилларидан олиб қўйиш ёки уларда тинтув ўтказиш ушбу дипломатия ваколатхоналарининг раҳбарлари ва дипломатия вакил-ларининг розилиги билан амалга оширилади, акс ҳолда бу жойларда олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш мумкин эмас. Агар хорижий шахс дипломатик дахлсизликка эга бўлмаса, у ҳолда унинг турар жойида тинтув ёки олиб қўйиш ўтказиш каби тергов ҳаракатлари унинг розилигисиз ўтказилиши мумкин, аммо бу тўғрида 24 соат ичида дипломатия ваколатхонасининг раҳбарига (тегишли хорижий мамла-катнинг фавқулодда ва мухтор элчисига) хабар бериш керак.

Дипломатия ваколатхоналарининг биноларида ва дипломатия вакилларида тинтув ёки олиб қўйиш ҳаракатларини ўтказиш ваколат-хоналарда истиқомат қилувчи ва дипломатия дахлсизлигига эга бўлган шахсларнинг розилигига асосан амалга оширилади ва бу розилик Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали сўралади.

Дипломатия ваколатхоналарининг биноларида ва дипломатия вакилларида тинтув ёки олиб қўйиш ўтказишда суриштирувчи, тер-говчи ва холислардан ташқари ушбу ваколатхонанинг раҳбари (Фавқулодда ва мухтор элчи) ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазири ёки унинг ўринбосари иштирок этиши шарт.

Агар Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлига путур етказувчи ҳаракатлар амалга оширилса ва бирон хорижий мамлакат билан ҳарбий тўқнашув муносабатлари вужудга келиб қолса, у ҳолда шу мамлакатнинг ваколатхонасида тинтув ёки олиб қўйиш ҳаракат-ларини ўтказиш учун ушбу дипломатия ваколатхонасининг розилиги талаб қилинмайди.

Дипломатия ваколатхоналарининг бинолари каторига хорижий давлат элчихонаси, миссияси, дипломатия ваколатхона раҳбарининг резиденцияси (турар жойи), дипломатия вакиларининг турар жойлари (савдо вакилларининг, ҳарбий атташенинг, элчихонанинг биринчи, иккинчи ва учинчи котибларининг, атташеларнинг турар жойлари ва ҳоказолар) қиради.

Дипломатия ваколатхоналарининг архивлари, ҳужжатлари рас-мий ахборот алмашуви дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлиб, уларни олиб қўйиш мумкин эмас. Шунинг учун суриштирувчи, терговчи ушбу ҳужжатларни жиноят ишига илова қилиб, далил сифатида фойда-ланиши учун имкон йўқ ва уларни олиб қўйиш дипломатия талаб-ларга қўра ман этилган, аммо агар хорижий давлат билан ҳарбий тўқнашув муносабатлари вужудга келадиган бўлса, у ҳолда Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик манфаатларига асосан ушбу ҳужжатларни олиб қўйиш мумкин. (ЖПК, 165-модда).

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи бошқа шахсларга юборган ёхуд бошқа шахслар гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига юборган почта-телеграф жўнатмаларида содир этилган жи-ноятга доир маълумотлар ёки иш учун аҳамиятга молик ҳужжатлар ва буюмлар бор деб гумон қилиш учун етарлича асослар бўлганда, суриштирувчи, терговчи, суд бу шахсларнинг барча почта-телеграф жўнатмаларини ёки уларнинг айримларини хатлаб қўйишга ҳақлидир.

Хатлаб қўйилиши мумкин бўлган почта-телеграф жўнатмалари-га барча турдаги хатлар, телеграммалар, радиogramмалар, бандерол-лар, посылкалар, почта контейнерлари киради.

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисида суриштирув-чи ва терговчи прокурорнинг санкцияси олинган қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримда: жўнатмалари ушлаб турилиши лозим бўлган шахснинг фа-милияси, исми, отасининг исми; бу шахснинг аниқ манзили; хатлана-ётган почта-телеграф жўнатмаларининг тури; хатлаш чорасининг муддати; жўнатмаларни ушлаб туриш ва бу ҳақда суриштирувчи ёки терговчига маълум қилиш қайси алоқа муассасасига юклатилганлиги кўрсатилиши лозим.

Суд ажримда почта-телеграф жўнатмаларини судга етказиб бе-риш ҳақида алоқа муассасасига кўрсатма берилиши лозим.

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ҳақидаги қарор ёки ажрим тегишли алоқа муассасасининг бошлиғи номига юборилади ва уни бажариш мазкур бошлиқ учун мажбурийдир. Бу қарорни ёки ажримни бажармаслик ёки унинг ошкор этилиши қонунда белгилан-ган жавобгарликка сабаб бўлади.

Алоқа муассасасининг бошлиғи суриштирувчи, терговчининг қарориди ёки суднинг ажримда кўрсатилган хат-хабарлар ва бошқа жўнатмаларни ушлаб туради ҳамда бу ҳақда суриштирувчи, терговчи ёки судга дарҳол маълум қилади (ЖПК, 166-модда).

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш тўғрисидаги қа-рор ёки ажрим чиқарилгандан сўнг у бевосита ижро этилиши керак, бунинг учун почта-телеграф жўнатмалари кўздан кечириб, олиб қўйи-лади. Агар почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш тўғрисидаги қарор прокурор рухсатисиз чиқарилган бўлса, у ҳолда бу қарор ҳуқуқий кучга эга бўлмайди. Суд ажрими эса, агар у суд томонидан чиқа-рилган бўлса, уни судья имзолаганидан кейин ҳуқуқий кучга киради ва унга прокурорнинг рухсати керак бўлмайди.

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш бу жўнатмаларни уларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга юборилишини тақиқлайди. Почта-телеграф муассасасининг ташаббусига қўра бу ҳужжатлар уларни хатлаб қўйган органнинг рухсатисиз уларни олувчи шахсга юборилиши ҳолларида жавобгарлик бу ҳужжатларни юборган ходим-га юклатилади.

Жўнатмаларни хатлаб қўйиш уларни: а) кўздан кечириш; б) олиб қўйиш; в) манфаатдор шахсларнинг ўзаро хабарлашувларига чек қўйиш; г) жиноят содир этишда қатнашган шахсларни аниқлаш; д) жиноят содир қилган ва қидирувда бўлган шахсларнинг яширинган жойларини аниқлаш; е) жиноят қуроллари ва ўғирланган нарсаларни топиш мақсадларида ўтказилади.

Жўнатмаларни хатлаш фақат гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳамда улар билан боғлиқ шахсларга нисбатангина қўлланилади (ЖПК, 166-модда).

Суриштирувчи ёки терговчи алоқа муассасасига бориб, ушлан-ган почта-телеграф жўнатмаларини холислар иштирокида, зарурат бўлганда эса, тегишли мутахассис иштирокида очиб, кўздан кечи-ради. Иш учун аҳамиятга молик маълумотлар, ҳужжатлар, нарсалар топилган тақдирда, суриштирувчи, терговчи почта-телеграф жўнат-маларини олиб қўяди ёхуд улардан нусха кўчириш билан чегарала-нади. Агар кўздан кечирилган жўнатмаларда иш учун аҳамиятга молик маълумотлар, ҳужжатлар, нарсалар бўлмаса, суриштирувчи, терговчи уларни эгаларига етказиш ёки ўзи белгилаган муддатгача ушлаб туриш ҳақида кўрсатма беради.

Ушланган жўнатмалар кўздан кечирилган ҳар бир ҳолда баённома тузилиб, унда қайси почта-телеграф жўнатмалари кўздан кечирилганлиги, нималар олинганлиги ва нималар эгаларига юбори-лиши, нималар эса вақтинча ушлаб қолиниши кераклиги, қайси жў-натмалардан нусхалар олинганлиги кўрсатилиши лозим. Баённома ЖПКнинг 90-92-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда тузилади (ЖПК, 167-модда).

Ҳар қандай жўнатма: оддий, қимматбаҳо, буюртма хатлар, теле-граммалар, бандероллар, посылкалар, оқритқалар хатлаб қўйилиши, кўздан кечирилиши ва олиб қўйилиши мумкин. Жўнатмаларнинг чиқиб кетаётгани ҳам, келиб бўлгани ҳам хатланиши мумкин. Хатлаб қўйиш муддати дастлабки тергов муддатидан ошмаслиги лозим.

Иш учун аҳамиятли бўлган маълумотлар, ҳужжатлар, ашёлар топилган тақдирда суриштирувчи, терговчи почта-телеграф жўнатма-ларни олиб қўяди ёхуд улардан нусха кўчириш билан чегараланади. Нусха кўчириш ксерокс асбоби орқали амалга оширилиши зарур, чунки ҳужжатнинг асл нусхасидан ксероксда кўчирилганда унинг нусхаси ушбу ҳужжатнинг криминалистик айнанлигига мансуб бўл-ган белгиларини йўқотмайди. Ксероксда олинган нусха тўла равишда далилий аҳамиятга эга бўлади. Ксерокс ишлатилганлиги ва унинг техник кўрсаткичлари кўздан кечириш ва олиб қўйиш баённомасида қайд этилиши керак.

Жўнатмаларни олиб қўйиш ва кўздан кечиришда терговчи улар-нинг мазмунини сир сақлаш чораларини кўриши лозим. Акс ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш тамойили бузилган ҳисобланади.

Почта-телеграф жўнатмаларини олиб қўйиш ва кўздан кечириш икки кишидан кам бўлмаган, шу муассасада ишловчи холислар ишти-рокида ўтказилиши лозим. Бу эса жўнатмаларнинг мазмуни сир сақланишининг кафолати ҳисобланади.

Ишга алоқадор бўлмаган почта-телеграф жўнатмаларини тергов-чи, суриштирувчи кўздан кечиргач ва нусхасини олгач, эгаларига етказиши ёки ўзи белгиланган муддатгача ушлаб туриши ҳақида кўрсатма бериши

мумкин.

Почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш ва олиб қўйиш баённомаси тузилиши ва у 90, 92-моддаларнинг талабларига тўла риоя қилиши лозим. Ушбу баённомада кўздан кечирилган ва олиб қўйилган объектлар тўлиқ тавсиф этилиши, тасдиқланиши лозим. (ЖПК, 167-модда).

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш чорасини қўл-лашга зарурат қолмаса, бу чора хатлаб қўйган суриштирувчи, тер-говчи ёки суд томонидан бекор қилинади. Дастлабки тергов давомида иш тугатилганда, биринчи инстанция судида эса, ишни тугатиш ҳақида ажрим чиқарилганда ёхуд ҳукм қонуний кучга киргач, хатлаб қўйиш чораси бекор қилиниши лозим (ЖПК, 168-модда).

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйишни бекор қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи махсус қарор ёки суд махсус ажрим чиқаради ва бу ҳужжат дарҳол алоқа муассасасининг раҳба-рига юборилиши лозим.

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйишни бекор қилиш тўғрисидаги қарор, ажрим алоқа муассасасига келиб тушганидан сўнг ўз юридик кучига эга бўлади ва ушбу муассасанинг раҳбари томо-нидан дарҳол бажарилиши ва хатлаб қўйиш ҳаракатлари бекор қилиниши лозим.

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйишни бекор қилиш тўғрисидаги қарор дастлабки тергов жараёнида ўтказилиши мумкин, агар жиноят иши бекор қилинадиган бўлса, суд муҳокамаси пайтида ажрим чиқарилади, жиноят иши бекор қилиниши тўғрисида қарор чиқарилган бўлса, суднинг ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйишни бекор қилиш тўғрисида ажрим чиқарилиб, ушбу алоқа муассасасига юборилади. Бу қарор ёки ажримни чиқариш учун прокурорнинг рухсати керак эмас (ЖПК, 168-модда).

12-мавзу. Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш

Иш бўйича тўпланган далиллар иш учун аҳамиятга молик хабарларни олиш мумкинлигига етарли даражада асос бўла олса, суриштирувчи, терговчи телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақлидир (ЖПК, 169-модда).

Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш суриштирувчи ёки терговчига жи-ноят иши бўйича манфаатдор бўлган шахслар уларга нисбатан таъма-гирлик, ўлдириш, тан жароҳати етказиш ва мулкига зарар етказиш билан ёки бошқа шахсга қарши жиноятларни содир этиш билан қўрқитиш орқали бирон моддий манфаатга эга бўлиш мақсадини кўзлайдиган жиноятлар тўғрисида мурожаат қилганда ҳамда одил судловга қарши бошқа жиноятларни очиш мақсадида ўтказилади.

Телефон сўзлашувлари абонентлар ўртасида, шунингдек, шаҳар-лараро ва радиореле, юқори тўлқинли ва космик алоқа орқали олиб бориладиган сўзлашувлардир. Coscom, Perfectum mobile, Ўздун-робита, ДЭУ-Юнител орқали олиб бориладиган сўзлашувлар ҳам шуларга киради. Бошқа сўзлашув қурилмалари деганда эса селектор-ўтказувчи, радио ва оғзаки нутқни бошқа йўллар орқали маълум масофага юбориш имкониятига эга қурилмалар тушунилади. Бу қурилмалардаги сўзлашувларни эшитишда ЖПКнинг 21-бобида қайд этилган қоидаларга бўйсуниб лозим.

Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари қаторига киради ва бу тергов ҳаракатларини суриштирувчи, терговчи ўтказиш ҳуқуқига эга ва уни миллий хавфсизлик хизмати органлари амалга оширади.

Ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш учун суриштирувчи, терговчи қарор чиқаради ва бу қарор прокурор руҳсатига асосан кучга киради (ЖПК, 169-модда).

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш суриштирувчи, терговчи прокурорнинг санкциясини олиб чиқарган қарорга биноан ёки суд ажримида кўра амалга оширилади.

Жабрланувчига, гувоҳга, шунингдек уларнинг қариндошлари ва яқинларига нисбатан куч ишлатиш, товламачилик ёки бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар содир этиш хавфи мавжуд бўлса, бу шахсларнинг аризалари бўйича ёки уларнинг ёзма розилиги ва прокурорнинг санкцияси билан ёхуд суднинг ажримида кўра уларнинг телефон ёки бошқа сўзлашув қурилмалари орқали бўладиган сўзлашувларини эшитиб туриш амалга оширилиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, прокурорни зудлик билан ёзма равишда хабардор этиш шарт билан, унинг санкциясиз сўзлашувларни эшитиб туриш тўғрисидаги қарорни миллий хавфсизлик хизмати органларига юборишга ҳақлидир. Прокурорнинг санкциясиз сўзлашувларни эшитиб туриш тўғрисидаги қарор бир сутка давомида қонуний кучга эга бўлади.

Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш тўғрисидаги қарор ёки ажрим унда эшитиладиган ахборотлар хусусияти ва ҳажми, шунингдек, сўзлашувларни эшитиб туришнинг боришини ва натижаларини қайд этиш шакли белгиланиб, миллий хавфсизлик хизмати органларига ижро этиш учун юборилади. Сўзлашувларни эшитиб туриш олти ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш чоғида овоз ёзиш мосламалари қўлланилиши лозим. Сўзлашув фонограммаси акс эттирилган магнит тасмаси тергов ҳаракати баённомасига қўшиб қўйилиши лозим (ЖПК, 170-модда).

Бевосита телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш ҳаракатлари миллий хавфсизлик хизмати органларига юклатилган.

Агар кечиктириб бўлмас ҳолат юзага келиб, суриштирувчи ёки терговчи телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш ҳаракатини зудлик билан ўтказиши керак бўлса, у ҳолда улар қарор чиқариб, уни миллий хавфсизлик хизмати органларига юбориш ҳуқуқига эгадирлар, аммо бу тўғрида суриштирувчи ёки терговчи прокурорни 24 соат ичида хабардор қилиши лозим, прокурор ушбу қарорга руҳсат берганлиги тўғрисида миллий хавфсизлик хизмати органига тегишли маълумотнома юбориб, ушбу ҳаракатларнинг, давом эттирилишига асос беради. Суриштирувчи ёки терговчи томонидан чиқарилган қарор бир сутка давомида қонуний кучга эга ва миллий хавфсизлик органи шу муддат тугаганидан сўнг ушбу қарорни бажармаслик ҳуқуқига эга.

Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш жараёни олти ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. Агар дастлабки терговда шундай тергов ҳолати вужудга келиб, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш ойлик жараёндан ортиқ бўлса, у ҳолда терговчи, суриштирувчи бу тўғрида асосланган қарор чиқаради ва прокурорнинг руҳсатини олиб, ушбу ҳаракатларни яна уч ойгача давом эттиришлари мумкин. Бу тўғрида миллий хавфсизлик хизмати органларига ушбу қарорни юбориб, тегишли натижа-ларни жараён ичида қўлга киритишлари мумкин. Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш жараёнида овоз ёзиш мосламалари қўлланилади. Уларнинг техник параметрлари сўзлашувларни эшитиб туриш баённомасида тўлиқ қайд этилиб, баённомага сўзлашув фонограммаси қўшиб қўйилиши лозим.

Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш тергов ҳаракати тегишли жиноят иши қўзғатилгандан сўнг амалга оширилади (ЖПК, 170-модда).

Эшитиб туриш ва овоз ёзишни амалга оширган шахс ишга алоқа-қадор сўзлашувлар фонограммаси мазмунининг қисқача баённома-сини тузади. Фонограмма муҳрланади ва баённомага қўшиб қўйилади, унинг иш учун аҳамиятли бўлмаган қисми ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин йўқ қилинади.

Эшитиб туриш ва овоз ёзиш баённомасида абонент рақами, эши-тиб туриш ва овоз ёзиш вақти ва жойи, фойдаланилган техникавий воситалар тури ва модели, бу ишларни амалга оширган шахсларга оид маълумотлар ҳамда иш учун аҳамияти бўлиши мумкин деб ҳисобланган бошқа маълумотлар акс эттирилади (ЖПК, 171-модда).

Миллий хавфсизлик хизмати органининг ходими телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувлар-ни эшитиш баённомасини қисқа тарзда тузади.

Агар сўзлашув жараёни бўйича ишга тааллуқли муҳим жумла-лардан ташқари бошқа ишга алоқа-қадор бўлмаган

жумлалар учрамаган бўлса, у ҳолда баённомада бу сўзлашувнинг бутун матнини келтириши керак.

Баённомада абонентнинг рақами, қачон ва қаерда сўзлашув эшитилганлиги, эшитиш ва овозга қайд этиш воситаларининг техник кўрсаткичлари, ишга баённомани ва ҳаракатни олиб борганда кимлар иштирок этганликлари, ишга тааллуқли бошқа ахборотлар қайд этилиши лозим бўлади. Магнит тасмасига эга фотокассета ушбу сўзлашувнинг фонограммаси билан баённомага илова қилиниб, ўралади ва муҳрлаб, эшитилган сўзлашув қачон бошланиб қачон тугаган вақти белгиланади ва бу маълумотлар имзолар билан тасдиқланиб суриштирувчи ёки терговчига берилади.

Баённома ва унга илова қилинган фонограмма (телефон ва бош-қа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш фонограммаси) суриштирувчи ёки терговчига 24-бобда қайд этилган тартибда ашёлар ҳамда ҳужжатларни тақдим этиш қоида-ларига кўра топширилади ва 25-бобга асосан ашё ва ҳужжатларни ашёвий ва ёзма далил сифатида ишга қўшиш қоидаларига асосан ашёвий далил сифатида тан олинади.

Ушбу тергов ҳаракатида иштирок этган холислар миллий хавф-сизлик хизмати органи томонидан жалб этилган бўлиб, ишга алоқа-дор бўлмасликлари керак, аммо бевосита ушбу орган ходимлари сифатида ишлаётган бўлиб, холис сифатида жалб этилишлари мумкин (давлат ва хизмат сирларини ошқора этмаслик талабларига биноан).

Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш баённомаси ЖПКнинг 90 ва 91-мод-даларида қайд этилган қоидаларига риоя қилинган ҳолда тузилиши шарт.

13-мавзу. Экспертиза

Экспертиза махсус билимларни талаб этадиган ва суришти-рувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асосида ўтказиладиган текширувдир.

Ушбу тергов ҳаракати иш учун аҳамияти ҳолатлар тўғрисида маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билимли бўлган шахс ўтказадиган махсус текшириш орқали олиш мумкин бўл-ганда тайинланади. Бунда суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, мутахассислар, холисларнинг бундай билимларга эга бўлиши экспер-тиза тайинлаш заруратидан озод этилмайди.

Айни пайтда эксперт олдига қўйилган саволлар ва унинг берган хулосаси экспертларнинг махсус билимлари [22] доирасидан ташқари чиқиши мумкин эмас.

Иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтқа-задиган махсус текшириш орқали олиш мумкин бўлганда экспертиза тайинланади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, мутахас-сислар, холисларнинг бундай билимларга эга бўлиши экспертиза тайинлаш заруратидан озод этмайди.

Эксперт олдига қўйилган саволлар ва унинг берган хулосаси экспертнинг махсус билимлари доирасидан ташқари чиқиши мумкин эмас.

Экспертизани ЖПКда белгиланган тартибга хилоф равишда ўт-казиладиган текширув билан алмаштиришга йўл қўйилмайди. Идо-равий текширув хулосаси, тафтиш хужжатлари, мутахассислар масла-хати экспертиза ўтказиш заруратини истисно этмайди (ЖПК, 172-модда).

Экспертиза - далилларни қўлга киритиш учун ўтказиладиган процессуал ҳаракатдир.

Жиноят иши бўйича бирон ҳолат аниқланиши учун эксперт-нинг хулосаси зарур бўладиган бўлса ва у ушбу фактни воқеликда бўлгани ёки бўлмагани тўғрисидаги саволга аниқ жавоб бера олган ҳолларда тайинланади.

Эксперт олдига қўйилган саволлар ва унинг хулосаси эксперт-нинг махсус билимлари ҳажми билан чегараланади ва уларнинг ҳажмидан ошиб кетмаслиги керак.

Кечиктириб бўлмас ҳолатларда экспертиза жиноят ишида қўзга-тилишидан аввал ҳам тайинланиши мумкин. Экспертиза тайинлаш ёки ўтказмаслик тўғрисидаги саволни терговчи, суриштирувчи, суд ҳал қилади ва экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган материалларни қандай даражада йиғилганлигига эътибор бериши лозим.

Экспертиза предмети бирор фан, техника, санъат, устачилик соҳасига мансуб бўлиши мумкин.

Экспертиза жараёнида қўлланиладиган услублар, воситалар, маълумотлар муайян равишда аниқланиб, воқеликка мос бўлиши керак ва ҳали ўрганиш босқичида бўлмаслиги лозим. Экспертиза тайинлаш масаласини ҳал қилишда мутахассислар ёрдамидан, улар-нинг маслаҳатларидан фойдаланиб, уни тайинлаш имкониятлари, экспертларнинг таркиби, тегишли материалларнинг доираси бўйича маслаҳатлашув ҳаракатлари ўтказилиши мумкин.

Экспертиза агар экспертиза ўтказиш муассасасида тайинланса ёки ундан ташқарида тайинланган бўлса ҳам улар бўйича эксперт хулосасини чиқарадиган экспертларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенгдир ва улар махсус ваколатларга кўра мансабдор шахслар сифа-тида тан олинишлари керак (ЖПК, 172-модда).

Башарти, иш бўйича:

- 1) ўлимнинг сабабини, етказилган тан жароҳатларининг хусу-сияти ва оғирлик даражасини;
- 2) жинсий алоқада бўлганликни, ҳомилдорлик ҳолатини ва ҳомилани сунъий йўл билан тушириш белгиларини;
- 3) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг ёшини, агар бу ҳақда хужжатлар бўлмаса ёки хужжатлар шубҳа туғдирса;

- 4) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг, устидан тиб-бий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга доир иш юрити-лаётган шахснинг руҳий ва жисмоний аҳолини ҳамда уларнинг ғай-риқонуний қилмишни содир этаётган пайтда ўз ҳаракатларини идрок этиш ва идора қилиш лаёқатини, шунингдек жиноий жавобгарлик-нинг аҳамиятини тушуниш, жиноят процессида кўрсатувлар бериш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини;

- 5) жабрланувчининг, гувоҳнинг руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳамда улар иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни идрок қилиш, эсда сақлаш ва сўроқ қилганда ифодалаб бериш лаёқатига эга эканлик-ларини, шунингдек жабрланувчининг жиноят процесси чоғида ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини;

- 6) таносил ва бошқа юқумли касалликларга чалинган, сурункали ичкиликбозликка ва гиёҳвандликка дучор бўлган шахсларни даволаш зарурлигини ва имкониятларини;

- 7) гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг турлари мавжудлигини;

- 8) пул белгилари, қимматли қоғозлар ва бошқа хужжатлар қалбакилаштирилганлигини;

- 9) портлашлар, ҳалокатлар ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг техникавий сабабларини аниқлаш зарур бўлганда экспертиза тайин-лаш ва ўтказиш шарт.

Иш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлашда ҳам, агар бунинг учун махсус билимларни қўллаш зарур бўлса ва бу ҳолатлар исботлашнинг бошқа воситалари билан пухта аниқланмаган бўлса, экспертиза ўтказиш шарт (ЖПК, 173-модда).

Агар қотиллик факти бўйича жасадни эксгумация қилиб, уни суд-тиббийёт экспертизасидан ўтказиш зарур бўлса, у ҳолда жиноят ишини қўзғатишдан аввал экспертиза ўтказиш мумкин. Экспертиза ўтказишда жасадни эксгумация қилиш зарурияти бўлса, у ҳолда бу эксгумация ҳаракатлари ҳам жиноят иши қўзғатишдан аввал ўтқа-зилиши мумкин. Шунга асосан; терговчи экспертиза тайинлаш қаро-рида уни ўтказиш учун жасадни эксгумация қилиш зарурлиги тўғри-сида кайд этилиши лозим ва бу қарор тегишли муассасалар учун мажбурий бўлади (ЖПК, 173-модда).

Экспертизани экспертиза муассасаларининг, бошқа давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг мутахассислари ёки суриштирувчи, терговчи ёхуд суд тайинлаган бошқа билимдон шахс-лар ўтказиши.

Суд-тиббийёт, суд-психиатрия, суд-психология, суд-автотехника, суд-бухгалтерия, криминалистика экспертларини фақат эксперти-за муассасаларининг мутахассислари, алоҳида ҳолларда эса, давлатга қарашли

бошқа муассасаларнинг мутахассислари ўтказадилар. Ало-ҳида ҳоллар экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда асослангандириши лозим.

Суриштирувчи, терговчи, суднинг эксперт этиб тайинланган шахсни чақириш ва унинг экспертиза ўтказиши тўғрисидаги талаби шу шахс ишлаётган корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари учун мажбурийдир (ЖПК, 174-модда).

Экспертиза ўтказишнинг асосий талабларидан бири экспертни ёки экспертиза муассасасини танлаш масаласидир. Экспертиза муассасасини танлаш экспертнинг текширувда ҳал этиладиган саволлар ва тегишли объектларга боғлиқ.

Эксперт этиб тайинланадиган шахслар икки гуруҳга бўлинади: а) экспертиза муассасасида фаолият юритувчи ходимлар (эксперт-лар); б) экспертиза муассасаларига ва уларнинг ходимларига алоқаси бўлмаган билимдон шахслар. Экспертиза муассасаларининг эксперт-ларини экспертиза ўтказиш учун жалб қилишда, терговчи мазкур муассаса раҳбарига тегишли экспертиза ўтказиш тўғрисида қарор юборади, муассаса раҳбари эса бу экспертиза ўтказишни кимга топ-шириш бўйича қўрсатма беради ва бу тўғрида терговчининг қароридан ўз резолюциясини қайд этади. Эксперт муассасасидан ташқари жойда ишлаб, тадқиқотлар ўтказиш билан шуғулланувчи мутахассис эса терговчи томонидан бевосита экспертиза ўтказиш учун жалб этилади, терговчи қарорни унга бевосита топширади ва қарорда мутахассиснинг фамилияси, исми, отасининг исми қайд этилади.

Суд-тиббиёт, суд-психиатрия, суд-психология, суд-автотехника, суд-бухгалтерия, криминалистика экспертизалари фақат экспертиза муассасаларининг мутахассислари томонидан амалга оширилади. Алоҳида ҳолларда эса давлатга қарашли бошқа муассасаларнинг мутахассислари ҳам ушбу турдаги экспертизаларни ўтказишлари мумкин. Ушбу алоҳида ҳоллар экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда асослангандириши лозим.

Суриштирувчи, терговчи, суднинг эксперт этиб тайинланган шахсни чақириш ва унинг экспертиза ўтказиш тўғрисидаги талаби мазкур шахс ишлаётган корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари учун мажбурийдир. Терговчи ҳузурга келган экспертга терговчи ЖПКнинг 67, 68, 75-моддаларида бўлган унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши лозим (ЖПК, 174-модда).

Эксперт томонидан текшириладиган объектлар жумласига:
ашёвий далиллар ва эксперт текшируви учун олинган намуна-лар;
экспертиза орқали далилий аҳамияти аниқланадиган бошқа моддий объектлар;
тирик одамнинг бадани;
руҳий ҳолати;
мурда;
ҳужжатлар кириши мумкин.

Эксперт текшириши лозим бўлган объектлар, агар уларнинг ҳажми ва хусусиятлари имкон берса, экспертга ўралган ва муҳр-ланган ҳолда берилиши керак.

Текширишни ўтказиш вақтида экспертиза моддий объекти тек-ширув учун қай даражада зарур бўлса, шу даражада бузилиши ёки ишлатилиши мумкин. Экспертиза ўтказиб бўлингандан кейин ўша текшириш объектлари тўла сарф қилинмай ортиб қолган бўлса, экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки судга қайтари-лиши лозим.

Экспертиза объектлари экспертиза муассасаларида, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органларида ва судларда ашёвий да-лилларни сақлаш қондаларига риоя қилинган ҳолда сақланади (ЖПК, 175-модда).

Экспертиза объектларига тадқиқ этиладиган объектлар қиради, зарурий ҳолларда тегишли намуналар ва жиноят иши материалларида мавжуд бўлган бошқа маълумотлар бўлиши мумкин. Воқеа содир бўлган жойдан олинган излар ҳам (агар улар бевосита жиноят содир бўлган жойдан олиб келинган бўлса), у ёки бу усул билан қайд этилган изларнинг қолиплари, (масалан, жойдаги пойабзал изининг қолипи, тўсиқни синдириш қуроли қолдирган изнинг қолипи), жи-ноят қуроллари; (қурол, ўқ-дорилар), терговчи ёки мутахассис томо-нидан ишланган фотосуратлар, чизмалар ҳам тадқиқ қилинадиган объектлар бўлиши мумкин. Барча қайд этилган объектлар, агар улар ашёвий далил сифатида тан олинган бўлса, яхши ўралган, тегишли ёзувлар киритилган, имзолар, муҳрлар қўйилган ҳолда экспертга юборилади.

Экспертга экспертиза объектларини тақдим этганда тегишли уларга нисбатан аниқланадиган саволлар рўйхати экспертнинг мута-хассислик лаёқати чегарасидан чиқиб кетмаслиги зарур.

Экспертизани тайинлаш тегишли объектларни тадқиқ қилиш учун юбориш (ҳодиса содир бўлган жойда топилган объектларни юбориш) ҳамда намуна сифатида олинган объектлар тақдим этишдан иборат бўлади. Эксперт мустақил равишда экспертиза объектларини олиб қўйиш билан шуғулланмасда, терговчининг рухсатига биноан у шундай объектларни экспертиза учун танлаб, тадқиқот ўтказишга ваколатлидир.

Эксперт ҳулосаси аниқ ва тўлиқ ҳамда воқеликка тўғри келиши учун терговчидан экспертиза учун етишмайдиган ва берилган объект-лар сонини кўпроқ қилиб бериши тўғрисида сўраши мумкин.

Экспертиза объектлари сифатида ашёвий далиллар ва эксперт текшируви учун олинган намуналар, экспертиза орқали далилий аҳамияти аниқланадиган бошқа моддий объектлар, тирик одамнинг бадани, руҳий ҳолати, мурда, ҳужжатлар, биологик табиатга эга бўл-ган объектлар, ноорганик табиатга эга бўлган объектлар, радиоактив объектлар ва бошқалар кириши мумкин.

Текшириш ўтказиш вақтида экспертиза учун берилган моддий объект бевосита тадқиқ қилинади ва ундан тегишли моддий ҳоссалар олиб, уларни тадқиқ қилиш ҳаракатлари ўтказилиши мумкин. Бу эса моддий объект сарфланишига олиб келади, ҳатто тўла сарф бўлиб кетиши ҳам мумкин. Шунинг учун агар экспертиза вақтида бирон объектнинг моддий вазни камайган бўлса, ортиб қолган объектни эксперт терговчи ёки судга қайтариши, бу тўғрида ҳулосада қайд этилиши керак. Агар экспертизага микрообъект берилган бўлса, у ҳолда берилган объект зарурий равишда ёки оддий фото ёки имкон бўлса рангли фотосуратга масштаб усулида олинади. Шунинг учун экспертизага бериладиган ёки берилган объектлар суриштирув, даст-лабки тергов, прокуратура органлари ва судларда, экспертга топши-рилгандан сўнг экспертиза муассасаларида сақланади. Уларни сақлаш бўйича ЖПКда қайд этилган қондаларга риоя этилиши лозим.

Ходиса содир бўлган жойдан олинган моддалар ва материаллар (масалан, жиноят жойида бўлган тупрок, кийим толалари, суоқлик-лар, озик-овқатлар) тоза шишаларга ёки пластмасса идишларга соли-нади ва герметик равишда ёпилиб, тегишли ёзувлар билан тасдиқла-нади (ЖПК, 175-модда).

Қўшимча экспертиза эксперт хулосасидаги камчиликларни тўл-дириш учун тайинланади ва шу экспертнинг ўзи ёки бошқа эксперт томонидан ўтказилади.

Экспертнинг хулосаси асослангандан кейин ёки унинг тўғрили-гига шубҳа туғилган ҳолларда ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишонарсиз деб топилганда ёки экспертиза ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда қайта экспертиза тайинланади.

Қайта экспертиза ўтказиш тайинланганда эксперт олдига илгари фойдаланилган текшириш усуллари илмий асосланганлиги тўғ-рисида масала қўйилиши мумкин.

Қайта экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда биринчи экспертиза хулосасига қўшилмаганлик сабаблари кўрсатили-ши лозим.

Қайта экспертиза ўтказиш бошқа экспертга топширилади. Би-ринчи экспертизани ўтказган эксперт (экспертлар комиссияси) қайта экспертиза ўтказишда ҳозир бўлиши ва тушунтиришлар бериши мумкин, лекин у эксперт текшируви ўтказиш ва хулоса тузишда иштирок этмайди (ЖПК, 176-модда).

Агар эксперт терговчининг қароридан кайт этилган барча савол-ларга жавоб бермасдан экспертиза хулосасини унга тақдим этса, унда терговчи эксперт хулосасидаги камчиликларни тўлдириш учун қў-шимча экспертиза тайинлайди. Агар эксперт ўз хулосасида берилган саволларга аниқ жавоб бермаган бўлса ёки бирон жавоби равшан тавсиф этилмаган бўлса, у ҳолда ҳам терговчи қўшимча экспертиза тайинлаш ҳуқуқига эга.

Қўшимча экспертиза тайинлашдан аввал терговчи бу тўғрида экспертни сўроқ қилишга ҳақли. Унинг кўрсатувлари хулосада бўл-ган ноаниқликларни ва шу билан қўшимча экспертиза ўтказиш заруриятини ҳам бартараф этиш мумкин. Агар сўроқ пайтида тер-говчи берилган ушбу саволлар бўйича экспертдан яна тадқиқот ўтқа-зиш зарурияти борлиги ва кераклигини аниқласа, у дарҳол қўшимча экспертиза ўтказиш тўғрисида қарор чиқаради ва ушбу экспертизани ўтказиш учун айнан шу экспертга ёки бошқа экспертга топшириш ҳуқуқига эга.

Қўшимча экспертиза ўтказиш ҳолати экспертга берилган объектларнинг барчаси эксперт томонидан тадқиқ этилмасдан улар-нинг бирон қисми тадқиқ этилганлиги ҳам қўшимча экспертиза ўтқа-зишни тақозо этади. Ишнинг аҳамиятига қараб қўшимча экспертиза суд муҳофизати пайтида ўтказилиши мумкин. Судья ва суд муҳофизатининг иштирокчилари бундай экспертиза ўтказиш пайтида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Агар эксперт хулосаси жиноят ишининг фактик ҳолатига зид бўлса, дастлабки тергов ёки суд мажлиси жараёнида эксперт хулоса-сига таъсир кўрсатувчи бирон янги маълумот аниқланган бўлса, у ҳолда терговчи, прокурор ёки суд қайта экспертиза ўтказиш тўғри-сида қарор (ажрим) чиқаришга ҳақли. Бундан ташқари, эксперт хуло-саси асослангандан кейин ёки унинг шубҳалилигига асос туғил-ган бўлса ёки унга асос қилиб олинган далиллар ишонарсиз деб то-пилганда ёки экспертиза ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда, қайта экспертиза тайинланади.

Биринчи экспертиза ўтказган эксперт қайта экспертиза ўтказиш жараёнида иштирок этиб, тушунтиришлар беришга ҳақли ammo экс-перт хулосасини тузишда иштирок этиши мумкин эмас. Агар қайта тадқиқот бир эксперт томонидан бошланиб, иккинчи эксперт томо-нидан якунланган бўлса, ушбу экспертизани қайта ўтказиш зарурияти бўлмайди (ЖПК, 176-модда).

Мураккаб экспертизалар бир ихтисосдаги экспертлар комис-сияси томонидан ўтказилиши мумкин. Экспертлар ўзаро маслаҳат-лашиб, умумий фикрга келганларидан кейин хулосани имзолайдилар. Экспертлар ўртасида келишмовчилик рўй берганда ҳар бир эксперт келишмовчилик чиққан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса беради.

Суриштирувчи, терговчи ёки суднинг комиссиявий экспертиза ўтказиш тўғрисидаги талаби экспертиза муассасасининг раҳбари учун мажбурийдир.

Агар экспертиза ўтказиш экспертиза муассасасига топширилган бўлса, унинг бошлиғи комиссиявий экспертизани ўтказишни ўзи ташкил қилишга ҳақлидир.

Эксперт текширувини тўла ёки қисман ўтказишни экспертлар комиссияси таркибига киритилмаган шахслар бажаришига йўл қўйилмайди (ЖПК, 177-модда).

Айнан бир соҳага мансуб бўлган мутахассислар экспертиза ўтказишса, бундай экспертиза комиссиявий экспертиза номи билан аталади. Бундай экспертизалар жуда мураккаб вазиятларда тайин-ланади.

Комиссиявий экспертизани ўтказиш талаби эксперт муассасасининг раҳбари томонидан бажарилиши шарт. Шунинг учун тер-говчи, суриштирувчи, прокурор ёки суд талаби бўйича (қарори, аж-рими бўйича) комиссиявий экспертизани ўтказиш керак бўлса, ушбу муассаса раҳбари шу экспертизани ўтказиш учун бир гуруҳ экс-пертларга кўрсатма беради, гуруҳдаги барча экспертлар бир ихти-сосдаги мутахассис бўлиши шарт.

Экспертлар муассасасининг раҳбари суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга экспертиза ўтказишдан кейин экспертлар рўйхатини (ўз буйруғининг нусхасини) юбориши шарт. Комиссиявий экспертиза ўтказиш учун тайинланган экспертлар эксперт хулосасини тузга-нидан кейин хулосага ўз имзоларини қўйишлари лозим, ақс ҳолда экспертиза хулосаси тўлиқ бўлмаганлиги ва бирон шубҳали масала, яъни барча саволлар бўйича тўлиқ тадқиқот ўтказилмаганлигини тан олиш керак. Бу ҳолда суд тақдор комиссиявий экспертиза тайинлаб, тегишли экспертларга нисбатан хусусий ажрим чиқариш ҳуқуқига эга (ЖПК, 177-модда).

Агар жиноят иши учун аҳамиятга молик бирор ҳолатни турли илм соҳаларидан фойдаланиб, бир неча текширув ўтказиш орқали-гина аниқлаш мумкин бўлса, комплекс экспертиза тайинланиши ло-зим.

Комплекс экспертиза доирасида ҳар бир эксперт томонидан аниқланган ҳолатларга асосланиб, улар ушбу экспертизада аниқ-ланиши лозим бўлган ҳолат тўғрисида якуний хулоса чиқарадилар.

Комплекс экспертиза ўтказишда катнашаётган ҳар бир эксперт уларнинг ҳар бири ўзи аниқлайдиган ҳолатлар ҳажми ва мажмуидан қатъи назар, текширувни мустақил амалга оширади, бунинг учун шахсан жавобгар бўлади ва фақат ўз ваколати доирасида хулоса бе-ради. Эксперт комплекс экспертиза хулосасининг фақат ўз ваколатига тааллуқли қисмини имзолайди.

Экспертиза ўтказиш экспертиза муассасасига топширилган бўл-са, комплекс текширувни ташкил қилиш унинг

раҳбари зиммасига юклатилади (ЖПК, 178-модда).

Комплекс экспертизалар айна чоғда ягона мақсадга қаратилган, улар асосида аниқланадиган маълумотларнинг йиғиндиси терговчи ёки суд томонидан қўйилган саволлар бўйича кенг қўламдаги хулоса-ларни шакллантиришга имкон беради.

Комплекс экспертиза ўтказишда унинг объекти бир неча махсус объектларга бўлиниб кетади ва ҳар бири маълум ихтисосга эга бўлган ва бошқа мутахассислик соҳасининг эгасига эксперт томонидан чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ қилинади. Комплекс экспертиза хулосаси эса бир неча эксперт хулосаларидан таркиб топиб, бир неча тадқиқот ўтказилганлигидан далолат беради.

Комплекс экспертиза ўтказишда ҳар бир эксперт ўзининг мута-хасислигига тегишли бўлган саволларга жавоб беради ва алоҳида тад-қиқот ўтказишда ва айнан ўзи чиқарган хулосага имзо чекиш ҳуқуқига эга, бошқа хулосаларга, агар бу хулосалар унинг билими соҳасига мансуб бўлмаса, имзо чекмайди. Комплекс экспертиза тегишли эксперт муассасасига топширилган бўлса, уни ташкил этиш ушбу муассаса раҳбарига юклатилади у тегишли буйруқ чиқаради (ЖПК, 178-модда).

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи экспертиза тайинлаш ва ўтказишда:

1) экспертиза ўтказилгунга қадар экспертиза тайинлаш тўғри-сидаги қарор ёки ажрим билан танишиб чиқиш ва ўзига берилган ҳуқуқлар тушунтирилишини талаб қилиш. Бу ҳақда баённома тузилади ёки суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади;

2) экспертни рад этиш;

3) ўзи кўрсатган шахслар орасидан эксперт тайинланишини илтимос қилиш;

4) эксперт хулоса бериши учун унинг олдида қўшимча саволлар қўйиш, қўшимча материаллар тақдим этиш;

5) экспертиза ўтказилаётганда суриштирувчи, терговчи, суднинг рұхсати билан ҳозир бўлиш, экспертдан текширув вақтида қўллаётган усулларининг ва олинган натижаларнинг моҳиятини тушунтириб беришни талаб қилиш, экспертга тушунтиришлар бериш;

6) эксперт хулосаси билан танишиб чиқиш ва қўшимча ёки қайта экспертиза ўтказиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга.

Санаб ўтилган ҳуқуқлардан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланаётган шахс ҳам, агар бунга унинг рухий ҳолати имкон берса, фойдаланади (ЖПК, 179-модда).

Экспертиза тайинлаш ва ўтказишда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг илтимосномалари ва аризаларига эътибор бермаслик мумкин эмас, чунки улар экспертни рад этиш, қўшимча саволларни қўйиш ҳолатларига терговчи ва суд дикқатини қаратиши мумкин. Шу билан бирга гумон қилинувчи, айбланувчи, судланув-чига экспертни рад этиш учун унинг илтимосномаси асослантилган бўлиши тўғрисида тушунтиришлар берилиши керак. Агар эксперти-зани эксперт муассасасига мансуб эксперт ўтказадиган бўлса, у ҳолда айбланувчи, гумон қилинувчи, судланувчига ушбу экспертнинг хуло-саси билан танишиш вақтида рад этиш ҳуқуқидан фойдаланиши тушунтирилиши лозим.

Агар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи экспертизада яна бошқа экспертларнинг иштирок этишини сўраса бевосита шу экспертларни чақириб, уларни экспертизада иштирок этишини истаса, у ҳолда терговчи айнан шу экспертларнинг тегишли соҳада мутахас-сис бўлишлари ва воқеликка тўғри ёндашишларига эътибор бериши ва уларни баҳолаши керак. Экспертлар доирасини кенгайтирмаслик тўғрисида раддия беришга, агар тадқиқотнинг таърифи ва ҳажми бундай кенгайтиришни талаб қилмаган бўлса, терговчи ҳақлидир.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи экспертиза ўтказиш-дан аввал экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарор билан танишиш ҳуқуқига эга ва 179-моддада қайд этилган процессуал ҳуқуқлари ҳам-да 181-моддада қайд этилган мажбурлов чоралари билан танишиб чиқишга ҳақли, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига ЖПК-нинг 179 ва 181-моддаларида қайд этилган талаблар суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан тушунтирилиши керак ва баён-номада гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи томонидан имзо-лари билан тасдиқланиши лозим. Бундан ташқари 179-модданинг 2, 3, 4, 5, 6-бандларида қайд этилган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқлари терговчи, суриштирувчи, прокурор ва суд томонидан тушунтирилиши керак.

Агар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи экспертиза бў-йича қўшимча саволлар қўйиш тўғрисида илтимос қилса, у ҳолда уларга бу саволларни жумлама-жумла тўғри тузишда ёрдам кўрса-тилиши даркор.

Қонун гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи экспертнинг муайян ҳаракатларида иштирок этишини такозо қилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг экспертиза ўтка-зиш жойида бўлиш унинг тушунтиришларини тегишли баённомада ёки эксперт хулосасида қайд этилишини такозо этади. Бу тушун-тиришлар эксперт учун тақдим этиладиган материаллар сифатида тан олинади.

Айбланувчи экспертга тегишли материалларни терговчи ҳузу-рида беришга ҳақли, терговчининг иштирокисиз айбланувчи, гумон қилинувчи, судланувчи материалларни тақдим этиши ман этилади.

Экспертиза хулосаси билан танишиш вақтини терговчининг ўзи белгилайди ва бу тўғрида гумон қилинувчи, айбланувчига суд эса судланувчига хабар қилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг илтимос-номасини терговчи, суд рад этар экан, бу ҳақдаги қарор (ажрим) асослантилган бўлиши лозим, қарорда (ажримда) ушбу қарор (ажрим) устидан шикоят қилиш имконияти борлиги ёки йўқлигига эътибор қаратилиб, бу тўғрида белги бўлиши шарт.

Агар иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳимоячиси иштирок этса, у ҳам экспертиза тайинлаш қарори ва экспертиза хулосаси билан танишиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар ҳақида илтимоснома ёки ариза беришга ҳақли.

Жабрланувчи ва унинг вакили гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқларидан фойдланиш ҳуқуқига эга ва унга ҳам терговчи, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ва экспертиза хулосасини кўрсатиш шарт, акс ҳолда унинг процессуал ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаш ҳолати юзага келади. Қарор ва экспертиза хулосаси билан танишганлиги тўғрисида терговчи тегишли баённома тузади ва жабрланувчининг имзоси билан тасдиқлайди.

ЖПКнинг 179-моддасида қайд этилган ҳуқуқлардан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланаётган шахс

хам бунга унинг руҳий ҳолати имкон берса, фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолларда терговчи, суд тегишли суд-психиатрия эксперти иштирокида уни экспертизадан ўтказиш қарори ва экспертиза хулосаси билан таништириш ҳуқуқига эга. Агар тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланаётган шахс томонидан ариза ёки илтимосномалар тушса, улар терговчи, суд томонидан мажбурий равишда кўриб чиқилиши ва улар тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилиниши лозим (ЖПК, 179-модда).

Экспертиза тайинлаш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Унда:

экспертиза тайинлаш учун асос бўлган сабаблар;

экспертизага юборилаётган ашёвий далиллар ва бошқа объект-лар, уларнинг қачон, қаерда ва қайси ҳолатда топилганлиги ва олин-ганлиги;

иш материаллари бўйича экспертиза ўтказишда эса эксперт хулосаси асосланиши лозим бўлган маълумотлар;

эксперт олдига қўйилган саволлар;

экспертиза муассасасининг номи ёки экспертиза ўтказиш топ-ширилган шахснинг фамилияси кўрсатилиши лозим.

Зарур ҳолларда экспертиза жиноят иши кўзгатилишидан олдин ҳам тайинланиши мумкин.

Экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим унга таал-луқли шахслар учун мажбурийдир (ЖПК, 180-модда).

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим кириш, тав-сиф ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Ҳодиса содир бўлган жойга юборилган тергов тезкор гуруҳи жи-ноят ишини кўзгатишдан аввал тегишли эксперт тадқиқотларини ўт-казиш ҳуқуқига эга бўлади (агар шу гуруҳ ичида эксперт-мутахассис шахс бўлса, акс ҳолда экспертиза ишни кўзгатишдан кейин тайин-ланиши керак).

ЖПКнинг 180-моддасида қайд этилган талаблар тегишли шахс-ларга нисбатан қарор (ажрим) қабул қилинса, уларга нисбатан айнан шу қарор (ажрим) мажбурий таърифга эга бўлади.

Қарор (ажрим) билан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ҳамда жабрланувчи, уларнинг вакиллари, химоячилари танишиб чиқишга ҳақли.

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) билан таниш-тириш ҳақида терговчи, суд баённома тузади ва баённомада уларнинг фикр ва мулоҳазалари, илтимосномалари қайд этилиши мумкин. Бун-дан ташқари баённомада гумон қилинувчи, айбланувчи, судланув-чиларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништи-риш тўғрисидаги белги қайд этилиши, яъни уларга 179 ва 181-моддаларнинг талаблари тушунтирилиши керак (ЖПК, 180-модда).

Мураккаб тиббий текширув усулларидан, шунингдек кучли оғ-риқ бериш билан боғлиқ усуллардан мажбурий фойдаланишга фақат экспертиза ўтказилаётган шахснинг розилиги билан йўл қўйилади. Башарти бундай шахс ўн олти ёшга тўлмаган ёки руҳий касал бўлса, экспертиза унинг қонуний вакили, васий ёки ҳомийсининг розилиги билан амалга оширилади (ЖПК, 181-модда).

Мураккаб тиббий текширув усулларини экспертиза жараёнида қўллаш бевосита одам танасида бўлган жойларга таъсир қилиш билан ўтиши мумкин, шунга асосан экспертизага юборилган шахсда бу усуллардан фойдаланиш жараёнида оғриқ бериш билан бошқа ҳаракатлар ўтказилади, шунинг учун бундай ҳаракатларга экспертиза ўтказилаётган шахснинг розилиги билан йўл қўйилади.

Агар бундай ҳаракатлар вояга етмаган ёки руҳий касалга дучор бўлган одам устидан ўтказиладиган бўлса, у ҳолда бундай ҳаракат-ларни ўтказишдан аввал уларнинг қонуний вакили, васий ёки ҳомий-сининг розилиги олиниши лозим.

Агар экспертизага юборилган шахс унинг устидан оғриқли ҳаракатлар ўтказилишига қарши бўлса, у ҳолда унга ЖПКнинг 271-моддасида қайд этилган мажбуриятлар тушунтирилади ва қатъий равишда унга нисбатан анестезия усуллари қўлланилади. Мажбурлов чоралари ўтказилиши тўғрисида терговчи экспертиза тайинлаш қарорда қайд этиб ўтиши керак (ЖПК, 181-модда).

Суриштирувчи, терговчи, суд экспертиза тайинлаш тўғрисида ўзи чиқарган қарорни ёки ажримни, текшириладиган объектларни, зарур ҳолларда жиноят ишини ҳам экспертиза муассасасининг раҳ-барига юборади. Қарор ёки ажримда муайян эксперт кўрсатилмаган бўлса, экспертиза муассасасининг раҳбари шу муассаса ходимлари-дан қайси бири экспертиза ўтказиши тўғрисида фармойиш чиқаради. Бу ҳақда у экспертизани тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки судга хабар беради.

Экспертиза муассасасининг раҳбари экспертиза ўтказишни таш-кил қилади, текшириладиган объектнинг сақланишини таъминлайди, экспертизани ўтказиш муддатини белгилайди. Экспертиза муассаса-сининг раҳбари экспертиза муассасасида ишламайдиган мутахассис-ларни экспертизани тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки суднинг розилиги билангина экспертиза ўтказиш учун жалб этишга ҳақлидир (ЖПК, 182-модда).

Суриштирувчи, терговчи, суд экспертиза тайинлаш тўғрисида ўзи чиқарган қарор ёки ажримни, текшириладиган объектларни, за-рур ҳолатларда жиноят ишини ҳам экспертиза муассасасининг раҳба-рига юборади ва агар қарорда (ажримда) экспертизани қайси эксперт-га тошпириш қайд этилмаган бўлса, ушбу муассасасининг раҳбари ўз ходимлари орасидан тегишли экспертни танлайди ва бу тўғрида фармойиш чиқаради.

ЖПКнинг 182-моддасида қайд этилган эксперт муассасасининг раҳбари шу моддада қайд этилган процессуал ҳуқуқлардан тўла фойдаланиш мумкин ва тегишли мажбуриятларини бажариши керак. Агар терговчи экспертиза ўтказиш жараёни бўйича тегишли ахборот олмоқчи бўлса, у ҳолда экспертиза муассасасининг раҳбари унга экспертиза жараёни қандай ўтаётганлиги тўғрисида оғзаки ахборот бериши мумкин, терговчи экспертнинг яқунловчи хулосасини олга-нидан сўнг амалда қандай натижалар бўлганлигига ишонч ҳосил қилади (ЖПК, 182-модда).

Экспертиза экспертиза муассасасидан ташқарида ўтказиладиган бўлса, суриштирувчи, терговчи ёки суд экспертиза ўтказиш тўғри-сида қарор ёки ажрим чиқаргандан кейин экспертиза ўтказиш топши-рилаётган шахсни чақиртиради, унинг шахси ва малакасини, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, жабрланувчига бўлган муносабатини ва уни рад этишга асослар бор-йўқлигини аниқлайди.

Экспертизани тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки суд экспертга экспертиза тайинланганлиги тўғрисидаги қарорни ёки аж-римни тақдим этади, уни ЖПКнинг 68-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан

таништиради ва хулоса беришдан бўйин товлаганлик, шунингдек била туриб ёлгон хулоса берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради. Эксперт берган ариза ва илтимосномалар ҳам шу зайдда қайд этилади. Экспертнинг илтимоси рад этилса, экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки суд бу ҳақда қарор ёки ажрим чиқаради.

Агар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳнинг баданини ёхуд руҳий ҳолатини текшириш зарурати пайдо бўлса, экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки суд уларнинг экспертга олиб келинишини таъминлаши шарт (ЖПК, 183-модда).

Агар экспертиза эксперт муассасасидан ташқарида ўтказила-диган бўлса, суриштирувчи, терговчи ёки суд экспертиза ўтказиш учун қарор ёки ажрим чиқарганидан кейин текширилаётган шахсни чақиртиради, унинг шахси ва малакасига, гумон қилинувчи, айбла-нувчи, судланувчи, жабрланувчига бўлган муносабатини ва уни рад этишга асослар бор-йўқлигини аниқлайди ва шундан сўнг бундай асослар йўқ бўлса, қарорни топшириб, экспертиза бўйича унинг тегишли процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини таништириб чиқади. Бундан ташқари била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун жавобгар-лик тўғрисида ва хулоса беришдан бўйин товлаганлик учун жавоб-гарлик тўғрисида огоҳлантиради.

Агар эксперт аввал эксперт муассасасида йиғилганлиги аниқлан-ган бўлса ва бу эксперт муассасасининг фаолияти текширилаётган бўлса, у ҳолда эксперт жиноят ишида манфаатдор шахс сифатида тан олинади (агар бу тўғрида тегишли далиллар бўлса) ёки ишга манфаат-дорлиги гумон қилиниши мумкин. Бу ҳолларда суриштирувчи, тер-говчи бошқа экспертни ушбу экспертиза ўтказиш учун тайинлаши ке-рак. Экспертнинг ихтисослигини тегишли ҳужжатлар бўйича текши-риш мақсадида суриштирувчи, терговчи экспертиза тайинлашдан аввал экспертнинг шахсий ҳужжатлари билан танишиш ҳуқуқиға эға (ЖПК, 183-модда).

Эксперт зарурий текширишларни ўтказиб бўлганидан кейин ўз номидан ёзма хулоса тузади ва уни имзолаб тасдиқлайди.

Экспертнинг хулосасида:

унинг фамилияси, исми ва отасининг исми, маълумоти, ихти-соси, ушбу ихтисослик бўйича стажи, илмий даражаси ва илмий унвони, эғаллаб турган лавозими;

хулоса беришдан бўйин товлаганлик ва била туриб ёлгон хулоса берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида экспертнинг огоҳ-лантирилганлиги;

экспертиза қайси процессуал қарорға асосан ва қачон ўтказил-ганлиги;

уни ўтказиш вақтида ким ҳозир бўлганлиги;

эксперт ишнинг қайси материалларидан фойдаланганлиги, қайси ашёвий далиллар, намуналар ва бошқа объектлар текширувдан ўтка-зилганлиги;

хусусан қандай текширишлар ўтказилганлиги, қандай усуллар-дан фойдаланилганлиги ва уларнинг ишончлилик даражаси;

қўйилган саволларға берилган асосли жавоблар, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлган ва эксперт ўз ташаббуси билан аниқлаган ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Эксперт хулосасида жиноят сабаблари ва унинг содир қилини-шига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек уни бартараф қи-лишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилган бўлиши мумкин.

Текшириш ўтказилганидан қолган ашёвий далиллар, намуналар, бошқа объектлар, шунингдек фотосуратлар, схемалар, чизмалар экс-перт хулосасиға қўшиб қўйилиши зарур.

Агар экспертга берилган материалларнинг етарли эмаслиги ёки экспертнинг махсус билимлари етарли эмаслиги текширув чоғида маълум бўлиб қолса, экспертнинг хулосаси айрим қўйилган савол-ларға жавоб беришни рад этиш асосларини ўз ичига олган бўлиши лозим (ЖПК, 184-модда).

Экспертнинг берган хулосаси маълум факт юзасидан исботлаш воситаси сифатида ва унинг ўзига хос далил сифатида баҳолалиши лозим.

Эксперт хулосасида экспертиза ўтказиш жараёнида иштирок эт-ган терговчи, айбланувчи, гумон қилинувчи ва жабрланувчи (гувоҳ)-лар бўлгани ва қандай эксперт томонидан қилинган ҳаракатлар жараёнида ушбу шахслар иштирок этганлиги қайд этилади. Бундан ташқари эксперт хулосасида экспертни тегишли тергов ҳаракат-ларида ёки тушунтиришлар жараёнида иштирок этганлиги қайд этилиши лозим.

Эксперт хулосаси учта қисмдан: кириш, тадқиқ қилиш ва хулосавий қисмдан иборатдир. Агар эксперт бирон савол бўйича махсус лаёқатидан келиб чиқиб унга жавоб бериши мумкин бўлмаса, у ҳолда буни ўз хулосасида қайд этиши керак. Саволлар эксперт учун равшан қўйилмаган тақдирда ёки бирон саволға тушунмаса, бу ҳақда эксперт хулосасида қайд этади ва. терговчига ушбу савол бўйича бирон аниқлаштиришлар киритиши борасида мурожаат қилиши мумкин. Экспертнинг берган жавоблари асосли бўлиши керак.

Эксперт ташаббуси ёки терговчининг топшириғига биноан (ушбу топширик экспертиза ўтказиш қароридан мавжуд бўлиши мумкин) жиноят содир этиш шароитлари ва шартлари тўғрисида тўхталиб ўтиши керак (агар бу масалани айнан махсус билим орқали ҳал қилиш мумкин бўлса) (ЖПК, 184-модда)

Экспертга тақдим қилинган объектлар экспертиза ўтказиш учун етарли бўлмаса, эксперт қўшимча материаллар берилишини сўрайди, бундай материаллар бўлмаса, шунингдек эксперт олдиға қўйилган саволларни унинг махсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмаса, хулоса бериш имконияти йўқлиги тўғрисида асосланги-рилган ҳужжат тузади ва уни экспертиза муассасасининг раҳбарига ва экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки судға юборади (ЖПК, 185-модда).

Хулоса беришнинг иложи йўқлиги экспертиза ўтказишға имкон берувчи омилларнинг йўқлиги ва эксперт унда бор бўлган материал ва объектлар хулоса чиқарилиши учун тўлиқ эмаслигидан далолат беради. Бундан ташқари эксперт маълум махсус билимға эға бўлсада, аммо олдиға қўйилган саволға жавоб олиш учун имконият бермаса ёки бу саволға жавоб олиш учун фанда мавжуд бўлган услублар ва тадқиқ этиш усуллари қатъий натижа беришға имкон яратмаса, у ҳолда эксперт асослангирилган акт тузиб, унда ушбу эксперт олдиға қўйилган саволларға қандай сабабларға кўра жавоб бера олмаслигини тавсиф этади ва ўзининг бу ҳужжатини экспертиза муассасасининг раҳбарига ва экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи судға юборади.

Эксперт хулоса беришнинг иложи йўқлигини экспертиза тайин-лаш тўғрисидаги қарор ва унга илова қилинган

объектларни олгани-дан сўнг терговчи, суриштирувчига маълум қилиниши лозим. Агар хулоса беришнинг иложи йўқлигига тегишли асослар мавжуд бўлма-са, экспертга тақдим этган объектлар экспертиза ўтказиш учун етарли бўлмаса, эксперт олдига қўйилган саволлар унинг махсус билими чегарасидан чиқиб кетган бўлса, уларга жавоб бериш имкони йўқлиги сабабли хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги далолатно-мани терговчи, суриштирувчига тақдим этади, эксперт олдига қўйил-ган саволларни ҳал этиш учун ушбу фанда мавжуд бўлган тадқиқ этиш услуб ва усуллари, техник восита ва ускуналар ҳали етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли қатъий натижага эга бўлиш имкони йўқлиги сабабларига кўра хулоса беришнинг иложи йўқлиги-ни суриштирувчи, терговчига маълум қилади.

Терговчи, суриштирувчи хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғ-рисидаги экспертнинг далолатномасини олганидан сўнг, эксперт ол-дига қўйилган саволларни экспертизадан ташқари тергов ҳаракатлари орқали ҳал этишга ҳаракат қилиши мумкин (ЖПК, 185-модда).

Экспертнинг хулосаси етарли даражада аниқ бўлмай, камчилик-ларини тўлдириш учун қўшимча текшириш ўтказишга зарурат бўлма-са ёки эксперт фойдаланган усулларга аниқлик киритиш зарур бўлиб қолса, суриштирувчи, терговчи ёки суд экспертни ЖПКнинг 98-108-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда сўроқ қилиш ҳуқуқига эга (ЖПК, 186-модда).

Агар экспертнинг хулосаси суриштирувчи, терговчи учун етар-ли даражада аниқ бўлмаса, у ҳолда суриштирувчи, терговчи бу саволларни аниқлаш учун қўшимча текшириш ўтказиш имкониятига эга бўлмаса, бевосита экспертиза ўтказган экспертни чақириб, аниқ бўлмаган жавоблар бўйича уни сўроқ қилиш ҳуқуқига эга (ЖПК, 186-модда).

Эксперт хулосаси суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан биргаликда унинг илмий асосланганлиги ва экспертиза ўтказиш учун белгиланган барча про-цессуал қоидаларга риоя этилганлиги нуқтаи назаридан баҳоланади.

Экспертнинг хулосаси суриштирувчи, терговчи ёки суд учун муқаррар далилий кучга эга эмас. Хулосага қўшилмаслик қарорда ёки ажримда асослаб берилиши лозим.

Жиноят иши бўйича бир неча экспертиза ўтказилган ва экс-пертлар бир хил фикрга келмаган бўлсалар, суриштирувчи, терговчи ёки суд баъзи экспертларнинг хулосаларига қўшилиш ва бошқа экспертларнинг хулосаларига қўшилмаслик тўғрисидаги ўз фикрини асослаб бериши лозим (ЖПК, 187-модда).

Эксперт хулосаси унинг воқеликка тўғрилиги ва далилий аҳа-миятга эгалиги бўйича баҳоланади. Воқеликка тўғрилиги эксперт ху-лосасини ишда мавжуд бўлган бошқа далиллар билан солиштириш натижасида аён бўлади. Хулоса мазмунини ўрганганда уни воқеликка тўғри бўлиши, тўлиқ бўлганлиги ва илмий жиҳатдан асосланган-лигига эътибор бериш керак. Далилий аҳамиятга эга бўлиш процес-суал қонун асосида экспертиза ўтказиш қоидаларига бўйсунуши билан таърифланади, яъни экспертни ишга нисбатан манфаатдор бўлмаганлиги, экспертга берилган материаллар процессуал манбалар-дан берилганлиги, шунингдек айбланувчини экспертиза ўтказиш вақтида иштирок этганлиги билан таърифланади. Эксперт хулосасини олганидан сўнг, терговчи уни чиқариш жараёнида процессуал қонун талаблари бузилмаганини текшириши керак.

Эксперт хулосаси иш бўйича мавжуд бўлган ва инкор этишга имкониятлар яратмайдиган далиллар асосида чиқарилиши ва бу далиллар қонуний жиҳатдан тўғри аниқиланган ва олиб қўйилган, қайд этилган бўлиши лозим.

Ушбу экспертиза ўтказиш жараёнини баҳолашда терговчи, су-риштирувчи экспертнинг ҳаракатлари унинг хулосасида қай даражада ўз аксини топганлиги ва илмий нуқтаи назардан тўғри ўтказилган-лиги, тўғри услублар ва усуллар қўлланилганлиги, тахминий эмас, балки қатъий натижалар олинганлигига улар ишда мавжуд ва воқеликка тўғри бўлган далилларга мос эканлигини аниқлаши керак ҳамда ҳозирги фан-техника имкониятларидан тўла фойдаланилган-лигини эътиборга олиш керак.

Экспертиза хулосасини баҳолаганда экспертиза текшируви учун намуналар олиш ЖПКнинг 23-бобида қайд этилган талабларга тўла риоя қилинган ҳолда олинганлигига эътиборни қаратиш лозим (ЖПК, 187-модда).

14-мавзу. Экспертиза текшируви учун намуналар олиш

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тирик одамнинг, мурданинг, ҳайвоннинг, модданинг хусусиятларини ўзида акс эттирувчи намуналар олишга, башарти уларни текшириш эксперт олдига қўйилган са-волларни ҳал қилиш учун зарур бўлса, ҳақлидир.

Тирик одамдан ўзида унинг хусусиятларини акс эттирувчи: био-логик - қон, соч, сўлак, инсон организмидан ажралиб чиқадиган моддалар; психофизик - дастхат; анатомик - тери нақшининг чизиқлари, тиш қолиплари; шунингдек овознинг хусусиятлари, касб малакасини акс эттирувчи намуналар олиниши мумкин. Мурдани кўздан кечиришда ҳам текширув ўтказиш учун керакли моддий намуналар олиниши мумкин.

Намуна тариқасида ҳам ашё, маҳсулот ва бошқа материаллардан модданинг турга оид ёки ўзига хос физик ёхуд кимёвий хоссаларини акс эттирувчи намуналар олиниши мумкин.

Текширув ўтказиш жараёнида эксперт гильза, ўқ, бузиш асбоблари ва бошқа объектларнинг тажриба намуналарини тайёрлашга ва уларнинг экспериментал изларига қараб, ўхшашлик ёки фарқланиш масаласини ҳал этишга ҳақлидир (ЖПК, 188-модда).

ЖПК 188-моддасининг биринчи бандида қайд этилган объектлар намуна турлари сифатида тан олиниб, қуйидаги талабларга риоя қилиниши лозим:

а) экспертиза тайинлашдан аввал эксперт хулосасини олиш мақсадида терговчи иш бўйича зарур бўлган материал ва намуналарни, яъни тирик одам, мурда, ҳайвон ва модданинг хусусиятларини акс эттирувчи намуналарни олиш керак;

б) ушбу намуналар тадқиқ этиладиган объектга нисбатан шу объектни олиш шароитлари, вақти, усули ва олинган воситаларига нисбатан мос ҳолда бўлиши тадқиқ қилинадиган объект билан айнан ўхшаш бўлиши керак;

в) намуналар тадқиқот ўтказиш учун етарли ҳажм ва сонда, тадқиқ қилинадиган объектларнинг барча белгиларини аниқлаш мақсадида шу талабларга риоя қилинган ҳолда олиниши зарур;

г) агар намуналари олинаётган шахс намуналар шаклини ўзгартириб беришда гумон қилинса, у ҳолда унга шундай топшириқлар бериш керакки, ушбу ўзгартиришларни бартараф қилиш мақсадида ундан олиннадиган намуналарнинг сони кўпроқ бўлсин. Масалан, одамнинг дастхати бўйича унинг қўл ёзма намуналари сони камида 15-20 варақдан иборат бўлиши мумкин.

Тадқиқот учун олиннадиган намуналар, предметлар, моддалар, улардан қолган изларнинг шахслар ёки предметлар (объектлар) воқеаликка қолдирган белгилари уларнинг жиноят ҳодисасига бевосита ёки билвосита алоқадорлигига кўрсатувчи хусусиятлар йиғиндилари сифатида тан олинади.

Намуналар айнан ўхшаш шахслар ёки бир хил предметлар, биологик хусусиятлар, шахсларнинг психофизикавий хусусиятларини кўрсатувчи хоссаларни ташкил этиши мумкин. Намуналар икки катта гуруҳга бўлинади ва шахс ёки предмет белгилари ва хусусиятларини жиноятга нисбатан алоқадор ёки алоқадор эмаслигини кўрсатиш мақсадида эксперт тадқиқоти учун шароит яратади. Ушбу гуруҳлар қуйидагилардан иборат:

а) жиноят иши қўзғатилишидан аввал мавжуд бўлган намуналар, масалан, эркин равишда тузилган дастхат намуналари, криминалис-тик ҳисобларга доир тузилган дактокарта ва ҳоказолар. Уларни олишнинг процессуал воситалари сифатида тинтув ва олиб қўйиш ҳаракатлари баъзи вазиятларда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳаракати ҳам бўлади;

б) жиноят иши қўзғатилганидан кейин алоҳида шахслардан экс-пертиза тадқиқоти учун намуналар олинади.

Намуналарни олишдан аввал суриштирувчи, терговчи тегишли қарор, суд эса ажрим чиқариши лозим.

Экспертиза текшируви учун намуналар олишда, улар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: биологик намуналар - қон, соч, сўлак намуналари, инсон организмидан ажралиб чиқадиган моддалар; пси-хофизик намуналар - дастхат намуналари; анатомик намуналар - тери нақшининг чизиқлари, тиш қолиплари; шунингдек, овоз хусусиятлари; касб малакасини акс эттирувчи намуналардир.

Мурдани кўздан кечиришда ҳам текширув учун керакли моддий намуналар олиниши мумкин.

Экспертиза текшируви учун намуналар олиш холислар, мутахас-сислар иштирокида ўтказилади, агар мутахассис иштироки керак бўлмаса ҳам холисларнинг иштироки тергов ҳаракатини ўтказиш даврида зарур, акс ҳолда ушбу тергов ҳаракати ҳуқуқий кучга эга бўлмайди.

Тергов ҳаракатларини ўтказишда микрозарралар ҳам далил ҳам намуна сифатида олиниши керак ва шундан сўнг улар экспертиза текширувига юборилади.

Намуна тариқаси ҳам ашё, маҳсулот ва бошқа материаллардан модданинг турига оид ёки ўзига хос физик ёхуд кимё хоссаларини акс эттирувчи намуналар олиниши мумкин. Ушбу намуналарни олганда зарурий равишда мутахассиснинг иштироки керак.

Таққослаш тадқиқотини ўтказиш жараёнида эксперт гильза, ўқ, бузиш асбоблари ва бошқа объектларнинг тажриба намуналарини тайёрлашга ва уларнинг экспериментал изларига қараб, ўхшашлик ёки фарқланиш масаласини ҳал этишга ҳақли (ЖПК, 188-модда).

Эксперт текшируви намуналар олиннадиган шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлмаса ва алоҳида касб маҳоратини талаб қилмаса, суриштирувчи, терговчи ёки суднинг ўзи, зарурат бўлганда эса шифокор, бошқа мутахассис, эксперт иштирокида эксперт текшируви учун намуналар олишга ҳақлидир.

Эксперт текшируви учун намуналар олиш яланғоч бўлиши тақозо этса ёки алоҳида касб маҳоратини талаб қилса, суриштирувчи, терговчи ёки суднинг топшириғига биноан текширув учун намуналарни шифокор ёки бошқа тиббий мутахассис олади (ЖПК, 189-модда).

Агар шахсни ечинтириб яланғочлаш ҳамда унинг касб маҳора-тига оид белгиларни аниқлаш керак бўлмаса, у ҳолда суриштирувчи, терговчи ёки суднинг ўзи намуна олиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар бирон зарурат бўлиб қолса, шифокор, бошқа мутахассис эксперт иштирокида эксперт текшируви учун намуналар олишга ҳақли.

Эксперт текшируви учун намуналар олиш яланғоч бўлиши тақозо этса ёки алоҳида касб маҳоратини талаб қилса, суриштирувчи, терговчи ёки суднинг топшириғига биноан текширув учун намуналарни шифокор ёки бошқа тиббий мутахассис олади.

Намуна олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ва органларнинг номи тегишли қарорда қайд этилиши керак, акс

холда уларнинг намуна олиш учун ҳуқуқий кучга эга бўлиши инкор этилади (ЖПК, 189-модда).

Эксперт текшируви учун намуналар гумон қилинувчидан, айб-ланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, шунингдек тиббий йў-синдаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича устидан иш юрити-лаётган шахсдан олиниши мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойда ёки ашёвий далилларда бошқа шахслар томонидан ҳам из қолдирилган бўлиши мумкинлиги тўғрисида етарлича асослар бўлган тақдирда шу шахслардан ҳам эксперт текшируви учун намуна олиниши мумкин (ЖПК, 190-модда).

Экспертиза ўтказиш учун намуналар гумон қилинувчидан, айб-ланувчидан, судданувчидан, жабрланувчидан, шунингдек тиббий йў-синдаги мажбурлов чоралари бўйича иш юритилаётган шахсдан оли-ниши мумкин. Улардан намуналар олишдан аввал суриштирувчи, терговчи тегишли қарор билан таништириб, ушбу намуналарни олиш ҳуқуқига эга.

Агар ҳодиса содир бўлган жойда ёки ашёвий далилларда бошқа шахслар томонидан из қолдирилган бўлиши мумкинлиги тўғрисида етарлича асослар бўлган тақдирда шу шахслардан ҳам эксперт тек-шируви учун намуна олиниши мумкин. Улар ҳам тегишли қарор билан таништирилиб, ишга тааллуқли ва текширувга оид бўлган намуналарни беришга мажбурдирлар (ЖПК, 190-модда).

Намуна олиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Унда:

намуна оладиган шахс ёки орган;

намуна олиниши керак бўлган шахс;

айнан қандай намуна ва қанча миқдорда олиниши лозимлиги;

намуна олинадиган шахс қачон ва қимнинг хузурига келиши зарурлиги;

олинган намунанинг қачон ва қимга тақдим қилиниши керак-лиги кўрсатилиши лозим (ЖПК, 191-модда).

Намуна олиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Қарорда (ажримда) қуйидагилар қайд этилиши ке-рак: намуна оладиган шахс ёки орган; намуна олиниши керак бўлган шахс; айнан қандай намуна ва қанча миқдорда олиниши кераклиги; намуна оладиган шахс қачон ва қимнинг хузурига келиши зарурлиги; олинган намунанинг қачон ва қимга тақдим қилиниши қайд этилиши лозим.

Намуна олиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим тегишли шахсга чиқарилгани учун мазкур шахсга нисбатан мажбурий кучга эга бўлади. Шу боис ушбу талаб тегишли шахсга қарор билан таниш-тириш пайтида тушунтирилади. Агар намуналарни тақдим этиш учун қарши ҳаракатлар қилинса, бундай ҳаракатлар фавқулодда ҳаракатлар сифатида тан олиниши ва тегишли намуналар олиш зарурлиги билан асосланиши керак.

Намуналарни мажбурий равишда олишдан аввал терговчи те-гишли шахсни намуна беришга оғзаки кўндириши лозим (ЖПК, 191-модда).

Ўздан намуна олиниши учун келишдан бош тортаётган гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, жабрланувчилар маж-бурий келтирилиши мумкин, бунда, башарти қўлланиладиган усуллар оғриқ бермайдиган ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлса, улардан мажбурлов йўли билан намуналар олинади.

Ўзга шахслардан намуналар фақат ЖПКнинг 190-моддасида назарда тутилган ҳолларда ҳамда таносил касаллиги ва бошқа юқум-ли касалликларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган ҳолларда мажбурлов йўли билан олиниши мумкин (ЖПК, 192-модда).

Намуна олишда мажбурлов чегараси намуна олишга қаршилик кўрсатаётган гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, жабрланувчиларнинг қаршилик ҳаракатларини батараф этиш билан чегараланади. Бундай ҳаракатлар улар терговчи, суриштирувчи, суд олдига ёки бирон тиббиёт муассасасига мажбурий келтирилиб, зарур намуналарни олишдан иборат. Агар улар жисмоний ёки оғзаки қар-шилик билдирсалар ҳам намуналар мажбурий равишда олиниши мумкин.

Ўзга шахслардан намуналар ЖПКнинг 190-моддасида назарда тутилган ҳолларда ҳамда таносил касаллиги ва бошқа юқумли касал-ликларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган ҳолларда мажбурлов йўли билан олиниши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи шундай ҳаракатларни амалга оширар экан, тегишли қарор, суд эса ажримда тегишли белги сифатида мажбурлов чегараларини қайд этиб ўтиши лозим (ЖПК, 192-модда).

Суриштирувчи ёки терговчи намуна олиниши керак бўлган шахсни чақиртиради ёки у турган жойга бориб, уни намуна олиш тўғрисидаги қарор ёки суднинг ўзига келиб тушган ажрими билан таништириб тилхат олади ва бу шахсга, мутахассисга, холисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, агар қимдир рад этилган бўлса, бу масалани ҳал қилади. Кейин суриштирувчи ёки терговчи керакли ҳаракатларни бажаради ва эксперт текшируви учун намуналар олади. Бунда оғриқ бермайдиган ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлмаган илмий-техникавий воситалар қўлланилиши мумкин.

Мурдадан, шунингдек хом ашёлардан, маҳсулотлардан, бошқа материаллардан намуналар олиш эксгумация қилиш, олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Олинган намуналар ўралади ва муҳрланади. Кейин суришти-рувчи ёки терговчи уларни намуна олиш баённомаси билан бирга тегишли экспертга юборади. Агар намуна олиш суднинг ажримига биноан амалга оширилган бўлса, ушбу ажримни бажарган суришти-рувчи ёки терговчи намуналарни уларни олиш тўғрисидаги баённома билан бирга судга юборади. Суд тарафлар иштирокида намуналарни кўздан кечириб, уларнинг ҳақиқийлигига ва тўла сақланганлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин олинган намунани ажрим ва баённома билан бирга тегишли экспертга юборади (ЖПК, 193-модда).

Суриштирувчи, терговчи намуна олиш учун қарор чиқаради ва намуна олиниши керак бўлган шахсни чақиртириб ёки турар жойига бориб намуна олиш тўғрисидаги қарор ёки суднинг ўзига келиб тушган ажрим билан уни таништириб тилхат олади ва бу шахсга, му-тахассисга, холисларга уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбурият-ларини тушунтиради. Агар қимдир рад этилган бўлса, бу масалани ҳал қилади. Шундан сўнг суриштирувчи ёки терговчи керакли хара-катларни бажаради ва эксперт текшируви учун намуналар олади.

Намуналар олиш пайтида оғриқ бермайдиган ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлмаган илмий-техникавий воситалар қўлланиши мумкин.

Мурдадан, шунингдек, хом ашёлардан, маҳсулотлардан, бошқа материаллардан намуналар олиш эксгумация

килиш, олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Олинган намуналар тегишли равишда ўралади ва муҳрланади, сўнг мазкур ҳаракатларни суриштирувчи ёки терговчи тегишли баённомада акс эттириб, уни баённома билан биргаликда экспертга юборади.

Агар намуна олиш суд ажримига биноан амалга оширилган бўлса, ушбу ажримни бажарган суриштирувчи ёки терговчи намуна-ларни олиш тўғрисидаги баённома билан бирга судга тақдим қилади.

Суд тарафлар иштирокида намуналарни кўздан кечириб, уларнинг ҳақиқийлигига ва тўла сакланганлигига ишонч ҳосил қилган-нидан кейин олинган намуналарни ажрим ва баённома билан бирга тегишли экспертга юборади.

Намуналар олиш тартиби билан рози бўлмаган тегишли ман-фаатдор шахслар намуналар олиш баённомасида ўзининг шикоят ва аризаларини келтириш ҳуқуқига эга бўладилар (ЖПК, 193-модда).

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тегишли шахсни, шунингдек ундан намуна олиш тўғрисидаги қарорни ёки ажримни шифокорга ёки бошқа мутахассисга юборади. Шифокорни, бошқа мутахассисни, ҳолисларни рад этиш масаласини қарор ёки ажрим чиқарган суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳал қилади.

Шифокор ёки бошқа мутахассис зарур ҳаракатларни бажаради ва эксперт текшируви учун намуналар олади. Бунда оғриқ бермай-диган ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлмаган илмий-техникавий воситалардан фойдаланилиши мумкин. Намуналар ўралиб ва муҳрланиб, суриштирувчи, терговчи ёки судга юборилади.

Текшириш учун ҳайвонлардан намуналар олиш зарурати тугил-са, суриштирувчи, терговчи ёки суд тегишли қарорни ёхуд ажримни ветеринарга ёки бошқа мутахассисга юборади (ЖПК, 194-модда).

ЖПКнинг моддасида шифокор ёки бошқа мутахассис томонидан намуналар олиш тартиби қайд этилган. Суд-тиббиди ходими ва махсус билимга эга бўлган шахслар одамлардан, мурдадан, ҳайвонлардан, уларнинг жасадларидан намуна олиш ҳаракатларини ушбу модданинг талабларига биноан амалга оширадилар. Ушбу ҳаракатларни амалга ошириш суриштирувчи, терговчининг қарорига биноан тегишли ваколатга эга бўлган шифокор ёки ветеринарга юклатилади. Суд ҳам ажрим чиқариб, ветеринар ёки шифокорга тегишли процес-суал ваколатлар бериш ҳуқуқига эга.

Тегишли қарор (ажрим) намуна олиш тўғрисидаги ҳужжат бўлиб, унда ким, қачон қайси объектдан қандай намуналарни олиши ва кимга юбориши қайд этилган бўлиши ҳамда суриштирувчи, терговчи ёки суд имзоси билан тасдикланиши керак.

Ушбу қарор қаерда ва қачон ким томонидан чиқарилгани, уни чиқарган шахснинг лавозими, иш жойи, фамилияси, унвони қайд этилиши лозим.

Қарорга (ажримга) биноан шифокор, ветеринар тегишли намуна олиш билан боғлиқ ҳаракатларни ўтказиши ва шунда оғриқ бермай-диган ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлмаган ил-мий-техникавий воситалардан фойдаланиши, ветеринар эса ушбу илмий-техника воситаларини ҳайвонлардан намуна олишда ишлатиши мумкин. Ветеринар қўллаган илмий-техника воситалари албатта ўзига хос бўлади. Олинган намуналарни юқорида қайд этилган мутахассислар ўраб, муҳрлаб, суриштирувчи, терговчи ёки судга юборишлари лозим.

Агар ҳайвонлардан намуна олиш зарурати бўлсада аммо вете-ринар-мутахассис топилмаса, у ҳолда унинг вазифасини зоотехник мутахассис ижро этиши мумкин. Шунинг учун терговчи ушбу қарорни чиқаришдан олдин ветеринария соҳасида мутахассис бўлган шахс билан учрашиб, ундан маслаҳат олиш ёки уни бу тўғрида батафсил сўроқ қилиши мумкин.

Шифокор ёки ветеринар намуналарни олгани тўғрисида намуна-ларни олиш далолатномасини тузиш ҳуқуқига эга. Ушбу далолат-номада бу ҳужжат қачон, ким томонидан тузилгани унинг мансаби, лавозими, иш жойи, намуналарни нимага асосан олганлиги, қайси объектдан ва қандай намуналар олинганлиги, объектнинг қайси жойидан ва қанча миқдорда, ҳажми намуналар олинганлиги, бу ҳаракатлар қанча вақт давом этганлиги, олинган намуналар ўралиб ва муҳрланиб, мутахассис томонидан имзоланиб, суриштирувчи, тергов-чи ёки судга юборишга тайёр ҳолатда бўлганлиги қайд этилади ва мутахассис томонидан имзоланади. Далолатноманинг далилий кучи-ни мустаҳкамлаш мақсадида уни мутахассис билан ишлаётган ходим-лар (икки кишидан кам бўлмаган) имзолаши мумкин. Шундан сўнг намуналар қарор ва далолатнома билан суриштирувчи, терговчи ёки судга юборилади (ЖПК, 194-модда).

Текширув ўтказиш жараёнида эксперт томонидан ЖПК 188-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган тажриба намуна-лари тайёрланиши мумкин.

Суриштирувчи ёки терговчи бундай намуналарни тайёрлаш чоғида ҳозир бўлишга ҳақли бўлиб, бу ҳол улар томонидан тузилади-ган баённомада акс эттирилади.

Эксперт текширув ўтказиб бўлганидан кейин намуналарни муҳрланган ҳолда ўз ҳулосасига қўшиб қўяди.

Суриштирувчи ёки терговчи, суд муҳокамасида эса суд ва тарафлар эксперт тақдим қилган тажриба намуналарини кўздан кечи-радилар, шундан сўнг улар ашёвий далил сифатида жиноят ишига қўшиб қўйилади (ЖПК, 195-модда).

Текиширув ўтказиш жараёнида эксперт гильза, ўк, бузиш асбоблари ва бошқа объектларнинг тажриба намуналарини тайин-лашга ва уларнинг экспериментал изларига қараб, ўхшашлик ёки фарқланиш масаласини ҳал этишга ҳақли. Ушбу намуналарни эксперт ўз ташаббуси билан тайёрлаш ҳуқуқига эга.

Намуналар тайёрлаш жараёни баённомада акс этиши керак. Уни эксперт тузишга ҳақли, агар бу жараёнда суриштирувчи ёки терговчи иштирок этса, у ҳолда мазкур ҳаракатларни улар баённомада қайд этишлари лозим.

Тайёрланган намуналарни эксперт тадқиқотида ишлатишга ҳу-қуқига эга. Тадқиқот ўтказиб бўлганидан сўнг ушбу намуналарни эксперт муҳрлайди ва ўз ҳулосасига қўшиб қўяди. Эксперт ўз ҳулосасида ва уларни тадқиқотда ишлатганлигини қайд этиши лозим. Шундан сўнг у ҳулоса билан намуналарни суриштирувчи, терговчи ёки судга юборади.

Суриштирувчи ёки терговчи, суд муҳокамасида уларга юбо-рилган эксперт ҳулосаси ва намуналар ўрганилиб, кўздан кечирилади ва баҳоланади, шундан сўнг ашёвий далил сифатида жиноят ишига қўшиб қўйилади (ЖПК, 195-модда).

Эксперт текшируви учун намуналар олишда қўлланиладиган усуллар ва илмий-техникавий воситалар инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлиши лозим. Кучли оғриқ берадиган мураккаб тиб-бий тадбирлар ва усулларни қўллаш намуна олинishi лозим бўлган шахснинг розилиги билан, башарти у ўн олти ёшга тўлмаган ёки руҳий касал

бўлса, унинг қонуний вакили, васийлари ёки ҳомий-ларининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Намуна олиш намуна олинувчини ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлса, шифокор, бошқа мутахассис, холислар намуна оли-нувчи шахс билан бир жинсда бўлишлари лозим (ЖПК, 196-модда).

Намуналар олишда эксперт жиноят процессида, яъни намуна-ларни олиш ҳаракатида иштирок этаётган фуқаронинг ҳуқуқ ва эр-кинликларини муҳофаза қилиши шарт. Суриштирувчи, терговчи ёки суд экспертга оғзаки равишда тегишли шахсдан намуна олиш тўғри-сидаги кўрсатмаси мазкур турдаги ҳаракатларни амалга оширишга асос бўла олмайди.

Агар эксперт намуна олиш учун қучли оғриқ берадиган му-раккаб тиббий тадбирлар ва усуллар орқали намуна олиши лозим бўлса, бундай ҳолларда шахснинг розилиги керак, акс ҳолда бундай ҳаракатларни бажармаслик керак, чунки бу ЖПКнинг 18-моддасига зид ҳолда ўтказилган ҳисобланади.

Агар қучли оғриқ берадиган мураккаб тиббий тадбирлар ва усулларни қўллаш ўн олти ёшга тўлмаган ёки руҳий касал бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган бўлса, у ҳолда улардан намуна олиш ҳаракатларини бошлашдан аввал уларнинг қонуний вакили, васийлари ёки ҳомийларининг розилиги олинади ва шу вакил, васий ва ҳомий шахслар мазкур ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Иш бўйича намуна олишга қонуний вакил, васий ёки ҳомий шахс розилик бермаган ҳолда суриштирувчи, терговчи намуна олини-ши зарурлиги ва уни тергов қилинаётган иш бўйича муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, ЖПКнинг 271-моддасида қайд этилган талабларни уларга тушунтириб, намуналарни мажбурий равишда олдириш ҳаракатларини амалга оширишга ва бу тўғрида чиқарган қарорларида қайд этиб, шу ҳужжатга асосан эксперт мазкур ҳаракат-ларни бажаришга мажбур бўлади.

Намуна олиш намуна олинувчини ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлса, шифокор, бошқа мутахассис, холислар намуна олинув-чи шахс билан бир жинсда бўлишлари лозим, акс ҳолда ЖПКнинг 18-моддаси қўпол равишда бузилган бўлади (ЖПК, 196-модда).

Эксперт текшируви учун намуналар олинганлиги тўғрисида ЖПКнинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ суриштирувчи ёки терговчи баённома тузади, суд эса, ўзига келган намуналарни суд мажлиси баённомасида акс эттиради (ЖПК, 197-модда).

15-мавзу. Нарсалар ва ҳужжатларни тақдим қилиш

Фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар-нинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари ўз фикрларига кўра иш учун аҳамиятга молик бўлган нарсаларни суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилишга ҳақлидир.

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тақдим қилинган нарсани ЖПКнинг 136, 137, 139 ва 140-моддаларида баён қилинган қоидалар-га асосан кўздан кечириши, агар тақдим қилинган нарсани иш учун аҳамиятли деб топса ёки келгусида аҳамияти бўлиши мумкин деб ҳисобласа, уни қабул қилиши шарт. Шунингдек ушбу иш учун аҳамиятли бўлмаган, лекин муомаладан чиқарилган нарсалар (қуроллар, гиёҳвандлик воситалари, порнография нашрлари ва бошқалар) ҳам қабул қилиб олинishi лозим.

Иш учун аҳамиятли бўлмаган ва муомаладан чиқарилмаган нар-салар тақдим қилинган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи ёки суд уларни кўздан кечириб бўлганидан кейин эгаларига дарҳол қайтариб беради (ЖПК, 198-модда).

Фуқаролар дастлабки тергов жараёнида ёки суд муҳокама-ўз их-тиёрларидаги жиноят ишига тааллуқли нарсаларни сушителирувчи, тер-говчи ёки судга тақдим қилиш ҳуқуқига эга бўладилар ва суриш-тирувчи, терговчи ёки суд уларнинг бу ҳуқуқидан маҳрум қилиш ваколатига эга эмас ва уларнинг талаби бўйича ушбу нарсани кўздан кечириб уни қабул қилишлари шарт.

Фуқаро ўзига мансуб бўлган нарсани суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилиш учун иккита асос, яъни: а) тақдим этилаётган нарса ва тергов қилинаётган жиноят ишига алоқадорлиги бевосита ёки билвосита шу ишнинг далиллари ва ҳоллари билан боғлиқ бўлиши; б) бу нарсани унга эга бўлган шахс ўз ташаббуси билан суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим этиши лозим.

Терговчи, суриштирувчи ва суд фуқароларда ишга тааллуқли нарсалар борлигини ҳар қандай тергов ҳаракатини ўтказиш вақтида аниқлаб туришлари лозим ва агар фуқарода бирон нарса унинг ёки ўзга шахснинг эгаллигида бўлса, уни тақдим этиш ҳуқуқини тушун-тириши керак.

Нарсаларни эгалари томонидан суриштирувчи, терговчи ёки судга топшириш ушбу шахсларни жиноят процессида жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашда муҳим ўрин тутди, ушбу ёки бошқа жиноят процесси қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаат-ларини химоя қилишда катта роль ўйнайди ва дастлабки тергов ҳамда суд муҳокамасида жиноят ҳодисаси бўйича тўлиқ маълумотлар ва ашёларга эга бўлиши ҳолатини таъминлайди.

Муомаладан чиқарилган нарсалар очиқ савдода олиб-сотиш объектлари сифатида ишлатилмайди, уларни мазкур муомалага кири-тиш ман этилган. Қуроллар, гиёҳвандлик воситалари, порнография нашрлари кабилар ана шундай объектлардир.

Агар фуқаро иш бўйича муомаладан чиқарилган ва шу ишга тааллуқли бўлган нарсаларга эга бўлса ва ўз ташаббуси билан суриштирувчи, терговчи ёки судга топширмоқчи бўлса, улар қабул қилиниши лозим, акс ҳолда фуқарода муомаладан чиқарилган объектлар борлиги суриштирувчи, терговчи ёки судга маълум бўлиб, ана шу объектни ўша шахсдан талаб қилиб олиш зарур бўлса, унда тинтув ўтказиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Фуқаролар ўзларига тегишли нарсаларни топширишлари ҳақида суриштирувчи, терговчи ва судга оғзаки ёки ёзма тарзда билди-ришлари мумкин, уни суриштирувчи, терговчи илтимоснома сифати-да қабул қилиб олиши лозим. Шундан сўнг суриштирувчи, терговчи ёки суд ўша нарсани фуқарога олиб келиш тўғрисида тавсия қилиши ёки у билан нарса сакланаётган жойга бориб у ерда кўздан кечириб қабул қилиши мумкин. Бу ҳаракат ўтказилганлиги тўғрисида нарсани кўздан кечириш ва уни қабул қилиш тўғрисида тузилган баённома далолат бўла олади.

Фуқаро томонидан суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим этилган нарса 136-140-моддаларининг талабига биноан кўздан кечирилади ва қабул қилиниб, бу тўғрида баённома тузилади.

Агар тақдим этилган нарса ишга тааллуқли бўлмаса, терговчи, суриштирувчи ва суд уни кўздан кечириб, тегишли баённома (нарсани кўздан кечириш баённомаси) туздан сўнг ушбу баённомада, мазкур нарса эгасига қайтариб берилганлиги қайд этилади ва нарса эгаси эса баённомага тасдиқловчи имзосини қўяди (ЖПК, 198-модда).

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тинтув ёки олиб қўйиш ўтказмасдан туриб, корхона, муассаса, ташкилот раҳбаридан, шунингдек фуқародан тергов ва суд ҳаракатларини юритиш чоғида вақтинча фойдаланиш учун зарур бўлган нарсаларни тақдим этишларини талаб қилишга ҳақлидир. Бундай нарсалар жумласига қуйидагилар қиради:

1) эксперимент ўтказишда текширилаётган ҳодисанинг ҳолатини ва шароитини қайта тиклаш учун фойдаланиладиган ўхшаш нарсалар ёки макетлар;

2) таниб олиш учун кўрсатилаётган нарса билан турдош бўлган нарсалар;

3) тергов ёки суд ҳаракатларини юритиш ёхуд эксперт текширу-вини ўтказиш учун зарур бўлган мосламалар, асбоб-ускуналар, ан-жомлар, материаллар, агар бундай нарсалар суриштирувчи, терговчи ёки судда ёхуд уларнинг топшириғи бўйича ҳаракат қилаётган мута-хассис, эксперт ёки экспертиза муассасасида бўлмаса, зарурат қол-магач, бу нарсалар эгасига қайтарилиши лозим (ЖПК, 199-модда).

Суриштирувчи, терговчи ёки суднинг талабига биноан тинтув ёки олиб қўйиш ўтказмасдан туриб бу мансабдор шахс корхона, муас-саса, ташкилот раҳбарлари, шунингдек, фуқаролардан тергов ва суд ҳаракатларини юритиш чоғида вақтинча фойдаланиш учун зарур бўлган нарсаларни тақдим этишларини талаб қилишлари мумкин ва бу нарсалардан улар фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Вақтинчалик ишлатиш учун талаб қилинадиган нарсалар рўй-хати 199-модданинг 1, 2 ва 3-бандларида қайд этилган ва уларни иш-латиб бўлганидан, яъни тегишли тергов ва суд ҳаракатлари ушбу нарсалар билан ўтказиб бўлганидан сўнг уларни эгаларига қайтариш суриштирувчи, терговчи ва суд зиммасига юклатилади.

Агар олинган нарсалар ўз вақтида қайтарилмаган бўлса, улар-нинг эгалари суриштирувчи, терговчи ва суд ҳаракатларига нисбатан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўладилар ва ўз шикоятларини юқори органларга юбориб, ўзларига тегишли бўлган нарсаларни қайтариб бериш тўғрисида талаб қўйишлари мумкин.

Суриштирувчи, терговчи ва суд вақтинча олинган ашёлар тўғрисида нарса эгасига тегишли тилхат бериши шарт. У тегишли нарса вақтинча олинганлиги тўғрисида далил бўла олади ва суриш-тирувчи, терговчи ҳамда судьянинг имзоси ва муҳри билан тасдиқ-ланиб, санаси қайд этилган бўлиши керак.

Нарсаларни тақдим этиш пайтида ҳолислар иштирок этиши шарт (ЖПК, 199-модда).

Фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари ўз ихтиёрларидаги ҳужжатларни ёки ўзларидаги мавжуд маълумотлар асосида махсус тузилган ҳужжатларни суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилишга ҳақлидирлар (ЖПК, 200-модда).

Фуқаролар, шунингдек корхона, муассаса, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслар ўзларининг ихтиёрида бўлган ҳужжатларни ёки бирон маълумотга эга бўлган материалларни ҳамда махсус таърифга эга ҳужжатларини суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилишга ҳақлидирлар.

Миллий хавфсизлик органларининг ходимлари ўтказилган теле-фон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш натижаларини (баённома ва фонограмма) ўз ташаббуси билан суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим этиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга ЖПКнинг 170-моддасида қайд этилган талабларга тўла риоя қилишлари керак.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва унинг ҳимоячилари иш бўйича муҳим аҳамиятга эга ҳужжатларни ўз ташаббуслари билан суришти-рувчи, терговчи ёки судга тақдим этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Жабрланувчи ва унинг вакили, гувоҳлар ўз ташаббуслари билан иш бўйича муҳим аҳамиятга эга ҳужжатларни суриштирувчи, тергов-чи ёки судга тақдим этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим этиладиган ва тегишли фуқаролар томонидан уларга тақдим қилинадиган ҳужжат-лар деб қуйидаги таърифга эга бўлган ҳужжатларни тан олиши керак:

1) фуқаро томонидан суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим этиладиган ҳужжат содир этилган ва жиноят ва исботланиши лозим бўлган ҳоллар билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлиши;

2) фуқаро томонидан ўз ихтиёри ва ташаббуси билан берилган бўлиши лозим, акс ҳолда биринчи асос бўлмаса, бу ҳужжатни олиш ҳаракати тинтув ёки олиб қўйиш ҳаракатига айланади. (ЖПК, 200-модда).

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бош-қа мансабдор шахслари суриштирувчи, терговчи ёки суднинг тала-бига кўра ўз ихтиёрларидаги ҳужжатларни ёки ўзларидаги мавжуд маълумотлар асосида махсус тузилган ҳужжатларни тақдим қилиш-лари шарт.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бош-қа мансабдор шахслари суриштирувчи, терговчи ёки суднинг тала-бига кўра ўз ваколатлари доирасида ҳужжатли тафтиш ёки бошқа хизмат текширувини ўтказишлари ва тафтиш ёки текширув далолат-номасини барча иловалари билан бирга белгиланган муддатда тақдим қилишлари шарт.

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тафтиш ёки текширув далолат-номасида ёхуд бошқа ҳужжатда белгиланган қоидалардан чекинишга, нуқсон, зиддият ёки бошқа камчиликларга йўл қўйилганлигини аниқлаганда ушбу камчиликлар бартараф этилишини талаб қилишга ҳақлидир (ЖПК, 201-модда)

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бош-қа мансабдор шахсларда жиноят ишига тааллуқли бўлган ҳужжатлар ёки мавжуд маълумотлар асосида махсус тузилган ҳужжатлар бор бўлса, улар суриштирувчи, терговчи, прокурор суднинг талабига кўра бу ҳужжатларни тақдим этишлари керак. Агар корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбарига суриштирувчи, терговчи ёки суд тегишли ҳужжатни тақдим қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилса ва бу мурожаат ёзма равишда сўров қоғозида акс эттирилган бўлса, бундай ҳолларда ушбу корхона, муассаса раҳбари суриштирувчи, терговчи ёки судга тегишли ҳужжатни дарҳол чопар ёки почта орқали юбориши шарт.

Ҳужжатларни тақдим этиш пайтида ҳолислар иштирок этиши шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан ҳужжат-ларни тақдим қилиш талаби корхона, муассаса, ташкилот раҳбарлари ва жисмоний шахслар учун мажбурий кучга эга бўлган талаб сифа-тида тан олинади ва унга қаршилиқ кўрсатиш тегишли процессуал мажбурлов чораларини юзага келтириши мумкин (ЖПК, 201-модда).

Ашёвий далиллар сифатида аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўл-ган нарса ва ҳужжатлар тақдим қилинганлиги тўғрисида ЖПКнинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ суришти-рувчи, терговчи баённома тузади, суд эса суд мажлисининг баённо-масига ёзиб қўяди.

Баённомада:

1) нарса ёки ҳужжатни тақдим этган шахс тўғрисидаги маълумотлар;

2) бу шахснинг нарса ёки ҳужжатни ишга қўшиб қўйиш тўғри-сидаги илтимосномаси;

3) нарса ёки ҳужжатни кўздан кечириш жараёни ва натижалари, агар у почта орқали юборилган бўлса, унинг ўрамасини кўздан кечи-риш натижалари;

4) нарса ёки ҳужжатнинг суриштирувчи, терговчи ёки судга ҳа-қиқатан ҳам топширилгани ёхуд нарса ёки ҳужжат уни келтирган шахсга қайтариб берилгани кўрсатилади.

Ашёвий далил сифатида аҳамиятли бўлган ёки аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган нарса ёки ҳужжатни тақдим этган шахсга суриштирувчи ёки терговчи баённомадан нусха, суд мажлисида раислик қилувчи эса суд мажлиси баённомасидан кўчирма беради.

Қабул қилиб олинган нарса ёки ҳужжат почта орқали келган бўлса, баённоманинг нусхаси ёки ундан олинган кўчирма нарсани ёки ҳужжатни юборган шахсга жўнатилади, почта паттаси баённомага илова қилинади. Суриштирувчи, терговчи ёки суд почта орқали олинган нарса ёки ҳужжатни ишга алоқадор эмас деб топиб, уни юборувчига почта орқали қайтарган тақдирда ҳам почта паттаси баённомага қўшиб қўйилади.

Тақдим этилган нарса ёки ҳужжатни ашёвий далил сифатида ишга қўшиб қўйиш ҳақидаги илтимосни рад қилиш тўғрисида суриш-тирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Тафтишлар ва бошқа хизмат текширувларининг далолатномалари ёзма далил сифа-тида тақдим қилинган бошқа ҳужжатлар қатори ишга махсус расмий-лаштирилмасдан қўшиб қўйилади.

Тергов ёки суд ҳаракатларини юритишда вақтинча фойдаланиш учун сўралган нарсаларнинг қабул қилингани ва қайтариб берилгани суриштирувчи, терговчи, суд мажлисида раислик қилувчи ёки суд мажлисининг қотиби, шунингдек нарсаларнинг эгаси томонидан бериладиган тилхатлар билан расмийлаштирилади. Тақдим қилинган нарсалар иш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлса, уларнинг белгилари, хоссалари, техникавий тавсифи, башарти улар юрити-лаётган тергов давомида ишлатилган бўлса, шу тергов ҳаракати баён-номасида ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилади (ЖПК, 202-модда).

Нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш баённомаси ЖПКнинг 90 ва 92-моддалари талабларига биноан тузилган бўлиши лозим.

Баённоманинг мазмуни ЖПКнинг 202-моддасида қайд этилган талабларга риоя қилиши керак.

Баённоманинг кўчирма нусхасини суриштирувчи, терговчи ва суд нарсани ва ҳужжатни тақдим этган шахсга бериши шарт ва шу тўғрида тегишли шахс ўз имзоси билан баённомани тасдиқлайди.

Почтадан келган нарса ва ҳужжатни тақдим қилиш ҳолатида у бўйича тузилган баённоманинг нусхаси почта орқали нарса ёки ҳужжатни тақдим этган шахсга юборилиши ёки бевосита унинг қўлига тақдим этиши шарт. Почта орқали юборилганлик ҳақида тегишли белги ёки квитанция бу ҳақда далил ҳисобланади. Агар нарса ёки ҳужжат ишга тааллуқли бўлмаса, у ҳолда уни кўздан кечириш баён-номаси тузилиб, нарса ёки ҳужжат эгасига қайтарилади. Нарса ёки ҳужжатни олган тегишли шахс тилхатни суриштирувчи, терговчи ёки судга бериши лозим.

Тафтишлар ва бошқа хизмат текширувларининг далолатнома-лари ёзма далил сифатида тақдим этилган бошқа ҳужжатлар қатори махсус расмийлаштирилмай ишга қўшиб қўйилади.

Нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш баённомаси асосида жи-ноят иши бўйича тузилган бошқа баённомаларда қайд этилган нарса ва ҳужжатлар ашёвий ва ёзма далил сифатида ишга қўшиб қўйиш учун асос бўлади.

Вақтинчалик олинган ашёлар параметрлари тегишли тергов ҳа-рақати баённомасида қайд этилиши шарт (ЖПК, 202-модда).

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т-3, -Т.: Ўзбекистон, 1996. – 338 б.
2. Каримов И.А. Бунёдкорлик йулида. Т-4, – Т.: Ўзбекистон, 1996. –349 б.
3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т-5, – Т.: Ўзбекистон, 1997.- 384 б.
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т-6, – Т.: Ўзбекистон, 1998.- 429 б.
5. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т-7, – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 442 б.
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т-8, -Т.: Ўзбекистон, 2000.-528 б.
7. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т-9, - Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т-10, – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон. 2005. – 47 б.
10. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т-11, - Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (ЎЗР 24.04.2003 й. гача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) - Т.: Ўзбекистон, 2003. - 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят - процессуал Кодекси (2004 йил 29 августгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2004. – 632 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрирда). –Т.: Адолат, 2001. - 158 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири).- Т.: 2002, -57 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида» 2005 йил 10 март Қарори. / Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари Тўплами. № 10-11.- 2005. – Б. 4-5.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги 2005 йил 8 август Фармони.- Халқ сўзи. – август. -2005.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги “Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 16-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорларининг тўплами. 1991-1997: Икки жилдди. I жилд –Б. 39-56.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 2-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорларининг тўплами. 1991-1997: Икки жилдди. I жилд – Б. 106-117.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 22 августдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида”ги 12-қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорларининг тўплами. 1991-1997: Икки жилдди. I жилд – Б. 117-126.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноий жазо чораларини қўллаш бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар ҳақида”ги 11-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами 1999-2005 Б.16-18.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 1 июндаги “Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида” 5-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами 1999-2005 Б.84-93
12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 2 ноябрдаги “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини суд амалиётида қўллаш ҳақида”ги 25-сонли. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами 1999-2005 Б.93-108.
13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги 10-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами 1999-2005 Б.97-108.
14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами 1999-2005 Б.119-123.
15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан қабул қилинган айрим қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги 20- сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами 1999-2005 Б. 147-151.
16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли Қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги қарорлари тўплами. - Т.: 2004, - 3-16 б.
17. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан қабул қилинган айрим қарорларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” ги 6-сонли қарори. //

Ўзбекистон Республика Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами 1999-2005 Б.159-161.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Далиллар мақбулликга оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2004 йил 24 сентябрдаги 12-сонли Қарори. //Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги қарорлари тўплами. –Т.: 2004,- 62 б.

Асосий адабиётлар

1. Белкин Р.С. Теория и практика следственного эксперимента. М.: 1959.
2. Белкин Р.С., Белкин А.Р. Эксперимент в уголовном судопроизводстве. М.: 1997.
3. Вандышев В.В. Уголовный процесс. Курс лекций. - СПб.: Питер, 2002. - 528 б.- (Серия «Учебники для вузов»).
4. Винберг А.И. «Криминалистика» 1950.
5. Гаврилов А.К. «Раскрытие преступлений на предварительном следствии»1983.
6. Гапанович Н. Н. Опознание в следственной и судебной практике (тактика). Минск, 1978.
7. Громов Н.А. Уголовный процесс России: Учебное пособие. М.: Юристъ, 1998.
8. Жиноят процесси (Умумий қисм): Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик (доц. Иноғомжонов З.Ф. нинг умумий тахрири остида). - Т., 2002. «Янги аср авлоди». - 384 б.
9. Жиноят процесси дарслиги (Махсус қисм) Иноғомжонов З.Ф. умумий тахрири остида - Т.:ТДЮИ, 2003. - 380 б.
10. Иноғомжонов Ш.Х. Жиноят процессида далиллар тақдим қилиш ва фойдаланиш муаммолари. Илмий-амалий қўлланма. Т.: Адолат, 2003. -178 б.
11. Иноғомжонов Ш.Х., Иноғомжонов З.Ф. Далиллар назарияси муаммолари фанидан услубий қўлланма.-Т.: ТДЮИ, 2003.- 24 б.
12. Иноғомжонов З.Ф. Жиноят процесси фанидан услубий қўлланма ва масалалар тўплами. (қундузги бўлим талабалари учун). -Т.: ТДЮИ, 2003.-122 б.
13. Кочаров Г. И. Опознание на предварительном следствии. М., 1955.
14. Матвеев А.А. «Осмотр трупа на месте его обнаружения», изд. "Лань", С. - Петербург, 1994.
15. Миренский Б. А., Рахманкулов А. Х., Қодирова В.В., Камолходжаев Ж. Уголовный процесс.Учебник. - Т., 2004. -514 б.
16. Пикалов И.А. Уголовный процесс Российской Федерации (краткий курс): Учебное пособие, 2005. // Allpravo.Ru
17. Попов В.И. Осмотр места происшествия. Алма Ата, 1957.
18. Рустамбоев М.Х., Никифорова Е. Н. Правоохранительные органы. - Т.:ТДЮИ, 2003.-534 б.
19. Прокурор назорати фанидан ўқув-услубий қўлланма. Мадалиев О.М., Алламуратов А.Т. - Т.:ТДЮИ, 2004.- 59 б.
20. Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Иноғомжонов З.Ф. умумий тахрири остида. - Т.: Ўқитувчи, 2005. - 495 б.
21. Рахмонкулов А.Х. ва бошқ. Тергов процессуал ҳужжатларининг намуналари: Амалий қўлланма. - Уз.Р. ИИВ Академияси, 2005. -368 б.
22. Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс: Учебник для вузов/ 2 - е изд. Под. Общ. Ред. А.В. Смирнова. СПб.: Питер, 2005.
23. Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида химоячининг иштироки: Ўқув қўлланма/-Т.: ТДЮИ, 2005. -168 б.
24. Уголовный процесс: Учебник для вузов. Изд. 2-е, перераб. и доп. / Под ред. проф. В.Н.Григорьева и проф. Г.И.Химичевой. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2001. - 576 б. (серия «Dura lex, sed lex»).
25. Уголовный процесс: (Общая часть): Учебник для студентов юридических вузов и факультетов / Под общ. ред. Никифоровой Е.Н. - Т.: Адолат, 2000.- 361 б.
26. Уголовный процесс. Учебник / Под редакцией И.Л. Петрухина. - М.: ПБОЮЛ Грачев С.М., 2001. - 520 б.
27. Уголовный процесс. Учебник для студентов юридических вузов и факультетов / Под ред. К.Ф. Гуценко. Изд. 4-е, перераб. и доп. - М.: ИКД 2001. - 608 б.
28. Уголовный процесс: Учебник для юридических высших учебных заведений / Под общ. ред. В.И. Радченко. — М.: «Юридический Дом «Юстицинформ», 2003
29. Уголовный процесс / Гуценко К.Ф.нинг тахрири остида. «Зерцало - М», М.: 1998.
30. Уголовно-процессуальное право. Учебник / Под ред. Лупинской П.А. -М.: Юристъ, 1997.-591 б.
31. «Уголовно - Процессуальное право Российской Федерации» под общей ред. проф., заслуженного, деятеля науки Российской Федерации П.А Лупинской (издание второе, переработанное и дополненное) Изд.Юристъ., М., 1997
32. «Уголовно - Процессуальное право Российской Федерации» под общей ред., проф., заслуженного, деятеля науки Российской Федерации П.А Лупинской (издание третье, переработанное и дополненное) Изд.Юристъ., М., 1998
33. Шейфер С.А. Следственные действия. Система и процессуальная форма. - М., 1981. – 128 с.
34. Шейфер С.А. Следственные действия. Система и процессуальная форма. - М., 2001..
35. Хидоятлов Б.Б. Дознание в Республике Узбекистан. Учебное пособие. - Т.:ТГЮИ, 2005.-105 б.
36. Эсонов М. "Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш", Тошкент, "Ўзбекистон",1997.
37. Яблоков Н.П. Проблемы расследования и предупреждения преступлений в области охраны труда и техники безопасности. Автореф. докт. дисс. М., 1972

Қўшимча адабиётлар

1. Дастлабки тергов ва ишни судга қадар юритиш процесси устидан суд назорати.(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитаси) семинар материаллари. - Т.: ТДЮИ, 2005.-204 б.
2. Инсоннинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи: назария ва амалиёт муаммолари. Судебная защита прав человека: проблемы теории и практики: Тўплам. - Т.: ТДЮИ, 2003.-152 б.
3. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш адолатли жамиятни бош мезони. Илмий- амалий конференция материаллари. - Т.: ТДЮИ, 2004.- 248 б.
4. Инсон ҳуқуқларини суд ва суддан ташқари ҳимоя қилиш муаммолари илмий амалий анжуман материаллари. - Т.: ТДЮИ, 2005.-150 б.
5. Саломов Б. Ўзбекистонда адвокатлик фаолияти. - Т.: Адолат, 2000.-144 б.
6. Суд ҳуқуқ ислохотлари: назария ва амалиёт илмий-амалий конференция материаллари. - Т.: ТДЮИ, 2001.- 243 б.
7. Терроризмга қарши кураш: илмий-амалий ва назарий муаммолар. Халқаро конференция материаллари. - Т.: ТДЮИ, 2002. - 282 б.
8. Ўзбекистон Республикасида адвокатурани такомиллашти-риш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материал-лари. - Т.: ТДЮИ, 2003. - 263 б.
9. Безлепкин Б.Т. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации (постатейный) / 4-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. - 944 с.
10. Власова Н.А. Досудебное производство в уголовном процессе. Пособие. - М.: ЮРМИС, лд, 2000.-144 б.
11. Власова Н.А. Уголовный процесс: Вопросы и ответы - М.: ИД «Юриспруденция», 2003. -272 б. (Серия «Подготовка к экзамену»).
12. Даневский В.П. Наше предварительное следствие: его недостатки и реформа. - К.: Семенко Сергей, 2003.- 142 б.
13. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации (постатейный) / Л.Н.Башкатов, Б.Т. Безлепкин и др.; отв. ред. И.Л. Петрухин. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003. - 1016 б.
14. Медведев М.Ю. Уголовный процесс. Консультации. Образцы документов. Судебная практика: - М: Юриспруденция, 1999. - 400 б. (Серия «Справочник адвоката»).
15. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации (постатейный) / под общ. ред. Петрухина И.Л. - М.: Проспект, 2003. - 1016 б.
16. Рыжаков А.П. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации. - 2-е изд., изм. и доп. - М.: Издательство НОРМА (Издательская группа НОРМА - ИНФРА. М), 2002. - 1024 б.
17. Интернетдан web сайтлар: www.pravo.ru; www.referat.ru www.kalinovsky-k.narod.ru; www.allpravo.ru www.cis-legal-reform.org ва б.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-мавзу. Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ўқув курсининг тушунчаси, предмети ва тизими.....	4
2 - мавзу. Тергов ҳаракатлари исботлаш усули сифатида.....	7
3 - мавзу. Сўроқ қилиш.....	22
4 - мавзу. Юзлаштириш.....	36
5 – мавзу. Таниб олиш учун кўрсатиш.....	44
6 - мавзу. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш.....	52
7 - мавзу. Кўздан кечириш.....	56
8 – мавзу. Гувоҳлантириш.....	66
9-мавзу. Мурдани эксгумация қилиш.....	70
10-мавзу. Тергов эксперименти.....	79
11-мавзу. Олиб қўйиш ва тинтув.....	87
12-мавзу. Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш.....	102
13-мавзу. Экспертиза.....	106
14-мавзу. Экспертиза текшируви учун намуналар олиш.....	125
15-мавзу. Нарсалар ва ҳужжатларни тақдим қилиш.....	135
Адабиётлар рўйхати.....	142

Н.М. Қўшаев, Ш.Ф. Файзиев

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан магистратуранинг 5А380109
мутахассислиги тингловчилари учун ўқув қўлланма сифатида тасвир этилган

Мухаррир: С.Усмонов
Техник муҳаррир: Ж.Абдужалилов
Компьютерда саҳифаловчи: А.Худайбергенова
Компьютерда терувчи: Н.Қардош

Босишга рухсат этилди: 15.02.2007.
Ҳажми: 9,3. Адади: 300, Буюртма: № 986.
ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.

- [1] Каримов И.А. Адолат, ватан ва халқ манфаати ҳар нарсдан улуг. Т, 1998. 51-б.
- [2] Каранг: Уголовный процесс / Гуценко К.Ф.нинг таҳрири остида. М.: 1998. 206 - б.
- [3] Шейфер С.А. Следственные действия. Система и процессуальная форма. М.: 2001. 73 - 88 - бетлар.
- [4] Масалан: ўзбек тилида чоп этилган Жиноят процесси (махсус қисм) дарслигида шу мазмундаги фикрни кўриш мумкин. (Қаранг: Жиноят процесси (махсус қисм) доц.Иноғомжоновнинг умумий таҳрири остида Т: «Янги аср авлоди» 2003 й., 22 - бет.). Бир гуруҳ рус олимлари томонидан чоп этилган адабиётларда шундай фикрни кузатиш мумкин: (қаранг: «Уголовно - Процессуальное право Российской Федерации» под общей ред. проф., заслуженного, деятеля науки Российской Федерации П.А. Лупинской (издание второе, переработанное и дополненное) Изд.Юристъ., М., 1997й., 250 бет.; «Уголовно - Процессуальное право Российской Федерации» под общей ред., проф., заслуженного, деятеля науки Российской Федерации П.А. Лупинской (издание третье, переработанное и дополненное) Изд.Юристъ., М., 1998й., 285 - 286 бетлар.)
- [5] Мисол учун А.К. Гаврилов кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларининг махсус жиноят - процессуал институти мавжуд дейди. (Қаранг: Гаврилов А.К. «Раскрытие преступлений на предварительном следствии» 1983й., 96 - бет.).
- [6] Н.П. Яблоков ушбу тушунчани иккала маънода ҳам қўлланилиши мумкинлигини таъкидлайди. (Қаранг: Яблоков Н.П. Проблемы расследования и предупреждения преступлений в области охраны труда и техники безопасности. Автореф. докт. дисс. М., 1972 й., 20 - бет.)
- [7] Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс: Учебник для вузов/ 2 - е изд. Под. Обш. Ред. А.В Смирнова. СПб.: Питер, 2005. - 387 - 388 - бетлар
- [8] Каранг: Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс: Учебник для вузов/ 2 - е изд. Под. Обш. Ред. А.В Смирнова. СПб.: Питер, 2005. 410 - 414 - бетлар
- [9] См.: Гапанович Н. Н. Оpozнание в следственной и судебной практике (тактика). Минск, 1978. Б. 13.
- [10] См.: Кочаров Г. И. Оpozнание на предварительном следствии. М., 1955. Б. 9.
- [11] Гапанович Н. Н. Ўша ерда. Б. 14
- [12] Эсонов М. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш. Тошкент, "Ўзбекистон", 1997. Б.4.
- [13] Матышев А.А. "Осмотр трупа на месте его обнаружения", изд. "Лань", С. - Петербург, 1994. Б. 43.
- [14] Винберг А.И. "Криминалистика" 1950 й. Б.3.
- [15] Попов В.И. Осмотр место происшествия. Алма Ата, 1957., Б.10.
- [16] Уголовный процесс: Учебник для юридических высших учебных заведений / Под общ. ред. В.И. Радченко. — М.: «Юридический Дом «Юстицинформ», 2003. 342-345-бетлар; Пикалов И.А. Уголовный процесс Российской Федерации (краткий курс): Учебное пособие, 2005. // Allpravo.Ru – 2005: Громов Н.А. Уголовный процесс России: Учебное пособие. М.: Юристъ, 1998.
- [17] Жиноят процесси: (умумий қисм) доц. Иноғомжоновна З.Ф. умумий таҳрири остида. Т. 234–б.
- [18] Ўша ерда.
- [19] Тергов эксперименти ҳақида тўлиқроқ қаранг: Белкин Р.С. Теория и практика следственного эксперимента. М.: 1959. 43-б; Белкин Р.С., Белкин А.Р. Эксперимент в уголовном судопроизводстве. М.: 1997. 33-43-бетлар.
- [20] Каранг масалан: Белоруссия Республикаси ЖПКнинг 210, 212-моддалари; Қозғоғистон Республикаси ЖПКнинг 232, 234-моддалари; Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 184, 186-моддалари.
- [21] Смирнов А. В., Калиновский К. Б. Уголовн й процесс: Учебник для вузов / 2-е изд. Под. общ. ред. А. В. Смирнова. СПб.: Питер, 2005. 405 бет.
- [22] Ўзбекистон Республикаси Жиноят процесси: Дарслик / Б.А. Миренский, А.Х. Раҳмонқулов, Ж. Камалходжаев, В.В. Қодиров. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. 154-б.